

674

HISTORY OF UZBEKISTAN

# O'ZBEKISTON TARIXI

2/2007









# O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

Мундарижа

Самарқанднинг 2750 йиллигига

2  
2007

- М. Исомиддинов.** Самарқанднинг антик даврдаги шаҳарсозлик маданияти: анъаналар ва инновациялар ... 3
- А. Хўжаев.** Хитой манбаларида Самарқандга оид маълумотлар (V-VIII асрлар) ..... 11
- О. Бўриев.** Темурийлар даври манбаларида Самарқанд шаҳри ҳамда вилоятининг табиати ва ҳўжалиги ..... 25
- А. Ахмедов.** Улугбек давридаги Самарқанд – дунё фанининг маркази ..... 35
- Ш. Раҳматуллаев, П. Хўшбоқов.** Самарқанд Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ..... 39

## Тошкент – ислом маданияти пойтахти

- Д. Максудов.** Мовароуннахрлик муфассир олимларнинг илмий мероси ..... 47
- Ў. Султонов.** Тошкент Қўкон хонлиги таркибида («Тарихи жадидаи Тошканд» ва «Хулосат ул-аҳвол» асарларидаги маълумотлар таҳлили) ..... 57
- З. Орифхонова.** Диний эътиқоднинг тикланиши Тошкент аҳолиси маънавиятининг муҳим бўлаги сифатида (1991-2006) ..... 68

## Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

- А. Анорбоев, Ф. Максудов.** Жанубий Фарғонада қадимги деҳқончилик ва Марғилон шаҳрининг ташкил топиши ..... 77
- А. Муҳаммаджонов.** Марғилон-Маргинон номининг маъноси ҳақида ..... 91
- Г. Агзамова.** XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсида кечган урбанизацион жараёнлар ва унда Марғилоннинг тутган ўрни ..... 95

## Тарихчи кутубхонасига

- Г. Ахмеджонов.** Х. Ғ. Ғуломовнинг «Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX в.» монографиясига тақриз ..... 107

## Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

- Р. Назаров.** Самарқанднинг жаҳон тамаддуни тарихида тутган ўрни (Я. Ғуломов семинарининг Самарқанд шаҳри 2750 йиллигига бағишланган йиғилиши ҳақида) ... 110

## Фанимиз даргалари

- А. Муҳаммаджонов, Ў. Исломов, Г. Агзамова.** Илм-фан масканида 60 йил ..... 112

Журналга 1998 йил  
1-йида асос солинди  
Бир йилда то'рт  
мarta chiqadi

Тошкент  
О'zbekiston  
Respublikasi Fanlar  
akademiyasi  
«Fan» nashriyoti

## Содержание

### К 2750-летию Самарканда

|                                                                                                        |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| М. Исамиддинов. Городская культура Самарканда в эпоху античности: традиции и инновации .....           | 3  |
| А. Ходжаев. Сведения китайских источников о Самарканде (V-VIII вв.) .....                              | 11 |
| А. Буриев. Темуридские источники о природе и хозяйстве города Самарканда и его окрестных районов ..... | 25 |
| А. Ахмедов. Самарканд эпохи Улугбека – центр мировой науки .....                                       | 35 |
| Ш. Рахматуллаев, П. Хушбоков. Самарканд в годы независимости Узбекистана .....                         | 39 |

### Ташкент – столица исламской культуры

|                                                                                                                                           |    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Д. Максудов. Научное наследие ученых муфассиров Мавераннахра .....                                                                        | 47 |
| У. Султанов. Ташкент в составе Кокандского ханства (анализ материалов произведений «Тарихи джадида-и Тошканд» и «Хулосат ул-ахвол») ..... | 57 |
| З. Арифханова. Возрождение религиозности как важнейшего компонента духовности населения Ташкента (1991-2006) .....                        | 68 |

### К 2000-летию Маргилана

|                                                                                                                                          |    |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| А. Анарбаев, Ф. Максудов. Древнее земледелие Южного Ферганы и образование города Маргилана .....                                         | 77 |
| А. Мухаммеджанов. О значении топонима «Маргилан-Маргинап» .....                                                                          | 91 |
| Г. Агзамова. Место города Маргилана в урбанизационных процессах, происходивших в Ферганской долине в XVIII – первой половине XIX в. .... | 95 |

### В библиотеку историка

|                                                                                                                                                           |     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Г. Ахмеджанов. Рецензия на монографию Х. Г. Гуломова «Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX в.» ..... | 107 |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|

### Научная жизнь: конференции, встречи, дискуссии

|                                                                                                                                       |     |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Р. Назаров. Самарканд и его место в истории мировой цивилизации (Семинар им. Я. Гулямова, посвященный 2750-летию юбилею города) ..... | 110 |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|

### Старейшины науки

|                                                                              |     |
|------------------------------------------------------------------------------|-----|
| А. Мухаммеджанов, У. Исломов, Г. Агзамова. 60 лет в исторической науке ..... | 112 |
|------------------------------------------------------------------------------|-----|

## Тахрир хайъати:

Дилором Алимова  
(бош мухаррир)  
Мирузрт Абусентова  
(Козогистон)  
Омонулла Бўриев  
Алишер Дониёров  
Доно Зийева  
Ўткир Исломов  
Мирсодиқ Исмоков  
Элёр Каримов  
Зоя Орифханова  
Эдвард Ртвеладзе  
Ильза Сиртаугас (АҚШ)  
Рустам Сулаймонов  
Маргарита Филинович  
(бош мухаррир ўринбосари)  
Темур Ширинов  
Нозим Хабибуллаев  
Шоира Асадова (масъул котиб)  
М. Саидова  
А. Михерёва  
(мухаррирлар)  
Д. Тюрина (техмухаррир)  
Т. Гез (мукова дизайнери)

### Манзилимиз:

100170, Тошкент,  
И. Мўминов кўчаси, 9-уй.  
Телефон: 162-38-73.

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Давлат матбуот қўмитаси томонидан  
рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди 9.07.2007.  
Босишга рухсат этилди 7.08.2007.  
Қоғоз бичими 70×100<sup>1/16</sup>.  
Таймс гарнитур.  
Офсет босма. Офсет қоғози.  
Шартли босма 10,0 т.  
Ҳисоб-нашриёти 8,55 т.  
392 нусха. 150 - буюртма.



## Самарқанднинг 2750 йиллигига

М. Исомиддинов

### САМАРҚАНДНИНГ АНТИК ДАВРДАГИ ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ: АНЪАНАЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

Самарқанд воҳасида ҳақиқий урбанизация жараёнининг бошланган даври илк темир даврига тўғри келади ва бу жараён тўғрисида умумлашган ҳолдаги монография мавжуд<sup>1</sup>. Лекин шаҳар ривожланишининг кейинги босқичи, яъни антик даври шаҳарсозлик маданияти тўғрисида Г. В. Шишкина ва О. Н. Иневаткиналар томонидан ёзилган ишлар бор. Аммо, бу ишлар шаҳар маданияти ривожланишининг маълум бир соҳаларини ёритган бўлиб, уни ҳар томонлама қамраб ола олмаган<sup>2</sup>.

Биз ушбу мақолада ўша даврдаги шаҳарсозлик маданияти тарихий тараққиётда қандай ўзгариб борганлиги, уни моддий маданиятда қандай акс этганлигининг умумий томонларини қисқа қилиб ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

«Антик даври маданияти» дейилганда асосан қадимги Греция ва Рим атрофида шаклланган маданият тушунилади. Ўрта Осиё ҳудудларида бу давр маданиятига ўхшаш маданиятни милoddан илгариги IV асрнинг охирилари ва III асрнинг бошларида вужудга келган ва милoddнинг III-IV асрларигача давом этганлигини кўрамиз.

Антик даври маданиятининг дастлабки биринчи ярмини тарихчи ва археологлар томонидан «эллинизм маданияти» деб айтиш кенг расм бўлган. Лекин бизнингча, бу давр маданиятини тўлиқ «эллинизм маданияти» деб айтиш нотўғри бўлса керак. Чунки Ўрта Осиё ҳудудларидан Греция ва Римдагига ўхшаган ва ҳатто, Ўртаер денгизи

<sup>1</sup> Исомиддинов М. Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). Ташкент. Изд-во народного наследия им. А. Кадыри, 2002.

<sup>2</sup> Шишкина Г. В. О местонахождении Мараканды // СА. М., 1969 а. № 1. С. 62-75; Её же. Древний Самарканд в свете стратиграфии западных районов Афрасиаба: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1969 б.-20 с.; Её же. Эллинистическая керамика Афрасиаба // СА. 1975. № 2. С. 60-78; Её же. Древний Самарканд и его округа // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Античность, раннее средневековье // Материалы международного colloquium (Самарканд, 1986). Ташкент: Фан, 1987. С. 164-170. Иневаткина О. Н. Акрополь Древнего Самарканда в структуре города (VI в. до н. э. – V в. н. э.): Дис. ... канд. ист. наук. М., 1995. -135 с.

хавзасидагидай ҳақиқий «эллинизм маданияти» деса бўладиган моддий маданият ёдгорликлари топилган эмас. Масалан, Ўртаер денгизи хавзасида ҳаққоний «эллинизм маданияти» деса арзийдиган, Греция ва Римга хос ибодатхоналар, тошдан тикланган бутун бошли шаҳар ва кишлоқлар, юзлаб ҳайкалтарошлик санъат асарлари, деворий суратлар, мозаикалар, лакланган, суратлар солинган сопол идишлари, амфоралар ва ҳ.к. лар тарқалган эди-ки, уларни ҳақиқий «эллинизм маданияти» деса бўлади.

Бизда тарқалган «эллинизм маданияти»ни ўз пайтида Г. А. Пугаченкова «эллинишган маданият» деб аташни тавсия этган<sup>3</sup>. Бизнингча, Г. А. Пугаченкова бу масалада мутлақо ҳақ эди. Чунки, ҳатто ўша «эллинишган маданиятни» ҳам фақат жанубий ҳудудларда – Бактриянинг Ойхоним каби ёдгорликларида кўриш мумкин.

Эллинизм давригача бўлган даврдаги шаҳарсозликни кўрадиган бўлсак, шаҳарнинг асосий ядроси дастлаб ибодатхоналар атрофида пайдо бўлган. Шаҳарларнинг кўши ва унинг этагидаги ҳоким саройи шаҳар ибодатхонасида нисбатан кечроқ пайдо бўлган бўлиши мумкин. Масалан, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида пайдо бўлган энг қадимий шаҳар-давлатлар – Жарқўтон, Олтинтепа ва Гонуртепаларнинг пайдо бўлишида асосий ролни худди шу ибодатхоналар ўйнаган<sup>4</sup>.

Бу қадимий анъана илк темир даврида ҳам давом этганлигини кўра-миз. Илк темир даврида Сўғд ҳудудида 4 та йирик шаҳар харобаси бўладиган бўлса, буларнинг ҳаммасида ҳам шаҳарнинг асосий ядросини ибодатхона ва шаҳар ҳокимларининг саройлари ташкил этар эди. Бундай ҳолат Самарқанд Сўғдининг икки йирик шаҳар харобаси Кўктепа ва Афросиёбда бир хил эканлиги кузатилди<sup>5</sup>. Қашқадарё воҳасидаги икки йирик шаҳар харобасида ҳам айнан шу ҳолат такрорланаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Кеш воҳасида шаклланган Навтақа шаҳрининг харобаси асосан Узунқир ёдгорлиги бўладиган бўлса, унинг ёнгинасида жойлашган Сангиртепани археологлар «илк темир даврида шаклланган ибодатхона бўлган бўлиши керак»<sup>6</sup>, деб тахмин қилдилар.

<sup>3</sup> Пугаченкова Г. А. Древности Мианкаля. Из работ Узбекистанской искусствоведческой экспедиции. Ташкент: Фан, 1989. -209 с.

<sup>4</sup> Аскарлов А. А., Широков Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993; Массон В. М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Т. XVIII. Л.: Наука, 1981. -172 с.; Сарияниди В. И. Древности страны Маргуш. Ашхабад: Илим, 1990.

<sup>5</sup> Исамиддинов М. Х. Истоки городской... С. 65-99.

<sup>6</sup> Лушпенко О. Н. Культура раннежелезного века Южного Согда (по материалам памятников Китаба-Яккабага): Дис. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1997. -155 с.



Кейинги йилларда ўзбек-француз экспедицияси томонидан олиб борилган археологик изланишлар эса буни тасдиқлади. Бу ерда ҳақиқатдан ҳам аҳамонийлар даврининг илк даврларига оид ибодатхонанинг асосий марказий зали очилди.

Қарши воҳасидаги Ерқўрғон харобаларининг марказий қисмида ибодатхона бўлиб, унинг остида платформанинг борлиги маълум. Ерқўрғондаги кулоллар маҳалласидаги 13 қазилмадан ҳам милoddан илгариги VIII-VII асрларга оид деворни топилиши бу шаҳарнинг маданияти тарихида ҳам асосий марказий ўринни ибодатхона эгаллаганлигини кўрсатади.

Юқорида эслатилган шаҳар харобаларининг ҳаммасида ҳам ибодатхоналар билан бирга шаҳар ҳокимлари қароргоҳларини қад кўтарганини кўришимиз мумкин. Худди ибодатхоналарга ўхшаш шаҳар ҳокимининг кўшклари ҳам баланд платформалар устига қурилган бўлиб, унинг этагида саройлари жойлашган бўлган. Булар Кўктепа ва Афросиёбда кузатилди. Илк темир даврининг ўрталаридан шаҳарларнинг энг дастлабки тизимлари – ибодатхона ва саройлар алоҳида қалин деворлар билан ўраб олинган эди.

Шаҳарларнинг оддий аҳоли яшайдиган қисмини урбанизация жараёнларининг иккинчи босқичида ўраб олишганга ўхшайди. Кўктепада яқин 100 га майдон, Афросиёбда эса яқин 220 га майдон ўраб олинган. Нима бўлганда ҳам юқорида эслатилган жараёнларни бутун Сўғдда бир хилда ривожланганлигини худди шу шаҳарларда тарқалган асосий қурилиш материали – ғиштларнинг шакли бир хилда эканлигидан ҳам билса бўлади. Дастлаб гуваласимон ғиштлар бўлган бўлса, аҳамонийлар давридан бошлаб тўғри бурчакли ғиштлар, кейинроқ, аҳамонийлар даврининг охиридан квадрат шаклидаги ғиштлар кенг тарқалган.

Аҳамонийларгача бўлган Сўғддаги барча мудофаа деворлари монолит тарздаги ва гуваласимон ғиштлардан кўтарилган деворлар бўлган бўлса, аҳамонийлар давридан бошлаб коридор-галерея типигаги ҳамда тўғри бурчакли ғиштлардан кўтарилган мудофаа деворлари кенг тарқалган. Айнан квадрат шаклидаги ғиштлардан ҳамда коридор-галерея типигаги мудофаа деворларини қуриш анъанаси эллинизм даврида ҳам давом этди<sup>7</sup>.

Самарқанд воҳасида квадрат шаклидаги ғиштлардан кўтарилган мудофаа деворлари ва бошқа жамоат уйларини қуришда ишлатилган квадрат шаклидаги ғиштларни тарқалиш даврини кўпчилик олимлар

<sup>7</sup> Исамиддинов М. Х. Истоки городской... С. 65-136.

эллинизм даври билан боғлашар эди<sup>8</sup>. Лекин, бизнинг кейинги йилларда Кўктепа ёдгорлигида олиб борган изланишларимиз квадрат шаклидаги ғиштларни Ўрта Осиё ҳудудларида тарқалиши аҳамонийлар даврининг охирларидан бошланганлигини кўрсатади. Бу ғиштларни аҳамонийлар империяси давридаги алоқаларни ниҳоятда кучайганлиги туфайли Ўрта Осиё ҳудудларида кенг тарқалганлигини кўриш мумкин. Буни эллинлар томонидан босиб олинмаган ва бу маданият кириб келмаган ҳудудлар – Хоразм ва Фарғонада ҳам тарқалганлигини кўриш мумкин<sup>9</sup>.

Демак, эллинизм даврида бўлган энг йирик ўзгаришлардан бири квадрат шаклидаги ғиштларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши Ўртаерденгизи ҳудудларидан эмас, балки аҳамонийлар даврида Эрондан кириб келган ғишт шакли маҳаллий шароитда кенг тарқалган экан. Лекин, дастлабки даврларда ғиштларнинг ҳажми жуда катта 45×45×12-14; 42×42×12 см атрофларида бўладиган бўлса, грек-бактрия даври ва ундан кейинги даврларда уларнинг ҳажми анча кичрайган.

Шунга қарамай квадрат ғиштлардан кўтарилган мудофаа деворлари, алоҳида қурилган иморатларнинг шакли, ғиштларни тахлаш усуллари кескин ўзгарди. Жумладан, Афросиёбда топиб ўрганилган эллинизм даврига оид коридор-галерея типдаги деворнинг ғиштларини терилишига қарайдиган бўлсак, ундаги симметрияни, ўлчовларнинг аниқлигини кўриб одам ҳайратланади. Деворнинг пишиқлигини ошириш мақсадида унинг остига қалинлиги 70 см атрофидаги тупрок ва шағал қоришмасидан иборат фундамент тайёрланган<sup>10</sup>. Шунинг учун ҳам айнан шу девор ниҳоятда пишиқ ишланганлиги туфайли яқин 800 йил давомида ўз функциясини бажариб келган.

<sup>8</sup> Ш и ш к и н а Г. В. Северные ворота Древнего Самарканда. История культуры народов Средней Азии (древность и средние века). М., 1976. С. 99-104.; Ш и ш к и н а Г. В., Сулейманов Р. Х., Кошеленко Г. А. Согд. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. М., 1985. С. 273-292.

<sup>9</sup> Толстов С. П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. М., 1948.; Горбунова Н. Г., Козенкова Н. Г. Сым-тепе – поселение в Фергане // Археологический сборник. Вып. 16. Л.: Аврора, 1974. С. 92-104.

<sup>10</sup> Bernard P., Grenet F., Isamiddinov M. et. alii. Fouilles de la mission franco-cvietique a l'ancienne Samarkand (Afrasiab) premiere campagne, 1989. Academie des Inscriptions Belles-Lettres, Paris, 1990. P. 275-331; Bernard P., Grenet F., Isamiddinov M. Fouilles de la mission franco-usbeke a l'ancienne Samarkand (Afrasiab), deuxieme et troisieme campagnes (1990-1991). Comptes-rendus de l'Academie des inscriptions et Belles-Lettres. Paris, 1992. P. 356-380.; Rapin Cl., Isamiddinov M. Fortifications hellenistiques de Samarcande (Camarkand-Afrasiab). Topol. Orient-ocoeint. 1994. Vol. 4/2. P. 547-565.

Эллинизм даври мудофаа деворларининг энг характерли белгиларидан яна бири бу найза ёки камон ўқининг учига ўхшаш нишакларнинг кенг тарқалишидир. Бу даврга қадар бўлган мудофаа деворларининг нишаклари эса тўғри бурчак шаклига эга эди.

Самарқанд шаҳри структурасининг энг муҳим қисмларидан бири акропол, яъни аркини бўлганлигидир. Шаҳарнинг айнан аркини, унинг қалъаси ва саройи тўғрисидаги маълумотларни Александр Македонский юришларини ёзиб қолдирган тарихчилар батафсил хабар берадилар. Айнан Александрнинг Самарқандни босиб олиши ва шаҳарнинг аркида йирик бир горнизонни қолдириб, ўзи қолган аскарлар билан бирга Сирдарё бўйлари томон жўнаб кетгани тўғрисида хабар беради (Курций Руф, VII, 6, 10).<sup>11</sup> Энг муҳими Александр замониғача қурилган шаҳар қалъаси бутун бошли горнизонни ўзига сиғдирган ва икки марта Спитаменни қалъани қамал қилишига қарамасдан унга бардош берган.

Илгари шаҳарнинг 4 томонида 4 та дарвозаси бўлган бўлса, Александр шаҳарни босиб олгандан кейин аввалги асосий дарвозаларни сақлаган ҳолда шаҳар деворининг ҳар 150 метрида симметрияли қилиб кириб-чиқиш учун қўшимча туйнуқлар қўйилган.

Эллинизм даврида шаҳарнинг асосий магистрал йўллари ва уларни ёни бўйлаб йўналган ариқлар тўлиқ шаклланиб бўлди. Шаҳарнинг жанубий қисмини шимол билан боғловчи 4 та йўл ва унинг ёқасида ариқлар бўлганлиги археологик усуллар билан аниқланган. Бундан ташқари Афросиёбнинг турли қисмларида 15 та йирик ҳовузлар ўрни бўлганлиги ҳозирги рельефда сақланиб турибди<sup>12</sup>. Лекин антик даврларда шаҳарни сув билан таъминлашда сув қувурлари системасидан фойдаланишганлиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Фақат бир ердан, у ҳам бўлса Афросиёбнинг шимоли-ғарбий қисмидаги деворнинг остидан ўтказилган сополдан ясалган қувур топилганлиги маълум. Лекин бу ердан топилган сув қувури шаҳарни сув билан таъминлаш учун эмас балки, ёмғир сувларини ташқарига чиқариш учун ишлатилганлиги қўриниб турибди.

Эллинларни Ўрта Осиё ҳудудида қурган шаҳарларидан яна бири бу – Вахш дарёси бўйида қурилган Тахти Сангин ёдгорлигидир. Бу ерда йирик ибодатхона очилган бўлиб, бу ибодатхонани Амударё худоси ёки

<sup>11</sup> Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Сохранившиеся книги / Под ред. Соколова В. С. М.: Наука, 1963.

<sup>12</sup> Шишкина Г. В., Анарбаев А. А., Иваницкий И. Д., Иневаткина О. Н., Кириллова О. В. Опыт исследования межквартальных участков городища Афрасиаб методом бурения // ИМКУ-32. Ташкент: Фан, 2001. С. 218-238.



умуман, сув худосига бағишлаб қурилганлигини шу ибодатхонанинг оташдонига грек тилида «қасамёд қилиб Оксга бағишладим» деб ёзиб қўйилган ёзувдан билса бўлади. Бу ибодатхонанинг қурилишида қадимги эрон анъаналари билан грек анъаналари ўзаро уйғунлашган<sup>13</sup>. Ҳозирги пайтда мутахассислар худди шундай шаҳар Термиз остида ҳам бўлган, деб тахмин қилишмоқда<sup>14</sup>.

Лекин Самарқанд худудларида ҳам грек тили ва ёзувини бир оз тарқалганини кўриш мумкин. Ҳозирда Афросиёбдан 2 та грек тилида ёзилган ёзув топилган<sup>15</sup>. Лекин Сўғд худудида грек ёзуви Бактрияга нисбатан камроқ тарқалди. Бу ерда арамей ёзуви асосида сўғд алифбоси вужудга келди.

Грекларни Ўрта Осиё худудларида кўпроқ маҳаллий худоларга ҳам сиғинганликларини юкорида келтирилган Тахти Сангин ёдгорлигида топилган ибодатхонадан ҳам билса бўлади. Лекин Амударёдан шимол томонда греклар томонидан қурилган ибодатхоналар топилмаган. Афросиёбдан ҳам ҳозирча эллинизм даврига оид ибодатхона топилиганича йўқ. Самарқанддан 40 км шимоли-ғарб томонда жойлашган Қўрғонтепа ёдгорлигидан олов ибодатхонасини топилганлиги<sup>16</sup>, бу жуда қадим замонлардан давом этиб келаётган, анъанавий очик осмон остидаги олов ибодатхоналарини эслатади ва Самарқандда ҳам худди шундай ибодатхона бўлган бўлиши мумкин.

Эллинизмни Ўрта Осиёга таъсирини терракота ҳайкалчаларидан ҳам билса бўлади, чунки илк темир даврида санъатнинг бундай турлари Ўрта Осиёда умуман йўқ эди. Балки эллинларга қадар ҳайкаллари ёғочдан қилинган ёки лойдан ясалган турлари бўлган бўлиши мумкин қайсики, улар бизгача етиб келмаган.

Эллинларни Ўрта Осиёга кириб келишлари билан дастлаб бу ерда аёл худоларининг тик турган, ўнг қўли кўкрагини остида бўлса, чап қўли қорнини устига қўйилган ҳолдаги тасвирлари туширилган ҳайкалчалар

<sup>13</sup> Литвинский Б. А., Пичикян И. Р. Археологическое открытие на юге Таджикистана // Вестник АН. М., 1980. № 7. С. 15-18; И х ж е. Тахти Сангин – каменное городище // АРТ. Вып. 19 (1979). Душанбе, 1986.

<sup>14</sup> П и д а е в Ш. Р. Стратиграфия городища Старого Термеза в свете новых раскопок // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Античность, раннее средневековье. Ташкент: Фан, 1987. С. 87-97.

<sup>15</sup> Ш и ш к и н а Г. В. Эллинистическая керамика... С. 60-78.; А х у н б а б а е в Х. Асрагал с греческой надписью из раскопок на Афрасиабе // ИМКУ. Ташкент, 1991. Вып. 25. С. 72-77.

<sup>16</sup> П у г а ч е н к о в а Г. А. Древности Мианкаля..., рис. 37.

топилди. Яна иккинчи гуруҳ шундай терракота ҳайкалчалари ҳам аёл худоларини тасвирлаган бўлиб, уларни қўлларида ойна ушлаб турган ҳолда тасвирлаш кенг расм бўлган.

Энг дастлабки терракота ҳайкалчалари албатта, четдан келтирилган асосий нусхадан нусха олиб кейин кўпайтирилган. Бундай терракоталар ҳар сафар куриган сари ўзининг энг дастлабки кўринишини йўқотиб борган. Бундан ташқари ҳар қайси ҳудудда ўзининг маҳаллий шароитидан келиб чиққан, маҳаллий этник типлар тасвирланган, маҳаллий усти-бошларни кийган терракота ҳайкалчалари пайдо бўла бошлади.

Милоддан илгариги II асрлардан бошлаб отлик чавандозлар тасвирланган терракота ҳайкалчалари кенг тарқалди. Буни Ўрта Осиёга кўчманчи-чорвадор аҳолини кўплаб кириб келиши билан боғлашади.

Аҳамонийлар даврига қадар Ўрта Осиё ҳудудларида, шу жумладан, Самарқандда ҳам товар-пул муомаласи бўлмаган эди. Аҳамонийлар даврида Эронда тилладан ясалган танга пуллар – дариклар кенг тарқалган эди. Илмий нашрларга қараганда худди шундай тангаларни бир нечтаси топилгани ва уни Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланиши маълум. Лекин бу пуллар бизга хазина сифатида кириб келган бўлиши керак, чунки аҳамонийлар даврида пул-товар муносабатлари тараққий этмаган эди.

Эллинизм давридан бошлаб, Ўрта Осиё ҳудудларида ҳам товар-пул муносабатлари ўрнатилди. Энг дастлабки грек тангаларида одатда, подшонинг тасвири ва унинг орқа тарафида эса грек худоларидан Зевс, Аполлон, Геракл каби тасвирлар туширилган бўлган. Қадимги танга зарб этувчи усталар шу даражада моҳирлик билан подшонинг портретини беришганки, ҳатто, уларга қараб туриб ҳар қайси подшонинг характерини ҳам билиб олиш мумкин бўлган<sup>17</sup>.

Ўрта Осиё аҳолини дастлабки грек худолари билан танишиши айнан шу танга пулларни орқасига туширилган худоларнинг тасвирларига қараб бошланган. Сўғда чиқарилган энг дастлабки тангалар милоддан илгариги I, милоднинг I асрларига оид бўлиб, бу Гиркод тангаларидир. Унинг бир томонида осийча қилиб туширилган подшонинг тасвири ва

<sup>17</sup> Зеймалъ Е. В. Начальный этап денежного обращения Древней Трансоксианы // Средняя Азия, Кавказ и зарубежный Восток в древности. М.: Наука, 1983. С. 61-80; Ртвеладзе Э. В., Пидяев Ш. Р. Каталог древних монет Южного Узбекистана. Ташкент: Фан, 1981. -120 с.

унинг оркасида отлик одамнинг қўлини узатиб турган тасвири ёки камон ушлаган ҳарбийнинг тасвири тасвирланган.

Шундай қилиб, энг дастлабки чиқарилган тангаларда подшонинг тасвирларини портрет шаклида тасвирлаш кенг тарқалган бўлса, аста-секинлик билан бундай санъат ўзининг аҳамиятини йўқотади. Энди тушириладиган тасвирларда схематизм кучая боради.

Албатта, Сўғднинг моддий маданиятига энг кучли таъсир этган соҳа бу кулолчилик буюмларидир. Ўрта Осиёга греклар кириб келгунга қадар бу ерда тарқалган кулолчилик буюмларини ҳаммаси цилиндроконус шаклидаги идишлардан иборат эди. Кейин эса бутун эллинизм маданиятини таъсири тарқалган ҳудудларда очик шаклдаги идишлар кенг тарқалди. Бундай идишлар тарқалган ҳудудларнинг чегараси деярли бутун Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларини ҳам эгаллаб олди. Кулолчиликдаги бундай ўзгаришни олимлар кулолчилик чархининг янги турини тарқалиши билан боғлашади<sup>18</sup>. Афросиёб сополларини даврлаштиришда айнан антик даври сополлари Афросиёб-II – Афросиёб-IV даврлари билан даврлаштирилган.

Яқин саккиз юз йил давом этган Сўғднинг антик даври маданияти милонинг IV асри ўрталарида Ўрта Осиёни марказий деҳқончилик ҳудудларига бостириб келган аҳолининг таъсирида йўқ қилинди. Лекин, кўп ўтмай Сўғд ҳудудлари яна ўзини тиклаб олди ва урбанизация жараёнларининг янги, янада юкори босқичи бошланди.

*М. Исамиддинов*

### **Городская культура Самарканда в эпоху античности: традиции и инновации**

Зарождение городской культуры на территории Самаркандского Согда началось ещё с эпохи раннежелезного века. В статье даются общий обзор о развитии культуры эпохи эллинизма, объяснение различий в «эллинистической» и «эллинизированной» культурах и сопоставление городской культуры Самаркандского Согда эпохи эллинизма с другими регионами Средней Азии. Отмечается, что такая культура возникла благодаря сложившимся взаимоотношениям и взаимовлиянию культур на огромных территориях Ближнего и Среднего Востока.

<sup>18</sup> Сайко Э. В. К истории гончарного круга и развития форм керамики. Душанбе: Ирфон, 1971. -110 с.



*M. Isamiddinov*

### **Urban culture of Samarkand in Antique period (traditions and innovations)**

Urban culture on the territory of Samarkand Sogd have formed since the Early Iron Age Epoch. In the article is considering culture of Hellenistic period and explaining difference between «Hellenistic» and «Hellenize» culture. In the article urban culture of Samarkand Sogd is comparing with other regions of Central Asia. Author of the article is emphasizing that this culture was a product of interconnections and interinfluences on the wide territories of Near and Middle East.

*A. Хўжаев*

### **ХИТОЙ МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНДГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР<sup>1</sup> (V-VIII асрлар)**

Давримизгача сакланиб келган қадимий хитой манбалари орасида «Тангри фарзанди Му ҳақида хотира» («Мутянцзы чжуан») деб номланган бир саёҳатнома мавжуд бўлиб, у милoddан аввалги V асрда расмсимон иероглифлар билан хитой қамишидан қилинган тахтачаларга ўйиб ёзилган. Ушбу саёҳатнома милoddан аввалги 1122-247 йилларда мавжуд бўлган Чжоу мамлакати ҳукмдори Муниг (мил. ав. 1001-945) ғарбий сафарига бағишланган<sup>2</sup>. Асарда ёзилишича, ушбу ҳоким милoddан аввалги 989-988 йилларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан ўтиб Каспий денгизининг ғарбий томонидаги мамлакатларга борган. Сафарнинг биринчи йили ёзда Му ҳамроҳлари билан Помирдан ўтиб 25 кун йўл юргач, Кивенжан (Kiwēnjan) деб номланган бир жойга етиб келган ва бу ернинг ҳукмдори билан учрашган ҳамда зиёфатда бўлган<sup>3</sup>. Хитой олимларининг ёзишича, Кивенжан ҳозирги Самарқандга тўғри келади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Хитойча атамалар ва исмлар ўзбекча транскрипция қилинди. Чунки бу усул билан уларнинг товуш оҳанглари аниқроқ қилиб бериш мумкин.

<sup>2</sup> Ванг Чжунгхан. Чжунго минцзуши (КНР халқлари тарихи). Пекин, 1994. 74-75-бетлар.

<sup>3</sup> Гу шишин (Қадимда ғарбга қилинган саёҳатлар хотиралари). Инчуань, 1987. 16-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 16-бет.

Кивенжан топоними «Кивен» ва «жан» каби икки сўздан ташкил этган бўлиб, уларнинг биринчиси туркий тилдаги кент сўзининг қадимий хитой тилидаги транскрипциясидир. А. Муҳаммаджоновнинг Самарқанд юбилейи арафасида телевиденияда берган маълумотига кўра, «jan» дарё бўйи демакдир. Шундан маълумки, Кивенжан дарё бўйидаги шаҳар маъносини англатади.

Милоддан аввалги 988 йили ёзда Му қайтиб кетаётганида яна Ўзбекистон ҳудудидан ўтган. Шунда у Куэтган (Kuetgan, ҳозирги ўкилишда Гуган) номли бир жойда тўхтаган. Ушбу жой ҳозирги Қўқон шаҳрига тўғри келади<sup>5</sup>.

«Мутянцзы чжуан»дан кейинги бир неча асрлар давомида битилган хитой манбаларида Самарқандга оид маълумот учрамайди. Ҳар ҳолда ҳозирча биз учратганимиз йўқ.

Самарқандга оид маълумот махсус параграфга бўлинган ҳолда 550-566 йилларда сарой тарихчиларидан бўлган Вэй Шоу (506-572) томонидан битилган «Вэй сулоласи тарихида» («Вэй шу»)<sup>6</sup>, Вэй Чжэнг, Ян Шигу, Кунг Инда, Сюй Цзингцзунглар томонидан 636 йили ёзиб битирилган «Суй сулоласи тарихи» («Суй шу»)<sup>7</sup>, Ли Яншоу қаламига мансуб бўлган ва 643 йилда ёзиб битирилган «Шимолий сулолалар тарихи» («Бэй ши»), 713-741 йилларда битилган Вэй Шу қаламига мансуб «Танг сулоласи тарихи» («Танг шу»)<sup>8</sup>, 766-801 йилларда битилган Ду Ю (735-812) қаламига мансуб «Умумий тарих» («Тунгдянь»)<sup>9</sup> ва машҳур Талас жангининг катнашчиси Ду Хуан томонидан битилган «Ду Хуаннинг кўрган ва эшитган воқеалари баёни» («Ду Хуан цзингшинг цзи»)<sup>10</sup>, 960-1007 йилларда яшаган Лэ Ши ёзган «Тинчлик ўрнатилган ерлар баёни»

<sup>5</sup> Ўша жойда. 23-бет.

<sup>6</sup> Вэй Шоу. Вэй шу (Вэй сулоласи тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). Пекин-Шанхай 1958. 4-жилд. 9701 (1319)-бет.

<sup>7</sup> Вэй Чжэнг, Ян Шигу, Кунг Инда, Сюй Цзингцзунг. Суй шу (Суй сулоласи тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 9-жилд. 11704 (826)-бет.

<sup>8</sup> Танг сулоласи тарихи «Жю Танг шу» («Танг сулоласининг кўхна тарихи») ва «Шин Танг шу» («Танг сулоласининг янги тарихи») каби икки тарихдан иборат. Биринчи асар 130 бобдан иборат. Иккинчи асар 225 бобдан иборат бўлиб, у 1044-1060 йилларда Оу Янгшю ва Сунг Цилар томонидан ёзилган. Шундан сўнг олдин ёзилган Танг сулоласининг тарихи «Жю Танг шу» деб номланган.

<sup>9</sup> Ду Ю. Тунгдянь (Қонун-қоидалар ва урф-одатлар баёни). 3 жилддан иборат. Чанша, 1995. 3-жилд. 2737-бет.

<sup>10</sup> Гу шишин жи (Қадимда ғарбга қилинган саёхатномалар). Йинчюан, 1987. 130-137-бетлар.

(«Тайпин хуанюй цзи»)<sup>11</sup> каби асарларда учрайди. Н. Я. Бичуриннинг «Бэй ши» ва «Суй шу» асосида қилган таржимасида «гуо» иероглифи тушириб қолдирилган<sup>12</sup>, «Танг шу»дан қилган тажимасида эса «Канг-гуо» «Владение Кан» деб ўғирилган<sup>13</sup>.

# **1. Хитой манбаларидаги Канг топоними Самарқанднинг қисқартирилган транскрипцияси эканлиги ҳақида.**

Хитой манбаларида ва адабиётларида учрайдиган «Канг» атамаси олимлар орасида турли фикр-мулоҳазаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган масалаларнинг бири ҳисобланади. Ушбу атамани улар кўпинча Кангжюй (қадимги ўқилишда Кангкия, Н. Я. Бичурин таржималарида Кангуй, замонавий рус ва ўзбек адабиётида Канцзюй) топоними билан адаштирадилар. Масалан, қозоғистонлик олим Ю. А. Зуевнинг яқинда нашр этилган «Ранние тюрки: Очерки истории и идеологии» номли асарида хитой манбаларида Сўғд аввалига «Канцзюй, кейинроқ эса Кан деб аталган», деб кўрсатилган<sup>14</sup>. Бундай ноаниқликнинг асосий сабаби қуйидагича бўлган:

а) Юқорида тилга олинган манбаларда Самарқанд топоними (Сиваньцзинь), Канг (Kang)<sup>15</sup>, Хитой сайёҳлари асарларида эса Саможян (Самоцзянь) деб транскрипциялаштирилган. Аммо, уларнинг ҳар доим ёнига пойтахт, давлат, хонлик, ҳокимлик маъносини англатувчи «гуо» (guo) иероглифи қўшилган. Натижада «Сиванцзинггуо», «Канггуо» ва «Саможянгуо» атамалари юзага келган. Милоддан аввалги биринчи минг йиллик давомида «гуо» (guo) иероглифи пойтахт маъносида ишлатилган. Ундан кейинги даврларда катта кичик бўлишидан қатъи назар марказий шаҳар ва унинг атрофидаги кичик шаҳарчалар ва қишлоқлардан иборат бўлган ҳудуд «гуо» деб аталган бўлиб, унинг маъмурий тузилмаси ва ҳукмдори бўлган. Ҳозир «гуо» иероглифи фақат давлат маъносида ишлатилади. V-VIII асрлардаги «Канггуо» айнан шундай ҳудудлардан бўлган. Шунинг учун хитой манбаларидаги «Сиванцзинггуо», «Канггуо» ва «Саможянгуо» атамаларини «Самарқанд давлати», «Самарқанд хонлиги», «Самарқанд ҳокимлиги», деб таржима қилиш мумкин. Шу за-

<sup>11</sup> Лэ Ш и . Тайпин хуанюй цзи (Тинчлик ўрнатилган ерлар баёни). Асарнинг чоп этилган жойи ва вақти маълум эмас. 183-боб, 2а-2б-бетлар.

<sup>12</sup> Б и ч у р и н Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3 т. М.; Л., 1950. Т. 1. С. 271, 281.

<sup>13</sup> Ўша жойда. 310-бет.

<sup>14</sup> З у е в Ю. А. Ранние тюрки: Очерки истории и идеологии. Алматы, 2002. С. 91.

<sup>15</sup> Рус тилида «ng» товуши бўлмаганлиги туфайли, уни «н», «п»ни эса «нь» билан транскрипция қилиш одат бўлган.



мондаги «Канггуо» худудий жихатдан катта бўлмаганлигини инобатга олиб, биз ушбу атамани «Самарқанд ҳокимлиги» деб таржима қилишни лозим топдик.

б) «Канггуо» ва «Кангжюй» топонимларини ёзишда ишлатилган канг иероглифи бир. Ушбу атамалар фақат уларни ёзишда ишлатилган иккинчи иероглифларнинг ҳар хиллиги билан фарқланади. Бу икки топонимларни адаштириш осон бўлганлиги сабабли хитой луғатларида уларга алоҳида эътибор берилган. Чунончи, асрлар давомида тўлдирилиб ва такомиллаштирилиб келинаётган «Цихай» («Сўзлар денгизи») номли энциклопедик луғатда «Канггуо давлат номи бўлиб, у қадимда ҳозирги Ўзбекистон Республикасидаги Самарқанд вилоятида жойлашган эди»<sup>16</sup>, деб шарҳланган. Кўп асрлик тарихга эга бўлган «Циюан» («Сўзларнинг келиб чиқиши») номли этимологик луғатда «Канг ҳокимлиги шаҳар давлатидан иборат бўлиб, унинг худуди ҳозирги Самарқанд шаҳри ўрнига тўғри келади»<sup>17</sup>, деб кўрсатилган. Буюк ипак йўлига бағишланган «Чжунггуо сичоу чжилу цидян» («Ипак йўлига оид хитой луғати») катта луғатда «Сиванжин (Shivanjin – Самарқанд) ҳокимлиги кичик бир хонлик бўлиб, унинг маркази ҳозирги Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрида жойлашган»<sup>18</sup>, деб ёзилган.

Канггуо Самарқанд ҳокимлиги эканлиги қадимий хитой манбаларида ҳам қайд этилган. Масалан, «Ду Хуан цзингшинг цзи»да «Канггуо Ми ҳокимлигининг (Миго – Маймурғ ҳокимлиги) ғарби-жанубида 300 ли (169 км) нарида жойлашган, у Саможян (Samojian) деб ҳам аталади»<sup>19</sup>. Худди шундай маълумот «Тунгдянь»да ҳам келтирилган<sup>20</sup>. «Да Тан Сиюй цзи»да «Саможян ҳокимлигини Танг сулоласи Канггуо деб атаган»<sup>21</sup>, деб ёзилган.

Н. Я. Бичуриннинг Канг топонимига ёзган шарҳида «Канг ҳокимлиги бошқача Саможян ва Лиможян деб аталган, Юан Вэй (Илк Вэй) сулоласи даврида Сивингинь (Сиванжин), деб номланган»<sup>22</sup>, деб кўрсатган. Хитой тарихчиси Ванг Чжилай «Самарқанд вилояти умумлаштирилган

<sup>16</sup> Цихай (Сўзлар денгизи). Шанхай, 1979. 859-бет.

<sup>17</sup> Циюан (Сўзларнинг келиб чиқиши). Пекин, 1980. 2-жилд. 1012-бет.

<sup>18</sup> Чжунггуо сичоу чжилу цидян (Хитойча Ипак йўли луғати). Урумчи. 1994. 12-бет.

<sup>19</sup> Ду Хуан цзингшинг цзи (Ду Хуаннинг борган жойлари ва кўрганлари баёни) // Гу шишинг цзи. 133-бет.

<sup>20</sup> Ду Ю. Тундянь. Тунгдянь (Қонунлар ва урф-одатлар баёни). 3 жилддан иборат. Чангша, 1995. 3-жилд. 2737-бет. Асар 766-801 йилларда ёзилган.

<sup>21</sup> Да Тан Сиюй цзи (Буюк Танг сулоласи даврдаги ғарбий мамлакатлар ҳақида баён) // Циюй синцзи. 71-72-бетлар.

<sup>22</sup> Ўша жойда. 310-бет.

ҳолда Канг деб аталади, у Саможян (Samojjan), Сиванжин (Shivanjin), деб ҳам айтилади»<sup>23</sup>, «Сиванжин Семизкент демакдир»<sup>24</sup>, деб ёзган.

VI-VIII асрларда Хитойга бориб ўтроқлашиб қолган самарқандликларга Канг атамаси фамилия қилиб берилганлиги<sup>25</sup> ҳам Самарқандни хитойлар қискартириб Канг, деб атаганлигидан далолат беради.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, хитой манбаларидаги «Канггуо» Самарқанд ҳокимлиги эканлиги шубҳасиздир. Уни Кангкия (Кангжюй, Кангуй) билан адаштириб бўлмайди.

## **2. Самарқанд ҳокимлигининг ташкил этилган вақти ва барҳам топиши.**

К. Шониёзов хитой манбаларида «Кангго» деб номланган давлатнинг қачон пайдо бўлганлиги аниқ эмас, деб айтиб ўтган эди<sup>26</sup>. Ушбу давлатнинг ташкил топган вақти хитой манбаларида ҳам аниқ кўрсатилмаган. Лекин улардаги айрим билвосита маълумотларни таҳлил қилганимизда, мазкур давлат тахминан 430 йилларда ташкил этилганлиги маълум бўлади. Масалан, юқорида тилга олинган «Чжунгто сичоу чжилу цидян»да «Канг ҳокимлиги Марказий Осиёдаги кичик ҳокимият эди... V асргача ушбу ҳокимият Кангкия (Кангжюй) давлати таркибига кирган. V асрда катта бўлмаган мустақил давлат сифатида тарихга кириб келган»<sup>27</sup>, деб зикр этилган.

Хитой тарихчиларининг асарларида келтирилган маълумотларга кўра, 436 йилда келиб чиқиши туркий халққа боғлиқ бўлган сяньбилар<sup>28</sup> томонидан ташкил этилган Шимолий Вэй сулоласининг (386-534) учинчи хоқони Тай-удига (424-452) Дувэн исмли бир одамни Гаомин ҳамроҳлигида Туркистонга элчи қилиб юборган. Ватанига қайтиб келганида ушбу элчи Тай-удига сафар давомида 16 хонликни зиёрат қилганлигини ва шулар қаторида Усун, Фарғона (Полона), Шаш (Чжэшэ), Самарқанд (Самоцзянь) давлатларида бўлганлигини сўзлаб берган<sup>29</sup>.

<sup>23</sup> Ўша жойда. 225-бет.

<sup>24</sup> В а н Ч ж и л а й. Чжунъя шиган (Марказий Осиёнинг қисқача тарихи). Чангша, 1986. 153-бет; Ўша муал. Ўрта Осиё тарихи. Урумчи, 2000. 218-бет.

<sup>25</sup> Х ў ж а е в А. Хитой манбаларидаги сўғдийларга оид айрим маълумотлар // Ўзбекистон тарихи. № 1. 2004. 52-61-бетлар.

<sup>26</sup> Ш о н и ё з о в К. Қанг давлати ва қанғарлар. 54-бет.

<sup>27</sup> Чжунгто сичоу чжилу цидян. 12-бет.

<sup>28</sup> Сяньбилар шарқий ғузлар (дунгху, рус адабиётида тунгус) билан хунларнинг аралашishi натижасида шаклланган халқ (В а н Ч ж у н г х а н. Чжунгто минзу ши. 195-196-бетлар). Вэй давлати ташкил топиши арафасида улар Манжурия (Ҳозирги ХХР-нинг Дунгбэй ўлкаси) ва Ички Монголия худудида яшаган.

<sup>29</sup> В а н Ч ж и л а й. Чжунъя шиган. С. 152; Сихай. С. 599.

«Вэй шу»да келтирилган яна бир маълумотга қараганда, Тайъян даврида Самарқанд ҳокимлигидан Шимолий Вэй давлатига биринчи марта элчи келган<sup>30</sup>. Маълумки, Тайъян ушбу давлатнинг ҳукмдори Тай-удининг тахтда ўтирган йилларининг учинчи 6 йилликка берилган ном бўлиб, у 435-440 йилларга тўғри келади. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, 435 йилгача Самарқанд ҳокимлиги мавжуд бўлган. Шунга асосан айтиш мумкинки, мустақил Самарқанд ҳокимлигининг ташкил топган вақти мазкур санадан кейин бўлиши мумкин эмас.

«Бэй ши» ва «Суй шу»ларнинг хабар қилишича, 603 йилда Турк ҳоконлиги шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетди. Шундан озгина вақт ўтгач, яъни Дае даврида (605-617) «Канггуо»дан Хитойга элчи келган<sup>31</sup>. Дае даври Шимолий Вэй сулоласидан якун топганидан кейин ташкил этилган Суй давлатининг (581-618) иккинчи ҳокони Янг-ди (605-617) тахтда ўтирган вақтга тўғри келади. Янг-ди ҳокимиятга келганидан сўнг узокдаги ғарбий турклар<sup>32</sup> билан иттифоклашиб, ўзига яқин бўлган шарқий туркларга қарши курашиш сиёсатини амалга оширишга ҳаракат қилган<sup>33</sup>. Мазкур ҳаракат доирасида у ғарбий турклар ҳукмдорларига кетма-кет элчилар юборган<sup>34</sup>. Ғарбий турклар бошлиқлари Суй сулоласининг ваъдаларига ишониб, улар билан яхши муносабатда бўлди<sup>35</sup>. Шунда ғарбий турклар назорати остидаги юртлардан Хитойга элчилар ва савдогарлар кетма-кет кела бошлаган.

Хитой манбаларида айтилишича, шу даврда Самарқанд ҳокимлиги Турк ҳоконлигига тобе бўлганлиги зикр этилади. 627 йилда Канг ҳокимлигининг хони (ванг) Танг сулоласи хонадонига элчи юборган<sup>36</sup>. «Шин Танг шу»да ёзилишича, 631 йилда ҳам Самарқанддан Чангъанга элчи келган<sup>37</sup>. Ушбу маълумотдан кўриниб турибдики, Турк ҳоконлиги даврида Самарқанд ҳокимлиги унга тобе бўлган ҳолда, Хитой билан бевосита алоқа қилиш имкониятига эга бўлган.

«Шин Танг шу» ва «Танг хуэй яо» («Танг сулоласи ҳақида қисқача баён») каби манбаларда зикр этилишича, 654 йилнинг 5-6-ойларида араб-

<sup>30</sup> Вэй Шуоу. Вэй шу // Эршиси ши. 9707 (1325)-бет.

<sup>31</sup> Вэй Чжэнг. Суй шу // Эршиси ши. 11704 (826)-бет; Бэй ши // Эршиси ши. 13854 (1298)-бет.

<sup>32</sup> Сиюй тунгши. 123, 130-бетлар.

<sup>33</sup> Ўша жойда.

<sup>34</sup> Ўша жойда. 132-бет.

<sup>35</sup> Ўша жойда. 133-бет.

<sup>36</sup> Ўша жойда. 225-бет.

<sup>37</sup> Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 2. С. 311.



лар Самарқандга хужум уюштирган<sup>38</sup>. Лекин, улар уни эгаллаш имкониятига эга бўла олмаган. Араблар ушбу шаҳарни ўз назорати остига олган вақти 712 йилга тўғри келади<sup>39</sup>. 713 ва 719 йилларда Самарқанддан Чангъанга яна элчилар келган<sup>40</sup>. 731 ва 737 йилларда турклар Самарқанддан арабларни чиқариб юборишга ҳаракат қилганлар. Гарчи, уларнинг ҳаракатлари кутилган натижаларни бермаган бўлса ҳам, араблар ўзининг Самарқанд ва унинг атрофидаги қўшни ҳокимликлар устидан ўрнатган назоратини бир оз бўшатишга мажбур қилган. Шундан кейин Самарқанд ва унинг атрофидаги давлатлардан Хитойга элчилар бормаган<sup>41</sup>.

VIII асрнинг ўрталарида Таразда юз берган араблар билан Танг сулоласи қўшинларининг тўқнашуви Хитойга мағлубият келтирди. Шундан кейин араблар Хитойга элчилар юбориб ислом тарғиботи билан шуғуллана бошладилар. Танг сулоласи эса бунга шароит яратиб беришга мажбур бўлди. Шу боис, Туркистон билан Хитой ўртасидаги дипломатик алоқалар ҳам тикланди. Хитой манбаларининг гувоҳлигига кўра, 754, 755 йилларда Шош, Самарқанд, Бухоро ва улар эътирофидаги бошқа шаҳарлардан Хитойга элчилар келган<sup>42</sup>. Ундан кейинги йилларда Самарқанддан ушбу мамлакатга элчилар борганлиги ҳақида маълумотлар хитой манбаларида учрамайди.

Келтирилган маълумотлар асосида айтиш мумкинки, Самарқанд ҳокимлигининг ташкил топган вақти V асрнинг 30-йилларига, барҳам топиши эса VIII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Турклар назорати остида бўлганда Самарқанд ҳокимлиги хорижий мамлакатлар, жумладан, Хитой билан дипломатик ва савдо алоқаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлган.

### **3. Самарқанд ҳокимлигининг Турк хоқонлиги давридаги ҳолати ҳақида.**

Хитой манбаларида Самарқанд ҳокимлигининг Турк хоқонлиги давридаги ҳолатига оид маълумотлар кўп эмас. Шунга қарамай мавжуд бўлган ушбу давлат билан Турк хоқонлиги ўртасидаги муносабатни умумий ҳолда билиб олиш мумкин. Масалан, «Вэй шу»да «Сиванцзин ҳокимлигининг пойтахти Сиванцзин шаҳридир, Шими (Сими – Маймурғ) ҳокимлигининг ғарбида ва Вэй сулоласи пойтахтидан 12720 ли нарида жойлашган. Ушбу давлатнинг жанубида Касайна (Касон атама-

<sup>38</sup> Ванг Чжилай. Чунгъя шиганг. 239-бет.

<sup>39</sup> Ўша жойда. 250-бет.

<sup>40</sup> Бичурин Н. Я. Ўша асар. 2-жилд. 311-бет; Ванг Чжилай. Чунгъя шиганг. 254-бет.

<sup>41</sup> Чжилай. Чунгъя шиганг. 260, 263-бетлар.

<sup>42</sup> Ўша асар. 293-бет.

сининг хитойча транскрипцияси) тоғи бор, у ерда шерлар яшайди, уни бошқа давлатларга совға сифатида олиб кетишади»<sup>43</sup>, деб ёзилган.

«Вэй шу» ва «Суй шу»да ёзилишича, Самарқанд ҳокимлигининг хони (ванг) Дайшиби бағрикенг, олижаноб ва халқнинг эътиборини қозонган шахс бўлиб, у ғарбий турклар ҳокони Билге Тарду-қағон (Дадукэхан – 576-603<sup>44</sup>) қизига уйланган<sup>45</sup>. 600-603 йилларда оламдан ўтган Билге Тарду-қағон 70-80 йил яшаган деб ҳисоблаганда, унинг туғилган вақти 523-533, болалик бўлган вақти эса 548-551 йиллардан олдин бўлиши мумкин эмас. Тасаввур қилиш мумкинки, турмушга чиққанида қағоннинг қизи 18 ёшда бўлган. Шунда Дайшибининг уйланган вақти 566-576 йилларга тўғри келади. Агар Самарқанд ҳукмдори Билге Тарду-қағоннинг қизига уйланганда 30 ёшда эди, деб ҳисоблаганда, унинг туғилган даври 536-546 йилларга тўғри келади. Унда у 534 йилда йўқ бўлиб кетган Вэй сулоласи хонадонига совға юбориши мумкин эмас эди. Шунга қараганда, Дайшиби улғайиб қолганида Билге Тарду-қағонга куёв бўлган. Шундай ҳисоблаганда у 520-530 йилларда 20-25 ёшларга кирганида тахтга ўтирган бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Дайшиби мустақил хон бўлганидан сўнг орадан кўп ўтмай Вэй сулоласи пойтахтига элчи юборган. Бу «Вэй шу»нинг кўрсатмасига зид келмайди.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Турк ҳоконлиги даврида Самарқанд ҳокимлиги йўқ қилиб ташланмаган, аксинча, у Билге Тарду-қағон томонидан қўллаб-қувватланган.

#### 4. Самарқанд Хитой алоқалари ҳақида.

Хронологик жиҳатдан олганда, «Вэй шу»дан кейин ёзилган манба «Бэй ши» ҳисобланади. Лекин унда «Вэй шу»да келтирилган маълумот қайд этилади ва биронта янги маълумот келтирилмайди. Самарқанд ҳокимлиги ҳақида нисбатан кўпроқ маълумот келтириладиган «Суй

<sup>43</sup> Вэй Шоу. Вэй шу // Эршиси ши. 4-жилд. 9701 (1319)-бет.

<sup>44</sup> Хитой манбаларидаги Дадукэхан, Датоу-кэхан Тардуш (Тарду) ҳоконнинг хитойча ёзилишидир. У Истеми қағоннинг (562-576) ўғли ҳисобланади. Хитой тарихчиси Линн Ганнинг кўрсатишича, унинг ғарбий туркларга бошлиқ бўлган вақти 576-603 йилларга тўғри келади, у Бўка-ҳокон деб ҳам номланган (Линн Ган. Турк тарихи. Урумчи, 2002. 464-бет). Турғун Олмоснинг ёзишича, Тардуш (Тарду)-ҳоконнинг тахтда ўтирган даври 567-600 йилларга тўғри келади (Турғун Олмос. Уйғурлар. Урумчи, 1989. 341-бет). «Шинжянг лиши цидян» номли луғатда Датоу-кэхан 603 йилда ўлган, деб кўрсатилган (Шинжянг лиши цидян (Шинжянг тарихи луғати). Урумчи, 1996. 180-бет).

<sup>45</sup> Вэй Шоу. Вэй шу // Эршиси ши. 4-жилд. 9707 (1325); 11704 (826)-бет. Суй шу // Эршиси ши. 9-жилд. 11704 (826)-бет.

шу»да ёзилишича, «Канггуо» Кангкия давлатидан кейин ташкил топганлиги айтилган<sup>46</sup>. «Тунгдянь»да ёзилишича, 435-440 йилларда кейинги Вэй сулоласи ҳукмдори Тайунинг «Тайян» деб номланган даврида Кангкия давлати Чжэши (Шаш), Суй даврида (581-618) эса Канггуо деб номланган, 605-617 йилларда Хитойга элчилар юборган<sup>47</sup>.

Суй сулоласи (581-618) ҳокони Дае (Ян-ди – 605-617) даврида ушбу сулола хонадонига Самарқанд ҳокимлигидан сўнгги марта элчи келган<sup>48</sup>.

605-616 йилларда ҳозирги Ўзбекистон ва Афғонистон шаҳарларини зиёрат қилган Вэй Цзе исмли хитой сайёҳининг каламига мансуб «Шифан жи»<sup>49</sup> («Ғарбий қўшнилар ҳақида баён») номли асарда ёзилишича, 648 йилда Самарқанд ҳокимлигининг ҳукмдори Танг сулоласи хонадонига ранги тиллага ўхшаган сариқ шафтоли юборган. Хитойликлар бу шафтолини «олтин шафтоли», деб аташган<sup>50</sup>.

«Жю Танг шу» («Танг сулоласининг кўҳна тарихи»)нинг «Муסיқа бобида» Хитойнинг пойтахти Чанъанда Самарқанд ҳокимлигидан келган мусикачилар ўз маҳоратларини кўрсатганлиги ва улар санъатини Танг хонадонига «Канглэ» («Самарқанд мусикаси»), деб аталганлиги ёзилган<sup>51</sup>. Ушбу маълумот Самарқанд билан Танг сулоласи ўртасида маданий алоқалар ҳам ўрнатилганлигидан далолат беради. Ушбу маълумотлар Самарқанд ҳокимлиги билан Хитойда мавжуд бўлган Суй ва Танг сулолалари билан дипломатик алоқалар мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

«Да Танг Шиюй жи» номли сафарномада баён этилишича, Хиндистонга бориб қайтган хитой роҳиби Шюан Цзянг (596-664) Самарқанд ҳокимлигидан VII асрнинг 30-йилларида ўтган. Шунда у ушбу давлатнинг ҳукмдори ниҳоятда паҳлавон, отлари бакувват, лашкарлари жанговар, қўшни давлатлар унинг амрига итоат қилади, қўшинлари турклардан ташкил топган, деб зикр этилган<sup>52</sup>.

##### **5. Самарқанд ҳокимлигининг пойтахти ва ҳудуди ҳақида.**

«Да Танг Шиюй жи»нинг муаллифи Шюан Цзянг зикр қилишича, Самарқанд ҳокимлиги ҳудуди айланмасига 1600 ли, яъни 921 км (1 ли

<sup>46</sup> Вэй Чжэнг. Суй шу // Эршиси ши. 9-жилд. 11704 (826)-бет.

<sup>47</sup> Ду Ю. Тунгдянь. 3-жилд. 2736-бет.

<sup>48</sup> Вэй Шоу. Вэй шу // Эршиси ши. 9708 (1326)-бет.

<sup>49</sup> Ушбу асар давримизгача сақланиб келмаган, лекин унинг мазмуни Тунгдянга киритилган (Цюан. 1234-бет).

<sup>50</sup> Ўша жойда.

<sup>51</sup> Цюан. 2-жилд. 1012-бет.

<sup>52</sup> Да Танг шиюй цзи (Буюк Танг давридаги ғарбий мамлакат ҳақида баён) // Гу ши-шинг жи. Йинчуан, 1987. 72-бет.



576 м.га тенг бўлган) дан иборат бўлган, у шарқдан ғарбга қараб чўзилган. Марказий шаҳарнинг худуди айланмасига 20 ли, яъни 11.52 км дан иборат бўлган ва деворлар билан ўралган. Шаҳарда хорижлик савдогарлар кўп бўлган ва бозорлари турли-туман қимматбаҳо молларга тўлган<sup>53</sup>.

«Вэй шу»да ёзилишича, Самарқанд ҳокимлигининг маркази Сабаошуй (Сиаб)<sup>54</sup> ёнидаги Алуди шахридир<sup>55</sup>, деб кўрсатилган. Рус олимаси Л. А. Баровкова Алуди топоними биргина «Вэй шу»да учрайди, деб ҳисоблаган<sup>56</sup>. Лекин ушбу атама «Тунгдя» номли асарда ҳам мавжуд<sup>57</sup>. Л. А. Баровкованинг фикрича, Самарқанд ҳокимлигининг маркази Бекободга тўғри келади<sup>58</sup>. Самарқандни зиёрат қилган хитой сайёҳи Шюан Цзяннинг асаридаги «Канггуо» топонимига берилган шарҳда унинг маркази ҳозирги Самарқанд шахрига тўғри келиши айтилган<sup>59</sup>. Бизнинг фикримизча, Алуди топоними Ўрда сўзининг хитойча транскрипцияси бўлиши керак. Чунки хитойлар ушбу сўзнинг «Ўр» қисмини бошқача талаффуз эта олмайди.

Қозоғистонлик олим Ю. А. Зуев «Бэй ши»га ишора қилган ҳолда хитой манбаларидаги Сўғд аввалига Канцзюй, кейинроқ Канг деб аталган, деган фикрни олға суради<sup>60</sup>. Шунинг билан у хитой манбаларидаги Сутэ (Сўғд) билан Самарқанд ҳокимликларини Кангкия давлати билан тенглаштиради. Бу фикр хитой манбаларининг кўрсатмаларига бутунлай зиддир. Бинобарин, худудий жиҳатдан олганда, Кангкия (Канжюй), Самарқанд ва Сўғд топонимларининг маъноси тенг эмас. Хитой манбаларидаги Сутэ (Сўғд) мамлакати доирасига Самарқанд киритилмаган. Шунинг учун ҳам уларда Самарқанд ва Сўғд ҳокимликлари алоҳида кўрсатилади. Аммо, географик нуқтаи назардан олимлар Самарқандни Сўғднинг бир қисми, деб ҳисоблайдилар<sup>61</sup>. Узоқ давр давомида Сўғд Кангкиянинг бир қисми эканлигини хитой манбалари тасдиқлайди<sup>62</sup>.

<sup>53</sup> Ўша жойда. 71-72-бетлар.

<sup>54</sup> Вэй Шу. Вэй шу // Эршиси ши. 9707 (1325)-бет; Баровкова Л. А. Запад Центральной Азии во II в. до н. э. – VII в. н. э. М., 1989. С. 138.

<sup>55</sup> Хитой лугатларида Алуди деб номланган шаҳар борлиги тилга олинмайди.

<sup>56</sup> Баровкова Л. А. Запад Центральной Азии во II в. до н. э. – VII в. н. э. С. 138.

<sup>57</sup> Тунгдя. 3-жилд. 2737-бет.

<sup>58</sup> Баровкова Л. А. Запад Центральной Азии во II в. до н. э. – VII в. н. э. С. 139.

<sup>59</sup> Да Танг шиюй цзи // Гу шишинг цзи. 84-бет.

<sup>60</sup> Зуев Ю. А. Ранние тюрки: Очерки истории и идеологии. С. 91.

<sup>61</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. Тошкент, 2004. 175-бет.

<sup>62</sup> Ходжаев А. Сведения китайских источников о государстве Кангкия (Канцзюй) // «Shygys» Kazakhstan. 2005. № 2. С. 96-108.

Шу боис, хитой манбаларида Самарқандни ёки Кангкияни Сутэ (Сўғд) деб атамайди. «Цихай» номли луғатда «Sogd Ўрта Осиёдаги бир ҳокимликдир, у Суи деб ҳам аталади. Амударё ва Сирдарё ўртасидаги Зарафшон дарёси бўйларида (Сўғдиёна) жойлашган... Милоддан аввалги VI-V асрларда [бу ерда] синфий жамият ва давлат ташкил топган. Шунда унинг маркази Самарқанд бўлган»<sup>63</sup>, деб ёзилган. Хитой олими Ван Чжилайнинг ёзишича, Сутэ топоним бўлиб, унинг ҳудуди шимолда қирғизлар юртидаги чўл, жанубда Ҳисор ва Зарафшон тоғлари, шарқда Фарғона водийси, ғарбда Амударёнинг куйи оқими билан чегарадош бўлган<sup>64</sup>. Ушбу давлат фуқаролари сутэ ёки сутэрен (Сўғд одамлари) деб номланган.

Бу борада хитой манбаларидаги Сўғдга оид маълумотларга ҳам эътибор бериб ўтиш ўринлидир. Ушбу маълумотлар ичида тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб этадиган жойи шуки, Помирнинг ғарбий томонида яшайдиган сўғдийлар (сутэ) қадим замонда Кангкия давлатининг (ҳозирги талаффузда Кангжуй) ғарби-шимолида, яъни Каспий ва Орол денгизлари бўйларида истиқомат қилишган, шунда уларнинг давлати Янцай (Аурси), Вэннаша деб номланган<sup>65</sup>. Масалан, «Вэй шу»да ёзилишича, «Сўғд давлати Помирнинг (Цунглинг, рус адабиётида Цунлин) ғарбий томонида жойлашган. Қадимда Янцай [давлати] Вэннаша деб номланган. Улкан кўл<sup>66</sup> ёнида ва Кангкия (Кангжуй) давлатининг ғарби-шимолида жойлашган»<sup>67</sup>.

«Чжоу шу»да «Сўғд давлати Помирнинг (Цунглинг, рус адабиётида Цунлин) ғарбий томонида жойлашган. Қадимда ушбу давлат Янцай деб номланган. Вэннаша деб ҳам аталади, ёнида улкан кўл мавжуд, Кангкия (Кангжуй) давлатининг ғарби-шимолида жойлашган. Бавдингнинг 4 чи йили (564) улар [сўғдлар] хони совғалар билан элчи юборган»<sup>68</sup>.

«Тунгдян»да «Сўғд (Суи) [хонлиги] ... Помирнинг (Цунглинг, рус адабиётида Цунлин) ғарбий томонидаги катта давлатдир. Қадим замонда ушбу давлат Янцай деб номланган. У Тежюймэн деб ҳам аталади»<sup>69</sup>.

<sup>63</sup> Цихай. 1841-бет.

<sup>64</sup> В а н Ч ж и л а й. Чжунъя шиган. 153-бет.

<sup>65</sup> В э й Ш о у. Вэй шу // Эршиси ши. 8-жилд. 9701-бет.

<sup>66</sup> Каспий денгизи кўзда тутилган.

<sup>67</sup> В э й Ш о у. Вэй шу // Эршиси ши. 9701-бет.

<sup>68</sup> Лидай гэзу чжуанжи хуэйбян (Асрлар давомида битилган махсус хотиралар тўплами). 2-тўплам. 2-жилд. Шангхай, 1959. 1839-бет.

<sup>69</sup> Д у Ю. Тунгдян. 3-жилд. 2751-бет.

Хитой олимларининг тадқиқотларида зикр этилишича, милoddан аввалги 177-176 йиллари дайрузийлар (даюэжи)<sup>70</sup> хунлар билан бўлган жангда мағлубиятга учраганидан сўнг илгари яшаган Дунхуанг ва Чилиян тоғлари (Тангритоғ) оралиғидаги жойларини ташлаб, Или водийсига ва Чу дарёси бўйларига кўчиб келган. Улар бу ердаги сакларни мағлубиятга учратиб, маҳаллий аҳолининг бир қисмини ғарбга, иккинчи бир қисмини жанубга чекинишга мажбур қилган. Ғарбга чекинган саклар Орол ва Каспий дарёлари шимолидаги заминда Янцай (Аурси) давлатини, жанубга кетганлар эса Кангкия (Кангжюй) давлатларини ташкил этган<sup>71</sup>.

«Шижи»да «Янцай Канкиянинг ғарби-шимолидан 2000 ли (152 км) наридаги чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчилар юртидир, у ердагиларнинг урф-одатлари кангкияликлардан фарқ қилмайди, юз мингдан кўп аскарлари бор, ери бепоён, денгиз бўйида жойлашган, ушбу денгизни шимолий денгиз деб атайдилар»<sup>72</sup>, деган маълумотни учратамиз. Мазкур матнга хитой олимлари томонидан берилган шарҳда «Аурсилар ўз даврида шимолий Кавказ, Дон дарёсининг шимолий окимида яшаган, туркий тил тизимидаги қабиладир»<sup>73</sup>, деб зикр этилган. «Цихай» номли комусий луғатда айтилишича, «Шарқий Хан даврида (милodий 25-220) улар Алани, 3 хонлик даврида (220-280) Алан деб номланган, Орол ва Каспий денгизлари оралиғида яшаган, чорвачилик билан шуғулланган. Шарқий Хан даврида Кангкия давлатига итоат қилган»<sup>74</sup>. «Циюан» номли этимологик луғатда «Янцай қадимги давлат номи бўлиб, Шарқий Хан даврида Алани деб аталган, Жанубий ва Шимолий сулоалар даврида (420-550) Сўғд (Сутэ), Вэннаша аталган»<sup>75</sup>, деб ёзилган.

Ушбу маълумотлардан келиб чикиб, таъкидлаб ўтиш жоизки, худудий жиҳатдан олганда милoddан аввалги VI-V асрлардаги Сўғд ва V-VIII асрлардаги хитой манбаларида тилга олинган Сўғднинг доираси бир хил бўлмаган. Шу боис, V-VIII асрлардаги Сўғд Самарқанд ва Кангкия топонимларини бир жойнинг ҳар хил номи деб айтиб бўлмайди.

Хитой манбаларининг гувоҳлигига кўра, Самарқанд ҳокимлигини Тангритоғ томонидан кўчиб келган Вэнь Дайшиби бошчилигидаги бир

<sup>70</sup> Даюэчжи (Даюэцзи, Даюецзи, Даюецзи) этноним сифатида милodий II асрга оид манбаларда учрайди. Ушбу атама милoddан аввалги III - II асрларда Хэси йўлаги ва Тангритоғнинг шарқий қисми атрофида мавжуд бўлган давлат номи бўлмиш Юэчжи (қадимги ўкилиши yīwat-zie, ru-zhi) ғуз сўзидан трансформация бўлган.

<sup>71</sup> Шиюй тунг ши. (Ғарбий мамлакатларнинг умумий тарихи), Чжэнчжоу, 1996. 50-бет.

<sup>72</sup> С и м о Ч я н . Ши жи (Тарихий хотиралар) // Эршиси ши. 1-жилд. 1138-бет.

<sup>73</sup> Тарихий хотиралар. Уйғурча таржима (араб алифбосида). Урумчи, 1987. 520-бет.

<sup>74</sup> Цихай. 646-бет.

<sup>75</sup> Циюан. 1-жилд. 721-бет.

гурух рузийлар ташкил этган. Бу борада «Вэй шу»да «Канг ҳокимлиги хонининг фамилияси Вэн бўлиб, у аслида рузийлардан (юэжи) бўлган, ўтмишда Тангригоғ (Циляншан) шимолидаги Чжавъу шаҳрида яшаган. Хунлар билан бўлган курашда мағлуб бўлганидан сўнг улар ўз юртларини ташлаб, Помир орқали Самарқандга келиб жойлашиб қолган»<sup>76</sup>.

## **6. Самарқанд ҳокимлиги аҳолисининг урф-одатлари ҳақида.**

Самарқанд ҳокимлиги аҳолисининг урф-одатлари ҳақида «Тунгдян»да қуйидагилар ёзилган.

«Канг ҳокимлиги ... одамларининг кўзи чуқур, бурунлари қирра, соқол мўйловлари қуюқ, савдо ишларига мохир, атрофдаги ёввойилар мазкур давлатга оқиб келишади. [Уларда] катта ва кичик ноғоралар, пипа<sup>77</sup>, 5 торлик чолғу асбоб, най мавжуд. [Уларнинг] тўй ва ўлим маросимлари турклардан (тукию) фарқ қилмайди. Буддага итоат қилади, хулар<sup>78</sup> ёзувини ишлатади»<sup>79</sup>.

«Тунгдян»да бизгача етиб келмаган ва Вэй Цзе исмли бир киши қаламига мансуб бўлган «Шифан жи» («Ғарбдаги қўшни мамлакатлар хотираси») номли асардан лавҳа келтирилади. Ушбу лавҳада «Канг ҳокимлигининг одамлари савдо ишларига пишиқ, болаларни 5 ёшидан ўқитишади, ёшлигидан савдо ишларига ва фойда олишга ўргатишади. [Улар] ашула айтишни яхши кўради. Янги йил 6 чи ойнинг биринчи кунидан бошланади. Янги йил куни ҳукмдорлар ва фукаролар янги кийим кийишади, сочларини, соқол-мўйловларини ясатишиб тараб юришади. Пойтахтнинг шарқий томонидаги дарахтзорда 7 кун давомида от чопиш ўйини бўлади, охирги куни битта тилло тангани осиб қўйиб, унга ўқ-ёй отиб теккизиш мусобақаси ўтказилади. Тангага ўқ теккиза олган киши бир кун давомида тахтга ўтказилади. Тангрига қаттиқ эътикод қилади ва барча ишларида ундан мадад сўрайди»<sup>80</sup>.

Ушбу маълумот «Тайпинг хуанюй жи» номли асарда ҳам келтирилади<sup>81</sup>. Ушбу маълумотлар V-VIII асрлардаги Самарқанд аҳолисининг урф-одатларини умумий ҳолда яхши таърифлаб беради. Улар қўшимча шарҳ талаб этмайди.

Шу замондаги самарқандликлар ҳаётида ўтроқ ҳаёт асосий ўринда турган. Масалан, «Тунгдян»да баён этилишича, самарқандликлар

<sup>76</sup> Вэй Шу. Вэй шу // Эршиси ши. 4-жилд. 9707 (1325)-бет.

<sup>77</sup> Ушбу чолғу асбоб араблар, эронликларда кўп тарқалган, Хан даврида хитойга ҳам тарқалган (Ханюй дазидян. 2-жилд. 1119-бет).

<sup>78</sup> Ушбу матнда ху этноними хунлар, гузлар ва қадимий Хитойнинг ғарбий томонида яшаган барча халқларга нисбатан ишлатилган.

<sup>79</sup> Тунгдян. 3-жилд. 2737-бет.

<sup>80</sup> Ўша жойда.

<sup>81</sup> Тайпинцзи хуанюй. 183-боб. 2а-2б-бетлар.



деҳқончилик, боғдорчилик, узумдан узок муддат давомида саклаш мумкин бўлган мусаллас тайёрлаш, ипак мато, пахта ишлаб чиқариш, от, туя, хачир, қорамол боқиш ишлари билан шуғулланган. Шу билан бирга ушбу манбада Самарқандда сарик олтин ва доривор ўсимликлар кўплиги айtilган<sup>82</sup>. Мазкур маълумот Самарқандда заргарлик ва табобат ишлари яхши ривожланганлигидан дарак беради.

Келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги хулосани айтиб ўтиш мумкин.

1) Хитой манбаларидаги «Канггуо» Самарқанд ҳокимлиги эканлиги шубҳасиздир. Уни Кангкия (Кангжюй, Кангуй) билан адаштириб бўлмайди.

2) Самарқанд ҳокимлигининг ташкил этилган вақти V асрнинг 30-йилларига, мустақил ҳокимлик сифатида барҳам топган вақти эса VIII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Ушбу ҳокимлик Турк ҳоконлиги томонидан қўллаб-қувватланган.

3) Турклар назорати остида бўлганда Самарқанд ҳокимлиги хорижий мамлакатлар, жумладан, Хитой билан дипломатик ва савдо алоқаларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган.

4) Самарқанд ҳокимлигининг ҳудуди ҳозирги Самарқанд вилоятига тўғри келади, унинг пойтахти Самарқанд, хон саройи эса шаҳар маркази бўлмиш Ўрдада жойлашган.

5) Самарқандликлар ҳаётида деҳқончилик, боғдорчилик, йирик моллар боқиш, савдогарчилик, ҳунармандчилик муҳим ўрин тутган.

6) Самарқандликларнинг урф-одатлари, санъати турклардан фарқ қилмаган; ислом дини тарқалгунича улар буддага чўқинган, аммо уларда қадимги турклар каби Тангрига (осмонга) сажда этиш ва кундалик ҳаётда ундан мадад сўраш одати сақланган.

7) «Мутянцзы чжуан» номли саёхатномадаги маълумотга асосланганда милoddан аввалги 989 йилда Самарқанд Кентжан (Кивенжан) деб номланган.

*А. Ходжаев*

### **Сведения китайских источников о Самарканде (V-VIII вв.)**

В статье анализируются сведения китайских источников о государстве Самарканд (Siwanjian, Samo-jian) периода V-VIII вв. Предполагается об образовании в V-VI вв. на развалинах государства Кангкия (Канцзюй,

<sup>82</sup> Тунгдян. 3-жилд. 2737-бет.

Кангуй) ряда мелких самостоятельных царств, одно из которых – государство Самарканд (Канго). Оно просуществовало с 30-го года V в. до 70-х годов VIII в. Его центром был город Самарканд, а основателем – Дайшиби, который по этническому происхождению относился к рузийцам (юэчжи) и пользовался поддержкой правителя Тюркского каганата. Войска его в основном состояли из тюрков. Обычаи и традиции жителей этого государства были тюркскими.

*A. Khodjaev*

### **Chinese source's Information about Samarkand in V-VIII centuries**

Current article considers information from Chinese sources on Samarkand-kingdom (Siwan-jian, Samo-jian, Kanggo), existed in V-VIII centuries. On the basis of analyses of these sources it can be concluded that a number of small independent kingdoms arose in V-VI centuries. One of those kingdoms was Samarkand. It existed through 30-th of V century until 70-th of VIII century. At that time Samarkand became one of the biggest trade cities in Central Asia. The center of kingdoms was Samarkand city and the founder named Dayshibi. Ethnically he was ruziy (yueji) origin and was supported by Turk empire. The traditions and customs of inhabitants of Samarkand were similar to the traditions of Turk people.

*О. Бўриев*

### **ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ШАҲРИ ҲАМДА ВИЛОЯТИНИНГ ТАБИАТИ ВА ХЎЖАЛИГИ**

Самарканднинг кўп асрлик тарихида қулай географик ўрни, табиати, хўжалик ривож учун шарт-шароити муҳим ўрин эгаллаган ва бу ўз навбатида, унинг шаҳар бўлиб шаклланиши, сиёсий, хунармандчилик ва савдо марказига айланиши учун зарур омил бўлиб хизмат қилган.

Темурийлар даврида Самарканд Марказий Осиёнинг энг машҳур шаҳри, йирик сиёсий-маъмурий, иқтисодий-маданий маркази, Амир Темур давлатининг пойтахти бўлган. Шу сабабдан, ўша давр ёзма манбаларида ҳам Самарканд, жумладан, унинг табиати ва хўжалиги ҳақида бирмунча кенгрок маълумот акс этган.

Маълумки, ўрта асрлар шароитида одатда, шаҳарлар қўрғон билан ўраб олинган, шу жумладан, Самарқанд ҳам. Темурийлар даври тарихчиси Ҳофизи Абру «География» асарида ҳар доим Мовароуннахрнинг катта шаҳри Самарқанд эканлиги, Афросиёб ўрнидаги қадимги Самарқанд шаҳрининг улугвор қўрғони, устма-уст қурилган бир нечта боруси, чуқур хандақи бўлгани, уларнинг барчаси Чингизхоннинг ҳужуми чоғида вайрон этилгани ва ҳозир, яъни Амир Темур даврида, мазкур қурилишлардан қалъа харобалари муаллиф даврида Боло-Ҳисор номи билан мавжудлигини ёзади<sup>1</sup>.

Амир Темур ўз салтанатининг дастлабки пайтидаёқ қисқа муддатда Афросиёбдан жануби-ғарброкда янги шаҳар деворини (шаҳрбанд) ва аркнинг қалъасини барпо этади. Руи Гонсалес де Клавихо «Самарқандга саёҳат кундалиги»да бутун Мовароуннахр ҳудудини Самарқанд подшоҳлиги (Империи де Самарканде) деб атайди, шаҳарнинг ташки ва ички тузилиши, паҳса девор ва чуқур хандақ билан ўралганлигини таъкидлаган<sup>2</sup>. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Самарқанд шаҳри қўрғони Мовароуннахрдаги энг катта қўрғон эканлигини ва унинг узунлигини ўлчатганда ўн минг олти юз кадам (тахм. 7,5 км) чиққанини айтади<sup>3</sup>. Демак, ўша давр манбаларида ҳам қадимги пойтахт ҳам XV асрда яратилган янги қўрғон ҳақида ёзилган.

Темурийлар даври манбаларида Самарқанд вилоятининг табиати – тоғу текисликлари, иқлими ва сув тармоқлари хусусида ҳам маълумотлар бор. Ҳофизи Абру Самарқанд ёнидан ўтган тоғлар (Туркистон тизмаси)нинг Кеш билан Самарқанд оралиғидаги қисми Олақасрок аталиб, шу ерда тугашини ва тизманинг Самарқанд яқинидаги қисми шаҳар номи билан Самарқанд Ғарчистони деб аталишини қайд этган. Заҳириддин Бобур эса уни Самарқанд вилоятида шу томонда жойлашган туман номи билан Шовдор тоғлари деган<sup>4</sup>. Шу билан бирга Самарқандда кучсизроқ зилзила бўлиб туриши ва шу сабабдан, аҳоли уйларни синчли қилиб қуришларини ҳам ёзади.

<sup>1</sup> Ҳ о ф и з и А б р у . География. Бодлеян (Оксфорд) кутубхонаси қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида), 1696-варак.

<sup>2</sup> Руи Гонсалес де К л а в и х о . Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). / Пер. пред. и ком. Мироковой И. С. М.: Наука, 1990. С. 138.

<sup>3</sup> Заҳириддин М у х а м м а д Б о б у р . Бобурнома. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. Тошкент, 1966, 2а-варак; Заҳириддин М у х а м м а д Б о б у р . Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1989, 44-бет.

<sup>4</sup> Абдураззоқ С а м а р қ а н д и й . Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар А. Ўринбоевники. Тошкент, 1969. 148-бет; Заҳириддин М у х а м м а д Б о б у р . Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1989. 40-бет.

Самарқанд яқинидаги тепалик — Пуштаи Кўҳак ҳам машҳур жой саналган ва ўша давр манбаларида кўп эслатилган.

Самарқанднинг иқлими хусусида эса Заҳириддин Бобур киш анчагина совуқ келишини айтади<sup>5</sup>.

Самарқанд вилоятида, шаҳарнинг яқин атрофларидан бошлаб, таллайгина ўланглар — майсалар билан қопланган ялангликлар (даштлар) бўлган ва «Бобурнома»да бешта ўлангнинг тавсифи берилган.

Биринчи навбатда Кониғил ўланги қайд этилади ва у Самарқанд шаҳридан шимоли-шарқ томонда, бир шаръий фарсанг (6-7 км) масофада жойлашган, дейилган. «Баъзи дерларким, бу ўлангнинг асли оти Кони обгир экандур, вале тарихларда тамом Кониғил битирлар, хейле яхши ўлангдур»,—деб ёзади Бобур<sup>6</sup>. Кониғил ўланги Афросиёб тепалигининг шимоли-шарқий томонида, Сиёб (Обираҳмат) ариғининг иккала қисми бўйлаб ястанган эди. Амир Темур етти йиллик юришдан қайтгач, Кониғил ўлангида катта тўй беради ва бу ҳақда ўша давр манбаларида батафсил ёзилган<sup>7</sup>. «У жойнинг ҳавоси мушкдан ҳам соф, суви қанддан ҳам ширин бўлиб, гўё бу (жойлар) жаннат бўстонида бир қитъа ... кушларининг (ёқимли) сайрашлари торга жўр бўлган най садосидан ҳам қулоққа ёқимлироқ», — деб ёзган эди ўз вақтида араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ<sup>8</sup>. Заҳириддин Бобур ҳам Самарқанд султонлари ҳар йили Кониғил ўлангига келиб, бир-икки ой дам олишларини айтади.

Кониғилдан юқорироқда, Самарқанддан бир йиғоч йўл (тахм. 6-7 км) жануби-шарқда Хон юрти ўланги жойлашган бўлиб, Сиёб ариғи уни кесиб ўтиб, сўнгра Кониғилга борган. Дилкушо боғи билан Самарқанд

<sup>5</sup> Заҳириддин М у х а м м а д Б о б у р. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1989, 44-бет.

<sup>6</sup> Ўша асар, 46-бет.

<sup>7</sup> Н и з о м и д д и н Ш о м и й. Зафарнома. Форс тилидан ўтирувчи Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи Х. Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи О. Бўриевники). Ҳофизи Абрунинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и («Илова») ни форсийдан ўтирувчи ва изоҳларини тузувчи О. Бўриев. 392-395-бетлар; Ш а р а ф у д д и н А л и Я з д и й. Зафарнома. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А. Ўринбоев. Тошкент, 1972. 458в, 459б-бетлар; О. Б ў р и е в. Клавихо «Кундалиги»да Мовароуннахр тавсифи // Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар («Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар» мавзуйда ўтказилган республика илмий анжумани материаллари. Тошкент, Темурийлар тарихи давлат музейи, 18 октябрь 2004 йил). 2-китоб. Тошкент, 2005. 215-бет.

<sup>8</sup> И б н А р а б ш о ҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. I-II китоблар. Тошкент, 1992, 305-бет.



шаҳри оралиғида эса Бўдана кўруғи ўланги, Самарқанд шаҳридан икки фарсанг (тахминан 12-13 км) шимоли-ғарбда Кўли Мағок ўланги жойлашганди. «Бир ёнида бир улуғ кўл воқе бўлубтур, бу жиҳаттин Кўли Мағок ўланги дерлар», – деб ёзади Бобур. Қулба ўланги, нисбатан кичикроқ, шимолда Қулба кенти ва Кўҳак дарёси, жанубда Боғи Майдон ва шарқда Пуштаи Кўҳак билан чегараланган эди<sup>9</sup>.

Оқар сувлар Самарқанд шаҳри ва вилоятининг хўжалик тараққиётида энг муҳим ўринда туради. Асосий сув тармоғи Зарафшон дарёси бўлиб, Ҳофиз Абру «География»сида Оби Кўҳак (Кўҳак суви) номи билан қайд этилган, унинг ўрта ва қуйи оқими, яъни Самарқанд шаҳридан то қуйилишигача бўлган қисми ҳақида маълумот берилган; суви суғоришда кенг фойдаланиши ва тошиб оққан йилларда Жайхун (Амударё) гача бориб етиши таъкидлаб ўтилган. Самарқанд шаҳрида эса оқар сув бемалол эканлиги, маҳаллалар, бозорлар, кўчалар ва аксар хонадонларда оқар сувлар борлиги, ҳовлиларнинг бирортаси ҳовузсиз эмаслигини ёзади. Вилоят доирасида эса унинг шаҳарга яқин қисмида бешта ариқ (Бозор ариғи, Маздохин ариғи, Обираҳмат ариғи, Каранд ариғи, Анҳори жадида ариғи (Янги ариқ) ва етмиш икки қаря (қишлоқ) қайд этилган<sup>10</sup>.

«Бобурнома»да Дарғом ариғи ҳақида ҳам ёзилган: «Бу сувдин (Кўҳак дарёси – Зарафшон) бир улуғ руд айрибтурлар, балки дарёчадур, Дарғам суйи дерлар. Самарқанднинг жанубидан оқар, Самарқанддин бир шаръий (тахм. 6-7 км) бўлғой ва маҳаллоти ва яна неча тумоноти бу сув била маъмурдур»<sup>11</sup>. Клавихо ҳам: «шаҳар ва боғлар орқали жуда кўп ариқлар ўтказилган», – деб ёзган<sup>12</sup>.

Заҳириддин Бобур Кўҳак тепалиги этагидан оқиб ўтган Сиёб ариғи номини туркийга ўгириб «Қорасув» («Кониғилнинг Қорасуви») деб ёзган ва унинг яна бир номи Обираҳмат эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади<sup>13</sup>.

Табиийки, оқар сувларнинг кўплиги қишлоқ хўжалиги ривожини учун кенг имконият яратарди. Темурийлар даври манбаларида Самарқанд шаҳри ва вилоятининг қишлоқ хўжалигига оид маълумотлар нисбатан оз бўлса-да, бироқ, айрим маълумотлар учрайди. Аввало таъкидлаш жоизки, Самарқанд вилоятининг иқлим шароити ҳам қишлоқ хўжалиги, айниқса, боғдорчилик учун анча қулай бўлган. «Ўзум ва қовуни, олмаси ва анори, балки жамий

<sup>9</sup> Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1989. 46-бет.

<sup>10</sup> Ҳофиз Абру. География. Бодлеян (Оксфорд) кутубхонаси кўлёмаси. Фразе, 155 (форс тилида), 166а-варақ.

<sup>11</sup> Заҳириддин Мухаммад Бобур. Ўша асар, 44-бет.

<sup>12</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). С. 138.

<sup>13</sup> Заҳириддин Мухаммад Бобур. Ўша асар, 44-бет.

меваси хўб бўлур. Вале икки мева Самарқанддин машҳурдур: себи Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд», – деб ёзилган «Бобурнома»да бу хусусда<sup>14</sup>.

Амир Темур ободончилик ишларига катта эътибор берган, янги ариқлар қаздирган, бўз ерларни ўзлаштирган, экин майдонларини кенгайтирган. Ўша давр манбаларида биринчи ўринда боғларнинг кўплиги таъкидланган. «Шаҳар атрофида боғлар ва узумзорлар шунчалик кўпки, у ерга етиб келган киши гўёки ўртасида шаҳар жойлашган баланд дарахтлар ўсиб ётган бир ўрмонга яқинлашгандай бўлади», – деб ёзади Клавихо<sup>15</sup>. Испан сайёҳи яна Амир Темур катта майдонларда махсус узумзорлар барпо этганини алоҳида ҳам қайд этган<sup>16</sup>.

Клавихо деҳқончиликда пахта, буғдой, шоли ва айникса, катта майдонларда қовун кўп экилишини айтади: «Уларнинг юртида қовун ва узум шунчалик кўп бўладики, киши хайратда қолади; ҳар куни қовун ортилган туялар шу даражада кўп келадики, улар қандай қилиб сотиларкан, деб ажабланасан. Қишлоқларда (қовун) жуда кўп ва уни ҳар йили худди анжирдек қуришиб сақлайдилар. Уларни сақлаш усули қуйидагича: (қовунни) кўндалангига катта-катта бўлақлар шаклида кесадилар, сўнг ра пўстини олиб, қуёшга қўядилар; қуригач, йиғиб олиб қопларга жойлайдилар ва шу йўсинда йиллар давомида сақлайдилар. Буғдой жуда арзон, шоли жуда кўп»<sup>17</sup>.

Чорвачилик соҳасида қўйчилик биринчи ўринда турган. «У ернинг қўйлари жуда йирик, думбаси катта; шундайлари борки, думбаси йигирма фунт келади (бир фунт 409,5 граммга тенг), яъни бир одам кўлида кўтара оладиган миқдорда. Қўйлар жуда кўп ва арзон, бошқа моллар ҳам арзон»<sup>18</sup>. Йилкичилик ҳам ривожланган эди.

Темурийлар даври манбаларида Самарқанд шаҳри ва вилояти хўжалиги тавсифида Темурийлар даврида кенг кўламда олиб борилган қурилиш ишларига алоҳида эътибор берилган. Ҳофиз Абрунинг ёзишича, соҳибқирон Амир Темур Самарқандда қурдирган иморатлар ичида энг муҳташам бино Жоме масжид (ҳозирги Бибиҳоним масжиди) ҳисобланган; унинг асоси, яъни пойдевори хоро тоши (гранит)дан,

<sup>14</sup> Захириддин Мухаммад Бобур. Ўша асар, 44-бет.

<sup>15</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). С. 138.

<sup>16</sup> Бўриев О. Клавихо «Кундалиги»да Мовароуннаҳр тавсифи // Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар. («Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар» мавзуида ўтказилган республика илмий анжумани материаллари. Тошкент, Темурийлар тарихи давлат музейи, 18 октябрь 2004 йил). 2-китоб. Тошкент, 2005. 215-бет.

<sup>17</sup> Клавихонинг Самарқандга саёҳати. Тошкент, 2004, 41-бет.

<sup>18</sup> Ўша жойда.

меҳроби пўлатдан, деворларига латиф китобалар, накшлар битилган, тўрт рукнида тўртта минора, ҳар бири ўн газ (олти метр) келадиган тўрт юзта мрамор устун ўрнатилган, сахни ва томи ҳаммаси тошдан экан. Бундан ташқари Амир Темур яна ҳозиргача сақланган Гўри Амир ва Шоҳи Зинда мажмуаларини, Дор ул-зарб (танга-пул чиқарадиган жой), ҳамда мадрасалар, хонақоҳлар, маъмурий бинолар, уй-жойлар барпо этиб, уларга вақфлар белгилаган<sup>19</sup>.

«Самарқанд аркида Темурбек бир улуг кўшк солибтур, тўрт ошёнлик, Кўк саройга мавсум ва машҳур ва бисёр олий имораттур», – деган эди Бобур<sup>20</sup>.

Мазкур иморатлар ул табаррук шаҳардаги истеъдод соҳиблари ва хизмат кўрсатган кишилар учундир, деб қайд этади Ҳофиз Аbru<sup>21</sup>.

Амир Темур Самарқанд вилоятида кўплаб янги қўрғонлар ва қишлоқлар барпо этган. Клавихонинг ёзишича, шаҳарнинг девордан ташқари қисми мавзелардан иборат бўлиб, у ерларда жуда кўплаб уй-жойлар қурилган ва аҳоли ҳам анча зич яшаган экан<sup>22</sup>. Ҳофиз Аbru Самарқанд вилоятида еттита туманни тавсифлайди: Шовдор; Ўратепа ва Штихан; Ёркат; Коранд; Ёр-яйлоқ, Мутафарриқа, Дизак ва Шероз<sup>23</sup>.

«Бобурнома»да тарихий воқеалар баёнида бир канча қўрғонлар номлари эслатилади: Шероз. Ургут, Хожа Дийдор, Ёр-яйлоқ, Васманд. Янги яратилган қишлоқларнинг баъзиларига забт этилган шаҳарлар номлари берилган. «Темур Самарқанднинг атрофлари ва этакларида бир неча қасабалар бунёд қилиб, уларни шаҳарлар келинчаклари бўлган Миср (Қоҳира), Дамашк, Бағдод, Султония, Шероз каби азим ва пойтахт шаҳарлар номи билан атади», – деб ёзган эди Ибн Арабшоҳ<sup>24</sup>.

<sup>19</sup> Ҳ о ф и з и А б р у. География. Бодлея (Оксфорд) кутубхонаси қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида), 167а-варақ.

<sup>20</sup> Захириддин М у х а м м а д Б о б у р. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. Тошкент, 1966. 456-варақ.

<sup>21</sup> Ҳ о ф и з и А б р у. Ўша асар, 167б-варақ.

<sup>22</sup> Бўриев О. Клавихо «Кундалиги»да Мовароуннахр тавсифи // Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар. («Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар» мавзuida ўтказилган республика илмий анжумани материаллари. Тошкент, Темурийлар тарихи давлат музейи, 18 октябрь 2004 йил). 2-китоб. Тошкент, 2005. 215-бет.

<sup>23</sup> Ҳ о ф и з и А б р у. Ўша асар, 166б-варақ.

<sup>24</sup> И б н А р а б ш о х. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. I-II китоблар. Тошкент, 1992, 83-бет.

Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолиятини невараси Мирзо Улуғбек давом эттирди. Самарқанд шаҳри қалъаси ичида мадраса (Улуғбек мадрасаси), хонакоҳ, ёғоч ўймакорлиги ва нақшинкор қилиб қурилган масжид (Муқаттаъ масжиди), ўзига хос услубда бунёд этилган ҳаммом (Мирзо ҳаммоми номи билан машҳур бўлган) ва Пуштаи Кўҳақда расадхона, катта-кичик боғлар, кўшклар, турли иморатларни ўз ичига олган илмий мажмуа ҳам Улуғбек ташаббуси билан яратилган эди<sup>25</sup>.

Ҳофиз Абрунинг ёзишича, Соҳибқироннинг бунёдкорлик фаолиятига эргашиб бошқалар ҳам бу ишга ўз хиссаларини қўшганлар: «Кундалик эҳтиёждан келиб чиқиб, ўз дин ва подшоҳларининг ҳурмати юзасидан амирлар, аркони давлат, оқолар ва фарзандлар он Ҳазратга эргашиб ҳар бири ул диёрда мадрасалар, масжидлар ва хонакоҳлардан иборат ўз биноларини қурдилар ҳамда улар учун обод ерлар ва кўчмас мулкларни вақф қилиб, олимлар, зоҳидлар ва обидларга маош белгиладилар»<sup>26</sup>.

Темурийлар даврида иморатлар, айниқса кўшклар, аксари икки (баъзан уч) каватли бўлгани сабабли, мавжуд синчли қилиб лойдан қуриш анъанасидан фарқли ўлароқ, пишиқ ғиштдан қурилганини Ҳофиз Абру алоҳида таъкидлайди.

Бунёдкорлик ишлари шаҳар атрофи ва бутун вилоятни камраб олган эди. «Самарқанд атрофида ҳазрат Амир (Соҳибқирон) ва улуг амирзода (Мирзо Улуғбек) нинг ободончилик ишлари туфайли қайси томондан юрилмасин, бир ойлик ёки икки ойлик (йўлда) мусофирлар тунда чўлда тунашга тўғри келадиган бирор жой қолмаган. (Ҳатто) улар отлик бўлсалар ҳам ҳаммалари учун тўрт фасл давомида бошпана ва сув тайёр туради», – деб ёзади Ҳофиз Абру<sup>27</sup>.

Темурийлар даври ободончилиги борасида Самарқанд шаҳри яқин-атрофида Амир Темур ва унинг авлодлари барпо этган ўндан ортик кўркем боғлар ҳақида ўша давр манбаларининг аксариятида қайд этилган. «Бошқа олий иморатлар жумласидан шаҳар атрофида барпо этилган бир нечта катта боғлардурким, ҳар бир боғда шоҳона кўшклар қурилган», – деб ёзади Ҳофиз Абру ва тўққизта боғнинг номини ҳам келтиради: Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Беҳишт, Боғи Булдо, Боғи Амирзода Шохрух, Боғи Зоғон, Боғи Баланд, Боғи Амирзода Улуғбек, Боғи Майдон<sup>28</sup>.

<sup>25</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1989, 45-бет.

<sup>26</sup> Ҳофиз Абру. География. Бодлеян (Оксфорд) кутубхонаси қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида), 1666-варак.

<sup>27</sup> Ўша асар. 168а-варак.

<sup>28</sup> Ўша асар. 168б-варак.



Бу ҳолат сайёҳ Клавихонинг ҳам эътиборини тортган эди. Клавихо жами 8 та боғ ҳақида сўз юритади ва шундан тўрттасининг номини эслагани: Талисия ёки Кальбет – Гулбоғ (Боғи Давлатобод); Диликаха – Боғи Дилкушо; Байгинар – Боғи Чинор; Багино – Боғи Нав. Куйидаги тўрт боғ – Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав, Боғи Чинорда испан элчилари расмий меҳмон бўлганлар ва булар Амир Темур яратган боғлар ичида энг ҳашаматлилари саналган.

*Давлатобод боғи.* Пахса девор билан ўралган, узунлиги бир лига (5572 м). Унда турли мевали дарахтлар, жумладан, цитронлар ва лимонлар ўсарди; олтита катта ҳовуз бор эди; ўртада боғнинг бошидан охиригача шаркираб арик оқиб турарди. Ҳовузлар орасидан кенг ҳиёбонлар қилинган, уларнинг икки томонида виқор билан қад кўтариб турган улкан дарахтлар соя солиб турарди.

(Боғ ўртасида) тупрок тўкиб ҳосил қилинган усти ясси тепалик ўртасига кўркам кўшк барпо этилган. Кўшк жойлашган тепалик айланасига сув тўлдирилган хандак билан ўралган, унга махсус ариқдан узлуксиз сув куйилиб туради. Кўшк жойлашган тепаликка ўтиш учун (хандак устига) карама-қарши томонлардан иккита кўприк қурилган. Кўприклардан дарвозаларга борилади, сўнгра зиналар орқали тепаликка чиқилади; яъни кўшк яхшигина ҳимояланган эди. Боғда оҳулар ва кўплаб товуслар сайр қиларди, уларни бу ерга сеньор (Темурбек) буйруғига кўра келтирганлар. Боғдан майдони (ана шу) боғ майдонига тенг келадиган узумзорга ўтиларди, у ҳам пахса девор билан ўралган. Девор бўйлаб экилган дарахтлар баланд қад кўтарган, жуда кўркам<sup>29</sup>.

*Боғи Беҳишт.* Бу боғ жуда катта. Унда кўплаб мевали ва салкин соя берадиган дарахтлар ўсади. Унинг ўртасида ҳашаматли, чиройли бино қад кўтариб турарди, хочга ўхшатиб қурилган ва кўркам зийнатланган. Бинонинг ўзида учта айвон бор, энг каттаси арксимон қилиб қурилган ва унда сеньор (Темурбек) ўтиради; (бино) сахни ва деворлар кошинкори қилинган<sup>30</sup>.

*Боғи Нав.* Самарқанд шаҳри яқин атрофида Соҳибкирон курдирган боғлар ичида энг ҳашаматлиси охириги барпо этилгани Боғи Нав эди. Ундаги кўшк бошқа боғлардаги кўшклардан ўзининг каттали-

<sup>29</sup> Бўриев О. Клавихо «Қундалиги»да Мовароуннахр тавсифи // Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар. («Амир Темур ва темурийлар даври: янги тадқиқотлар» мавзuida ўтказилган республика илмий анжумани материаллари. Тошкент, Темурийлар тарихи давлат музейи, 18 октябрь 2004 йил). 2-китоб. Тошкент, 2005. 215-бет.

<sup>30</sup> Ўша асар.

ги билан ажралиб туришини Клавихо ҳам Шарафиддин Али Яздий ҳам таъкидлайдилар<sup>31</sup>. Боғи Нав тавсифи Яздий «Зафарнома»сида батафсилроқ берилган. Унинг ёзишича, мазкур боғ Боғи Шимолнинг жанубида жойлашган ва тўрт томондаги деворларининг ҳар бири узунлиги 1500 шаръий газ (тахм. 1 км) бўлиб, ўртасида ҳашаматли шоҳона қаср қад ростлаб турган. Бу кўшк хорижий усталар томонидан мрамар тошлар, фавворалар, кошинкорилар билан ўта чиройли тарзда зийнатланган эди<sup>32</sup>.

Амир Темур барпо этган бу боғларнинг ҳашамати ҳақида тарихчи Ибн Арабшоҳ ҳам эслатиб ўтган<sup>33</sup>.

«Бобурнома»да Амир Темур салтанатида яратилган боғлар санаб ўтилганда, уларнинг жойлашган ўрни ҳам қайд этилган Боғи Бўлду ва Боғи Дилкушо шарқ томонда; Боғи Чинор – жанубда, қалъага яқин ерда; Боғи Шимол ва Боғи Беҳишт – ғарб томонда; Нақши Жаҳон боғи – Пуштаи Кўҳакнинг этагида, Обираҳмат ариғи бўйида. Бобур Самарқандда бўлган кезларда, яъни XVI аср бошида бу боғ тугаб, унинг номи ҳам сақланмаган экан<sup>34</sup>.

Мазкур даврда қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда ҳунармандчилик ва савдо ҳам ривожланган. Амир Темур ўз тасарруфига киритган жойлардан кўплаб ҳунармандларни Мовароуннаҳрга, хусусан, Самарқанд шаҳри ва вилоятига кўчириб келтирганди. Мазкур даврда ҳунармандчилик ниҳоятда ўсди. Клавихо Самарқанд шаҳри Амир Темур салтанатида ҳунармандчилик ва халқаро савдо маркази бўлганини алоҳида таъкидлаган:

«Бу шаҳарда турли моллар жуда кўп ва улар ҳар хил мамлакатлардан оқиб келади... Бу ўлкада ипак мато, атлас, кимхоб, сандал, тафта, терсенал (жун мато) ҳам ишлаб чиқарилади... Ҳар йили Самарканте шаҳрида кўплаб Катай (Хитой), Ҳинд (Ҳиндистон), Тарталия (Олтин Ўрда) ва бошқа турли жойлардан ҳамда (Самарқанд) ери – (подшолиги) нинг ўзидан келтирилган моллар савдо қилинади. Шаҳарда бемалол сав-

<sup>31</sup> Ш а р а ф и д д и н А л и Я з д и й. Зафарнома. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А. Ўринбоев. Тошкент, 1972, 458а-варақ. Клавихонинг Самарқандга саёҳати. Тошкент, 2004, 41-бет.

<sup>32</sup> Ўша асар.

<sup>33</sup> И б н А р а б ш о ҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. I-II китоблар. Тошкент, 1992. 82-бет.

<sup>34</sup> Заҳириддин М у х а м м а д Б о б у р. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1989, 44-бет.

до-сотик ишлари олиб бориш учун махсус майдон бўлмагани сабабли, сеньор (Темурбек) бутун шаҳарни кесиб ўтувчи йўл ўтказишни ва унинг иккала томонига савдо дўконлари қуришни буюрди»<sup>35</sup>.

Темурийлар даври ёзма манбаларида Самарқанд шаҳри ва вилоятининг табиати ва хўжалиги ҳақидаги маълумотлар таҳлилидан маълум бўладики, ўз даври нуктаи назаридан мавжуд табиий шароит имкониятларидан боғдорчилик, деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларида кенг фойдаланилган ва шу асосда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Соҳибқирон Амир Темур Самарқанд шаҳрини ўзининг улкан давлати учун пойтахт қилиб белгилаганда ҳам биринчи навбатда мазкур имкониятлардан келиб чиққан.

*А. Буриев*

### **Темуридские источники о природе и хозяйстве города Самарканда и его окрестных районов**

В статье приведены письменные сведения о природе и хозяйстве города Самарканда и его области, зафиксированные в источниках эпохи Темуридов. Описываются климат, рельеф, пастбища, система орошения. Отражены данные о возведении садов, постройке различных объектов, развитии земледелия, садоводства, животноводства и т. д. при правлениях Амира Темура и его внука Улугбека. Приведены конкретные примеры из письменных источников.

*A. Buriev*

### **Information about the nature and economy of Samarkand and its surrounding areas narrated in the sources of Temurids epoch**

This article is extremely revealing of information about Samarkand written in historical sources of Temurids period. The climate, relief, pasture and irrigation system are described as well. Also the data concerning husbandry, construction, horticulture etc, that existed in the time of Amir Temur and his grandson Ulughbek are reflected in this research. All the facts are concrete and reliable.

<sup>35</sup> Клавихонинг Самарқандга саёҳати. Тошкент, 2004, 40-42-бетлар; Руи Гонсалес де К л а в и х о . Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). Перевод, предисловие и комментарии И. С. Мироковой. М.: Наука, 1990. С. 138-139.

*А.Ахмедов*

## **САМАРКАНД ЭПОХИ УЛУГБЕКА – ЦЕНТР МИРОВОЙ НАУКИ**

Самарканд, являвшийся столицей при Темуре, после смерти Сахиб-кирана и установления затем смутного времени, теряет свое прежнее значение. Постепенно значение столицы государства переходит к Герату, где правил Шахрух. Естественно, в то время Улугбек находился в Герате при отце. Узурпировавший власть в Самарканде после кончины Темура в феврале 1405 г. Халил Султан, его внук по третьему сыну Мираншаху, в марте 1409 г. был арестован под Самаркандом по распоряжению Шахруха. Сам Шахрух в то время с огромным войском находился на Амударье. Вместе с ним были Улугбек и его опекун Шах Малик.

После случившегося с Халил Султаном Шахрух перешел Амударью и 13 мая 1409 г. вступил в Самарканд вместе с Улугбеком и Шах Маликом. Занятый делами по стабилизации ситуации в Мавераннахре, Шахрух задержался в Самарканде до конца того года. Затем, назначив Улугбека правителем Мавераннахра и Туркестана, а Шах Малика – его опекуном и советником, в конце 1409 г. Шахрух возвращается в Герат. С того времени полное тронное имя Улугбека стало звучать как Абу-л-Фатх Мухаммад Тарагай Улугбек<sup>1</sup>. Уже с октября 1411 г. Улугбек правит Мавераннахром и Туркестаном самостоятельно, без опекуна. Следует отметить, что в то время под Туркестаном понималась территория от Семиречья до Китайской стены. Улугбеку принадлежал также сюзеренитет над Ак-Ордой или Узбекским улусом, т. е. пространство от севера Каспия до Балхаша, включая и Западную Сибирь. Так, на восемнадцатом году жизни Улугбек становится правителем огромного государства с территорией в несколько миллионов квадратных километров.

Приведенное здесь тронное имя Улугбека в передаче Фасиха Хавафи (1375-1442) звучит весьма скромно. Видимо, Хавафи, постоянно находясь в Хорасане и его столице Герате, не совсем представлял влияние и значение Улугбека в его собственных владениях. Так, Джамшид Каши, прибывший к Улугбеку в Самарканд в 1413 г.<sup>2</sup>, в предисловии

<sup>1</sup> Ф а с и х Х а в а ф и . Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод) / Пер., предисл., примеч., указатели Юсуповой Д. Ю. Ташкент: Фан, 1980. С. 253; Абдураззок С а м а р қ а н д и й . Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳли лугатлар муаллифи А. Ўринбоев. Тошкент: Фан, 1969, 15-бет.

<sup>2</sup> С а л и х З а к и . Асари бакийа. Стамбул. 1329/1911. Т. 1. С. 184 (на турецком языке).



к своему главному астрономическому труду «Хаканский зидж в усовершенствовании Ильханского зиджа» приводит весьма пышную титулатуру Улугбека в полстраницы рукописи, наделяя его целым рядом качеств. Титулатура начинается следующими определениями: «Хазратпадишахи ислам, фармонравои ҳафт иклим, хусрав кайвон, рафъати Муштарий, саъодати Бахром, хайбати Хуршид, шавкати таъйиди давлат, Уторид фитнат, Қамар талаът, осмон микдор, фалак иқтидор, хокон ал-аъзам ва-с-султон ал-аъдал ал-аълам, малик руқаб ас-салотин фи-л-ъалам Аллоҳ фи-л-ардайн, қахрамон ал-мо ва-т-тин...» и завершается следующими выражениями: «ас-Султан ибн ас-Султан Мугис ал-Ҳаққ ва-д-Дунё ва-д-Дин ва-с-Салтана Улуғбек Гураган»<sup>3</sup>. В переводе это звучит так: «Государь, падишах ислама, повелитель семи климатов, царственной Сатурна, высотой Юпитера, счастьем Марса, величиною Солнца, величиим основателя государства, мудрее Меркурия, луноликий, небесновеликий, мощью подобный тверди, величайший хакан и справедливейший, многознающий султан, царь собрания султанов мира, тень Аллаха на обеих землях, могущественный на воде и земле...» и далее «Султан сын Султана, Защитник истины, мира, религии и царства Улугбек Гураган».

Приведенная титулатура Улугбека свидетельствует о том, что его авторитет как правителя в подвластных ему землях в первые годы его правления был весьма высок.

Что касается большой тяги Улугбека к точным наукам и его образования, то определенную ясность в этом вопросе вносят следующие его слова из его «Зиджи джадиди Гурагони»: «Начало работам было положено при поддержке и помощи его высочества учителя и господина ученых мира, водрузившего знамя совершенства и мудрости, следующего путем исследования и уточнения, Мавляна Салах ал-Милла ва-д-Дина Муса, известного как Кази Заде Руми, милость и прощение [Аллаха] ему, и его высочества нашего великого господина и гордости ученых мира, совершенства наук древних, раскрывающего трудности задач, Мавляна Гийас ал-Милла ва-д-Дина Джамшида, да сделает Аллах великий прохладной его могилу. Светлый ум каждого из них был равен светочи [умов] собрания ученых, зеркалом мира, отражающим достоинства человечности. В начале обстоятельства [дела] господин Мавляна покойный Гийас ад-Дин Джамшид, да будет земля ему пухом, услышав призыв: «Отвечайте призывающему Аллаху...», принял

3 Джамшид Каш и. Зиджи Хакани дар такмили зиджи Илхани». Рук. India offis. British Museum. № 2232, л. 16-1a (на фарси).

его послушно и отправился из обители гордости сего мира в обитель радости того мира. В середине обстоятельства, еще до того, как сия важная [книга] была выполнена и завершена, его высочество мой учитель, да возблагодарит его Аллах великий, приблизился по соседству с милосердием Творца»<sup>4</sup>.

Салах ад-Дин Муса Кази Заде Руми, названный Улугбеком своим учителем, происходил из Малой Азии. Родился он ок. 1360 г. в городе Бруссе (ныне Бурса в Турции) южнее Мраморного моря. Его дед был казием (или кадием) – судьей города, что впоследствии отразилось на имени ученого. Образование он получил в родном городе, там же учился математике и астрономии у Муллы Шамсуддина Фанари<sup>5</sup>, который сумел пробудить в нем любовь к точным наукам. От Муллы Фанари юный Кази Заде услышал о славе математиков и астрономов Хорасана и Мавераннахра, и в возрасте около 20 лет (начало 80-х годов XVI в.) навсегда покинул родной город, подавшись на восток. Сведений о том, когда Улугбек встретился с Кази Заде, в источниках не сообщается. Можно полагать, что Кази Заде оказался в окружении Темура уже в середине 80-х годов XVI в. и обучением Улугбека он занимался с его малолетства.

При непосредственном участии Кази Заде воздвигаются здания медресе Улугбека и обсерватории на холме Кухак. Кази Заде участвует также в составлении «Зиджа» Улугбека. Скончался Кази Заде в Самарканде задолго после 1430 г., когда работы над этим «Зиджем» дошли только до середины.

Заслуживают внимания и мотивы прибытия в Самарканд другого крупного ученого – Джамшида Каши, также упомянутого в предисловии к «Зиджу» Улугбека. В предисловии к «Зиджу Хакани» Каши сообщает, что он автор сей книги, его имя Джамшид ибн Масъуд ибн Махмуд ат-Табиб ал-Каши, по прозвищу Гийас ад-Дин, что «он в течение уже длительного времени усердно занимается частями теоретической и практической математики, много размышлял над проблемами зиджей и добился в этом многих точных результатов, составил ряд таблиц по каждому разделу «зиджей и самому мне хотелось все эти [результаты] поместить в один зидж. Поэтому занялся упорядочением этого зиджа. Однако в стране Ирак завершить это дело не удалось, так как я постоянно пребывал в Кашане и ни в нем, ни в его окрестностях не нашлось

<sup>4</sup> Улугбек Мухаммад Тарагай. Зиджи джадиди Гурагани. Новые Гурагановы астрономические таблицы / Вступ. статья, пер., комм., указат. Ахмедова А. А. Ташкент: Фан, 1994. С. 31-32.

<sup>5</sup> Салих Заки. Указ. соч. С. 186.

человека, интересующегося тонкостями искусства составления зиджей. Поэтому я устремился к государю в Самарканд»<sup>6</sup>. Далее Каши пишет, что свой зидж он завершил в Самарканде и решил его преподнести в качестве подарка в августейшую библиотеку<sup>7</sup>. Что касается названия «Зиджи Хакани», автор это связывает с величием Улугбека в надежде на то, что он прочтет его<sup>8</sup>. Как отмечалось, Каши прибыл в Самарканд в 1413 г., очевидно, в том же году он и преподнес свой зидж Улугбеку. Далее он до конца жизни оставался в Самарканде. В той же упомянутой рукописи, перед началом текста «Зиджа» другим почерком сделана следующая приписка: «Скончался Мавляна ал-Махдум ал-Аъзам Гийас ал-Милла ва-д-Дин Джамшид..., автор сего «Зиджа», утром в среду девятнадцатого рамазана 832 года хиджры, [захоронен] под городом Самаркандом в местности обсерватории». Приведенная здесь дата по хиджре соответствует 22 июня 1429 г.

До сих пор считалось, что точная дата смерти ученого не известна<sup>9</sup>. По свидетельству Салиха Заки, Каши все остальные свои труды написал в Самарканде<sup>10</sup>.

Таким образом, к 1413 г. основной костяк Самаркандской академии Улугбека в лице его самого, Кази Заде Руми и Джамшида Каши был в сборе. И очевидно уже тогда же началась закладка основы «Зиджи Гурагани» Улугбека.

*А. Аҳмедов*

### **Улугбек давридаги Самарканд – дунё фанининг маркази**

Маълумки, Темурнинг вафотидан сўнг Самарканд аввалги пойтахтлик мавқеини йўқотиб, энди Ҳирот пойтахтга айлана боради. Мақолада Улугбек, Қозизода Румий, Жамшид Коший, Али Қушчи ва бошқа олимларнинг илмий фаолияти туфайли Самаркандда фан ўрта асрлардаги энг юқори босқичга кўтарилгани ва шаҳарнинг ўзи дунё фанининг марказига айланганлиги кўрсатилади.

<sup>6</sup> Рукопись № 2232. India offis, л. 16-26.

<sup>7</sup> Там же, л. 3а.

<sup>8</sup> Там же.

<sup>9</sup> Матвиевская Г. П., Розенфельд Б. А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII-XVII вв.). М.: Наука, 1983. Т. 2. С. 480.

<sup>10</sup> Салих Заки. Указ. соч. С. 185.

*A. Achmedov*

### **Samarkand epoch of Ulouch Bek – centre of world science**

It is known that after death of Temoor Samarkand has lost its former significance as a capital which passed to Heart/ In the article pointed, that owing to scientific of Ulough Bek, Kazi Zade Rummy, Jamshid Kashy, Ali Kooshchi and other scientists, the science in Samarkand has reached its peak for the medieval epoch, and Samarkand itself has been as a centre of World science.

*Ш. Раҳматуллаев, П. Хўшбоқов*

### **САМАРҚАНД ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА**

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ўзбек халқи тарихида бутунлай янги даврни бошлаб берди. Бу давр миллий уйғониш, мустақиллик, миллий давлатчиликка асос солиш ва тараққиёт учун замин ҳозирлаб, мустақил Ўзбекистон Республикасининг катта ақлий, маънавий, иқтисодий қудратини намоён этишга имконият яратиб берди. Бу имкониятларни рўёбга чиқаришда, Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек, «...ўзининг бой тарихи, буюк маданияти, муқаддас обида ва қошоналари билан шуҳрат қозонган дунё тараққиётининг бешикларидан бири бўлиб, бугун ҳам ўз салоҳияти ва бетакрор қиёфаси билан жаҳон миқёсида минг-минглаб мухлисларни ўзига мафтун этиб келаётгани, халқимизнинг гурур ва ифтихорига айлангани»<sup>1</sup> ни Самарқандсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳозирги даврга келиб, Самарқанд Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланади ва ўз инсоний салоҳияти билан республикада алоҳида мавқега эга. Жумладан, Самарқанд шаҳри ва вилояти республиканинг аҳолиси тез ўсиб бораётган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Самарқанд вилояти асосан 90-йиллар ўрталаридан бошлаб, аҳоли сони бўйича республикада биринчи ўринга чиқди ва 2001 йилга келиб вилоят аҳолиси 2 млн. 700 минг нафардан ошиб кетди<sup>2</sup>. Вилоят маркази

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Тошкент, 2002. 65-бет.

<sup>2</sup> Труд и занятость в Республике Узбекистан: Статистический сборник. Ташкент, 2001. С. 8.



Самарқанд шаҳри аҳолисининг сони деярли 400 минг кишини ташкил этмоқда.

Самарқанд республикамининг кўп миллатли ҳудудларидан бири бўлиб, бу ерда қадимдан ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликка асосланган миллатларо муносабатлар шаклланиб келган. Бунда ўзбек халқининг маънавий-маърифий дунёси, руҳиятидаги ижобий ҳолатлар, миллатимизнинг азалдан эркпарвар ҳамда кўни-қўшничилик муносабатлари, бошқа миллат, ирқлар, динлар, қадриятларга бўлган хайрихоҳлик муносабатлари муҳим ўрин эгаллаб келган, «Самарқанд ноёб шаҳар ... унда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади ... ҳаммаси аҳил ва иттифок, улар ҳатто, бир-бирига қариндош бўлган, муштарак оилалари бор. Бу – тинчлик, осойишталик, адолат, бу диёрдаги тотувлик бизнинг эзгу орзуимиз эканининг яна бир далилидир... Мен шу жамиятга мансублигимдан, шу шаҳарда туғилганимдан фахрланаман...»<sup>3</sup>, деб таъкидлаган эди Президент И. А. Каримов. Айни вақтда, биргина Самарқанд шаҳрида 90 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади.

Марказий Осиёнинг тарихий ривожланиш тажрибаси шундан далолат берадики, ушбу ҳудуд динлараро бағрикенгликнинг ўзига хос «бешиги», деб эътироф этилади. Бу ҳақда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Майкл Барри Лейн Ўзбекистон шу жумладан, Самарқанд ҳам диний таълимот ва динлараро бағрикенгликнинг буюк анъаналарини сақлаб қолган меросхўри ҳисобланади, зеро, унинг илдизлари минг йилликлар қаърига юз тутади, деб таъкидлаган<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётида ҳам Самарқанд шаҳри алоҳида салоҳияти билан ажралиб туради. Бугунги кунда шаҳарда 100 дан ортиқ замонавий саноат корхоналари фаолият кўрсатиб, улар орасида дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорлик асосида ташкил қилинган бир қатор қўшма корхоналар мавжуд. Шулар қаторида 1999 йил 16 мартда Самарқандда мамлакатимиз халқ хўжалигида янги тармоқ ҳисобланган корхона, аввал туркиялик ишбилармонлар билан кейинчалик (2006 йил май ойидан) япон тадбиркорлари билан ҳамкорликда ташкил қилинган «СамАвто» қўшма корхонаси фаолият олиб бормоқда. Бу корхона Марказий Осиё ҳудудидаги ягона шундай йирик корхона бў-

<sup>3</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Тошкент, 1998. 393-бет.

<sup>4</sup> Абдунабиев А., Мандральская Н., Саидова М. Исторические корни толерантности в Узбекистане // Толерантность – фактор стабильности общества (Материалы межвузовской научно-практической конференции). Ташкент, 2003. С. 8.

либ, йилига 4 минг дона автобус ва минг дона юк автомобили ишлаб чиқаришга мўлжалланган<sup>5</sup>.

Бундан ташқари, шаҳарда хорижий шериклар билан ҳамкорликда жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган «ЎзБАТ», «Сино» ОТАЖ, «Самарқанд саҳовати», «Браво сут», «Самарқанд-Бельгия» гилам комбинати, «Самарқанд консерва», Самарқанд-Туркия пойабзал фабрикаси, «Самжин текс» ва бошқа бир қатор қўшма корхоналар ўзларининг жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотларини чиқармоқда<sup>6</sup>.

Бозор иқтисодиёти шароитида шаҳарда хусусий тадбиркорлик кенг авж олди ва мулкчилик муносабатлари қарор топди. Самарқанд шаҳрининг ўзида фақатгина мустақилликнинг дастлабки 10 йилида фаолият кўрсатаётган фақатгина кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 1991 йилда 57 тадан 2001 йилда 1700 тага етди. Шуниси диққатга сазоворки, Самарқанд вилоятидаги кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг энг кўп қисми Самарқанд шаҳри – 5,2 мингта (вилоят бўйича улуши – 24,1% ) ҳиссасига тўғри келади<sup>7</sup>. Вилоятда фаолият кўрсатаётган микрофирмаларнинг қарийб 60% Самарқанд шаҳрида жойлашган<sup>8</sup>.

Самарқанд шаҳрининг барқарор иқтисодий ривожланиши унинг қадимда Мовароуннаҳрдек улкан мамлакатнинг киндиги бўлган Зарафшон водийсида, ҳозирда эса Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашгани муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги даврга келиб, Самарқанд шаҳри минтақанинг ҳаво йўллари, темирйўллари, автомобиль магистраллари чорраҳасида жойлашгани, шунингдек, бой тарихий ўтмиши шаҳарда туризм индустриясини ривожлантиришга катта имкониятлар яратди. Маълумотларга қараганда, биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида 40 дан ортиқ муқаддас қадамжолар мавжуд. 1995 йилда Республика Президентининг Фармони билан Самарқанд шаҳри махсус иқтисодий-туристик минтақага айлантирилди<sup>9</sup>. Натижада, бутун дунёдан муқаддас қадамжолар ва тарихий обидаларни кўриш ёки зиёрат қилиш истагида бўлганларнинг сони йилдан-йилга ортиб борди. Агар 1993 йилда Ўзбе-

<sup>5</sup> «Ўзавтосаноат» жорий архиви материаллари.

<sup>6</sup> Қаранг: Самарқанд шаҳар ҳокимлиги жорий архиви / Шаҳар кенгашининг I/IX сессияси материаллари. 1998 йил 14 янв. 8, 28-бетлар.

<sup>7</sup> Қаранг: Самарқанд вилоятида 2002 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва ислохотларнинг бориши тўғрисида. Самарқанд, 2003. 3-бет.

<sup>8</sup> Қаранг: Пугач И. и др. Экономика регионов: вектор развития (Рейтинг социально-экономического развития регионов Узбекистана, 2002 год) // Экономическое обозрение. 2003. № 9. С. 14–15.

<sup>9</sup> Қаранг: Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида. Тошкент, 1996. 91-бет.

кистонга 92 мингдан зиёд хорижлик сайёҳлар келган бўлса, 2006 йилда уларнинг сони 260 мингдан ортиб кетди<sup>10</sup>.

Ислохотларни чуқурлашиши, тадбиркорликнинг ривожланиши бозор муносабатлари шароитида ишлай оладиган малакали мутахассисларга бўлган талабни орттирди. Ана шу муаммонинг ечимини топишга қаратилган 1997 йилда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бўйича шаҳарда академик лицей ва касб-хунар коллежлари тармоғи кенгайиб борди. Натижада, йилдан-йилга янги турдаги ўқув муассасаларини ташкил қилиш жараёни бошланди. 1998-1999 ўқув йилининг ўзида Самарқанд шаҳрида янги турдаги 1 та академик лицей ва 2 та касб-хунар коллежи ташкил этилиб, уларга 525 нафар ўқувчи танлов асосида қабул қилинди<sup>11</sup>. Бугунги кунда эса шаҳарда 26 та коллеж ва 11 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

Самарқанд республикада олий маълумотли етук мутахассислар тайёрлашда салмоқли хиссасини қўшиб келмоқда. Республика бўйича ҳар йили олий ўқув юртларини битирувчиларининг 10% Самарқанд шаҳрининг 6 та олийгоҳлари хиссасига тўғри келмоқда. Умуман, Самарқанд шаҳри олий ўқув юртларининг сони, ўқиётган ва битирувчилар сони жиҳатидан ҳам Самарқанд мамлакатимизда Тошкент шаҳридан кейинги 2-ўринда туриб, уларда 10 мингдан ортиқ талаба замонавий илм-фан асосларини эгалламоқда.

Мамлакатимизнинг илм-зиё салоҳияти ҳақида гапирганда, Марказий Осиёдаги дастлабки олий ўқув юртларидан бири бўлган Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетини алоҳида қайд этиш лозим. Бу билим даргоҳида деярли 80 йил давомида етук олим ва мутахассисларнинг бир неча авлоди камол топди.

Шаҳардаги Қишлоқ хўжалиги, Тиббиёт, Меъморчилик-қурилиш институтларининг ҳам юқори малакали, замонавий мутахассислар тайёрлашда алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, айнан мустақиллик йилларида бу ерда янги, олий ўқув юрти – Самарқанд Чет тиллар институти ташкил этилгани бу борада муҳим қадам бўлди. Мазкур олий ўқув юртларининг барчаси катта салоҳият, ўзига хос илмий ва тарбиявий анъаналарга эга эканлиги, айниқса, муҳимдир.

Самарқандда 1993 йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Самарқанд бўлими, 1995 йилдан ЮНЕСКОнинг Марказий

<sup>10</sup> Қаранг: Гафарли М. С., Касоев А. Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. Тошкент, 2001. 38-бет.

<sup>11</sup> Халқ сўзи. 1998 йил 5 декабрь.

Осиё тадқиқотлари институти каби нуфузли илмий муассасалар ишлаб турибди. ЎЗР ФА Самарқанд бўлими таркибида Яхё Ғуломов номидаги Археология институти ва Минтақавий муаммолар комплекс илмий тадқиқот институти (ММКИТИ) мавжуд бўлиб, уларда жамланган 150 дан ортиқ ходимлардан 50 га яқини фан докторлари ва номзодларидир. Бу илмий даргоҳлар Япония, Германия, Франция, Италия, Польша, Россия, АҚШдаги нуфузли илмий тадқиқот институтлари билан яхши алоқани йўлга қўйганлар.

Маълумки, Самарқандда туризмни ривожлантириш ҳисобига йирик иқтисодий натижаларга эришиш, энг муҳими, ишсизлик муаммосининг ечимини топиш имконияти туғилди. Бу борада Президентнинг «Буюк ипак йўли тикланишида Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармони вилоят раҳбарлари олдида турган вазифани аниқ қилиб қўйди<sup>12</sup>. Яъни тарихий обидаларни таъмирлаш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш ишлари билан бирга, яна бир муҳим муаммони, келаётган хорижлик сайёҳларга жаҳон андозалари талаби даражасида хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам ривожлантириш лозим эди. Шу мақсадда республика ҳукумати томонидан муҳим қадам қўйилиб, 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармони билан Самарқанд кооператив институти негизидан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ташкил қилинди<sup>13</sup>.

Истиқлол туфайли миллий маданиятимиз ва қадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш бобида кенг имкониятлар вужудга келди. Президент И. Каримов ташаббуси билан мустақилликнинг илк йилларидан буюк аجدодларимиз шавкатининг боқий тимсоли бўлган азим Самарқандни янада обод этиш йўлида шаҳар катта қурилиш ва таъмирлаш ишлари майдонига айлантирилди. Хусусан, 1993 йил Самарқандда «Тарихий обидаларни таъмирлаш йили», деб эълон қилинди ва Мирзо Улуғбек мадрасаси, Улуғбек обсерваторияси, Амир Темур мақбараси каби тарихий обидаларда таъмирлаш ишлари олиб борилди<sup>14</sup>. Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилеи муносабати билан 1994 йилда биргина Улуғбек мадрасаси ва Улуғбек обсерваторияси таъмирлаш ишларига 28 млн сўмлик маблағ сарфланди. Улуғбек мадрасасида айникса, улкан ишлар қилинди. Охириги 300 йилда тикланмаган мадрасанинг иккинчи

<sup>12</sup> СШХ ЖА. Шаҳар кенгаши I / V сессиясининг материаллари. 1996 йил 19 август. 12-бет.

<sup>13</sup> Халқ сўзи. 2004 йил 30 март.

<sup>14</sup> СВХ ЖА. Вилоят кенгаши II / V сессиясининг материаллари. 2001 йил 28 август. 36-бет.



кавати асл ҳолатига келтирилди<sup>15</sup>. Айниқса, Амир Темурнинг муборак 660 йиллик тўйи шарофати билан Самарқанд таниб бўлмас даражада ўзгарди. Шаҳар марказида буюк бобокалонимизнинг муаззам ҳайкали ўрнатилди.

Кейинги йилларда ҳам ушбу хайрли ишлар давом этиб, Хартанг қишлоғида муҳаддислар султони Имом Бухорий хотирасига улкан ёдгорлик мажмуи бунёд этилди ҳамда қутлуғ зиёратгоҳга айлантирилди ва бутун мусулмон дунёсидан Ўзбекистонга ташриф буюраётган барча меҳмонларнинг таҳсинига сазовор бўлинди. 2000 йил апрел ойида ушбу мажмуага ташриф буюрган ЮНЕСКОнинг собиқ бош директори Фредерико Майор нафақат Самарқандда, балки республикаимизнинг барча қадимий шаҳарларидаги наққош усталари томонидан ясалган дарвозалар, эшик ва устунларнинг санъаткорона ишланганига юқори баҳо бериб, «бундай юқори санъат намунасини ҳеч қаерда кўрмаганман, бу ўзбек халқининг юксак маънавияти тимсолидир», деган эди.

Истиклол йилларида Самарқанд шаҳри қурилиш таъмирлаш ишлари мунтазам тарзда олиб борилиб, Бибихоним, Тиллақори, Гўри Амир, Шоҳи Зинда каби ёдгорлик мажмуалари ҳамда Давонбеги, Хўжа Аҳрор, Маҳдуми Аъзам, Хўжа Дониёр каби нодир зотларнинг қадамжоларида кенг қўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Дунёвий ва диний соҳаларда ижод қилиб, дунё фанига бекиёс ҳисса қўшган ўнлаб алломаларнинг номларини тиклаш борасида Президентнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги остида Самарқанд шаҳрида қўплаб тадбирлар ўтказилди. Хусусан, 1994 йилда буюк мунажжим Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нафақат Ўзбекистонда, балки, дунё миқёсида кенг нишонланди. 1998 йилда буюк аллома, улуғ муҳаддис Имом Бухорий ҳазратларининг 1225 йиллиги ҳамда калом илмининг асосчиларидан бири, ислом қонуншуноси Имом Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллик қутлуғ таваллуд тўйлари ислом оламида кенг байрам қилинди. Мухими шундаки, тарихимиз ва кадриятларимизни тиклаш борасида ишлар халқаро миқёсда эътироф этилиб, 2004 йилда Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг «Бутун жаҳон аҳамиятига молик ёдгорликлар»и рўйхатига киритилди.

Хорижлик сайёҳларни Ўзбекистонга қизиқишини янада орттириш ва Самарқанднинг шон-шухратини янада юксалтиришда 1997 йилдан бери Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусикий фестивали-

<sup>15</sup> СШХ ЖА. Шаҳар кенгаши I / III сессиясининг материаллари. 1995 йил 22 август. 3-бет.

нинг ўрни бекиёс бўлди. Қисқа фурсат ичида бу мусиқа анжумани дунё миқёсидаги нуфузли санъат фестивалига айланди.

Йилдан-йилга кўпайиб бораётган хорижлик сайёҳлар ва меҳмонларни қабул қилиш имкониятини ошириш учун шаҳарда сервис хизмати туризм инфратузилмаси такомиллашиб, Самарқандда замонавий ва халқаро стандартларга жавоб берадиган «Афросиёб палас», «Президент палас» каби йирик меҳмонхоналар ишга туширилди. Мавжудлари эса таъмирланди, шунингдек, хусусий секторнинг барқарор ривожланиши натижасида бу соҳага ҳам улар ўз улушлари билан кириб келди. Натижада тадбиркорлар томонидан 50 дан ортиқ хусусий меҳмонхоналар бунёд этилди. Шунингдек, шаҳарда темир йўл вокзали, очик ва ёпик теннис корти, Амир Темури боғи, Хотира боғи каби муҳим ижтимоий-маданий аҳамиятга молик иншоотлар барпо этилганини, марказий стадион қайтадан таъмирланиб, эски бозорлар кенгайтирилгани ва янгилари қурилгани, япониялик ҳамкорлар сармояси ёрдамида Самарқанд аэропорти халқаро андозаларга мослаб реконструкция қилинганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Шундай қилиб, Самарқанд шаҳри мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарлари орасида ўзининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва илмий-техникавий соҳаларда етакчи ўринлардан бирини эгаллаётганлигини кўрсатди. У республикаимизнинг Тошкент шаҳридан кейин ижтимоий-иқтисодий марказларидан бири бўлиб, республикада олиб борилаётган ислохотлар самараси шаҳар мисолида яққол кўзга ташланади. Самарқанд азалдан ўзининг буюк тарихи ва илм-фан бешиги бўлиши билан бирга, истиқлол йилларида мамлакатимизнинг фан ва маданият, маънавият ва маърифат соҳаларида раванг топаётган Марказий Осиёдаги йирик шаҳарларидан бирига айланди.

Хуллас, ХІ асрда форсча айtilган «Самарқанд сайқали рўйи замин аст», яъни «Самарқанд ер юзин сайқали эрур» мисрадаги мавкеи мустақиллик йилларида қайтадан тикланди, десак муболаға бўлмайди.

*Ш. Рахматуллаев, П. Хушбоков*

### **Самарқанд в годы независимости Узбекистана**

В статье на основе привлечения материалов периодической печати и текущих архивов городского и областного хокимиятов Самарканда рассмотрены вопросы социально-экономических преобразований в Самарканде в годы независимого развития Республики Узбекистан. Проана-

лизированы процессы создания многоукладной экономики, совместных предприятий. Раскрыты социальные аспекты проводимых экономических реформ. Изучены вопросы культурного и духовного возрождения, преобразований в сфере просвещения и науки, а также проблемы развития туризма.

*Sh. Raxmatullaev, P. Xushbokov*

### **Samarkand within independence of Uzbekistan**

In this article are considered of social and economic transformations in Samarkand within independent development of Republic Uzbekistan. Including, in article processes of creation of multistructure economy, joint ventures are analysed, thus the key attention is given to disclosing of social aspects of spent economic reforms, questions of cultural and spiritual revival, changes in sphere of education and a science, a problem of development of tourism. As the basic sources for given article materials of periodicals and the current archives city and regional hokimiats Samarkand have served.

## *Тошкент – ислом маданияти пойтахти*

*Д. Мақсудов*

### **МОВАРОУННАХРЛИК МУФАССИР ОЛИМЛАРНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ**

Ер юзидаги ҳар бир миллатнинг обрў-эътибори ва шухрати унинг жаҳон тамаддуни, илм-фани равнақига ҳисса қўшган олимларининг хизматлари билан ўлчанади. Ушбу мезонга асосан Ўзбекистон диёри ҳеч бир муболағасиз дунё илм саҳнасида аҳамиятли ўринлардан бирини эгаллайди. Ислом конференцияси ташкилотига қарашли таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – АЙСЕКО (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши бунни тасдиқлайди.

Президент И. А. Каримов бу юксак баҳога муносабат билдириб, берган интервьюсида жумладан шундай деди: «Агарки тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, хоки поклари Ўзбекистон тупроғида ётган улуг аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз. Бутун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф, аввало, ана шундай аждодларимизнинг табарруқ номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондан Имом ал-Бухорий, Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Мотуридий, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу-л-Муъин ан-Насафий, Абу ҳафс ан-Насафий, Бурҳон ад-дин ал-Марғиноний, Маҳмуд аз-Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек сингари юзлаб алломалар етишиб чиққанки, уларнинг номлари тарих зарварақларида ўчмас из қолдирган. Бундай олимлар дунёвий илмлар катори тафсир, ҳадис, ақида, фикх каби диний илмларда ҳам сермахсул ижод қилганларки, буни дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда.

Қуръонни тўғри англаш ва шарҳлаш ҳамда уни соф ҳолида оммага етказиш доимо муҳим бўлиб келган. Бундай масъулиятли ишни бажарган олимлар тарихда муфассир номини олган.

<sup>1</sup> Тошкент – ислом маданиятининг пойтахти. Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2007. 10-бет (Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсидан).



Муфассирларнинг ҳаёти ва ижоди бир қанча замонлардан бери кўпчиликни қизиқтириб келган. Шу сабаб улар ҳақида «Табақот ал-Муфассирин» туркумидаги кўплаб асарлар ёзилган. Жумладан, Жалол ад-дин ас-Суютий ўзининг «Табақот ал-Муфассирин» асарида 136 муфассирнинг таржимаи ҳолидан хабар беради. Бу асар ниҳоясига етмагани сабабли ас-Суютийнинг шогирди Шамс ад-дин ад-Довудий ҳам «Табақот ал-Муфассирин» номли бир китоб яратади.

Муаллифлар муфассирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида хабар бериш билан бирга, уларни куйидаги тўрт табақага бўлганлар:

- Саҳоба, тобиин ва табаа тобиинлардан иборат бўлган муфассирлар;

- Муҳаддислардан иборат бўлган муфассирлар;

- Юқоридаги икки табақадан ташқари аҳли сунна вал жамоа эътиқодидаги қолган бошқа муфассирлар табақаси. Бу муфассирлар табақаси жуда кенг тарқалган;

- Нотўғри тоифа ва оқим вакилларида иборат бўлган муфассирлар.

Юқоридаги биринчи ва иккинчи табақадагилар «нақл килувчилар», учинчи табақадагилар «таъвил килувчилар», тўртинчи табақадагилар эса «бидъатчилар» деб номланган. Мовароуннаҳрлик муфассирлар орасида иккинчи ва, айниқса, учинчи табақадагилари кўпчиликни ташкил этади.

Шамс ад-дин Муҳаммад ад-Довудийнинг «Табақот ал-Муфассирин» номли китобида ҳанафий мазҳабидаги элликка, моликий ва ҳанбалий мазҳабидаги қирқка ҳамда шофий мазҳабидаги юзга яқин муфассирларнинг таржимаи ҳолларини жамлаган. Шу билан бирга, мўътазиллий ақидасидаги ўн бешдан зиёд, шиаликдаги ўнга яқин муфассирлар ҳақидаги маълумотларни ҳам киритган.

Бундан ташқари Муҳаммад аз-Заҳабий ўзининг «ат-Тафсир вал-муфассирин» китобида 18 та машҳур тафсирлар, улардан ўнга яқин шофий, учта ҳанафий ва иккита моликий мазҳабидаги асарлар ҳақида қимматли маълумотларни беради.

Шунга қарамай, ҳанафий мазҳабидаги тафсирларнинг аҳамиятини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Чунки ҳанафий мазҳабидаги кўплаб қонунқоидалар билвосита ёки бевосита Қуръондан олинган. Шу сабаб Қуръоннинг маъно-мазмунини пухта ўрганиш ушбу мазҳаб олимлари олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб келган.

Уламо ва муфассирлар Қуръонда жами 6000 та оятнинг борлигига иттифоқ қилганлар, қолган қисмида эса турли фикрлар юзага келган. Жумладан, буюк аждодимиз Жоруллоҳ Маҳмуд аз-Замахшарий (ваф.

1143 й.) «ал-Кашшоф» номли машхур тафсирида: «Қуръони каримда 114 та сура, 6666 та оят, 77439 та сўз ва 325343 та ҳарф бор», – деб ёзади.

Қуръонни сура-сура, боб-боб, жуз-жуз, пора-пора тарзида бўлиниши тўғрисида насафлик машхур муфассир Абу-л-Баракот куйидаги фикрни келтиради: «Қуръони каримнинг бундай тақсимланишида жуда кўп фойда бор. Масалан, Қуръон ўқувчи бир сурани ёки бир жузни ёдлаб тугатса, бу унга қолганларини ёдлашга туртки бўлади. Чунки, қори маълум бир қисмни ёдлаб бўлиб, яна бошқа бир қисмни тартибли асосда ёдлашга киришади. Бундай тақсимлаш ўқувчига анчагина қулайлик ва осонлик туғдиради. Қуръондан бир қисмини ёдлангани учун қорининг қалбида хурсандлик, ифтихор туйғуси пайдо бўлади. Бу эса ўқувчини янада кўпроқ ёд олишга ундайдиган омиллардан биридир»<sup>2</sup>.

Мовароуннаҳрлик муфассирлар ҳақида гапирганда, уларнинг ҳанафий мазҳабида бўлганини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки ушбу мазҳаб юртимизда бир неча асрлардан бери чуқур илдиз отган. Айнан диёримиздан етишиб чиққан олимлар мазкур мазҳабнинг кенг ёйилиши, ундаги масалаларнинг илмий исбот топишига катта таъсир кўрсатганлар.

Мовароуннаҳрда тафсир илмининг ривожини бошқа ўлкаларда бўлгани каби дастлаб, ҳадис илми билан боғлиқ бўлган. «Муҳаддислар султонни» унвонига сазовор бўлган Имом Абу Абдулло Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий нафақат ҳадисда, балки тафсир соҳасида ҳам катта шухрат қозонган. Унинг машхур «ал-Жомий ас-саҳиҳ» («Саҳиҳ ҳадислар тўплами») асарида оятлар тафсирларига оид мингдан зиёд ҳадислар жамланган. Имом ал-Бухорий «ал-Жомий ас-саҳиҳ»да тафсирга алоҳида бир бобни бағишлаган ва унда Фотиҳа, Бақара, Нисо каби бир неча сура оятларининг тафсирларини жамлаган<sup>3</sup>. Жумладан, Фотиҳа сурасининг тафсирида Абу Саид ибн Муаллодан ривоят қилинган Қуръоннинг энг улут сураси Фотиҳа экани тўғрисидаги ҳадис келтирилади<sup>4</sup>. Ҳозирда ушбу «ал-Жомий ас-саҳиҳ» тўплами 4 қисмда «Қомуслар Бош таҳририяти» томонидан нашр этилган. Шу билан бирга, ал-Бухорийнинг «ат-Тафсир ал-кабир» китоби бўлган, лекин ушбу китоб бизгача етиб келмаган<sup>5</sup>.

<sup>2</sup> Абу-л-Баракот ан-Насафий. Мадорик ат-танзил ва ҳако'ик ат-та'вил. Байрут. 1998. I-жуз.

<sup>3</sup> Абу Абдуллоҳ ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомий ас-саҳиҳ. 3-қисм. Тошкент, Қомуслар Бош таҳририяти. 1995. 149-363-бетлар.

<sup>4</sup> Ўша асар, 150-бет.

<sup>5</sup> Мақсудов Д. Мовароуннаҳрлик муфассирлар. Имом ал-Бухорий сабоқлари. 3-сон. 2006. 233-бет.

Мотуридия таълимоти асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф. 333/944 й.) калом илмининг буюк намояндаси бўлса-да, унинг тафсир соҳасидаги «Таъвилот аҳл ас-сунна» («Аҳли сунна таъвиллари») китоби ҳанафий олимлари орасида жуда ардоқланган. У тафсирда суннийлар ақидасини нақлий ва ақлий далиллар билан қўллаб-қувватлаган ҳамда оятлардан далил сифатида кўп фойдаланган.

Маълумки, имон билан амалнинг бирлиги ёки бошқа-бошқалиги масаласи уламолар ўртасида баҳслидир. Буни ал-Мотуридий Бақара сурасининг 25-оятига таяниб, бу иккаласининг бошқа-бошқа эканини таъкидлайди. Оят мазмуни шундай: «Имон келтирганлар ва солиҳ амал қилганларга тағларидан анҳорлар оқиб турувчи жаннатлар бор, деб башорат беринг». Чунки, оятда «имон келтирганлар» билан «солиҳ амал қилганлар» сўзлари «ва» боғловчиси орқали ажратилмоқда. Араб тили коидасига кўра, «ва» боғловчиси билан ажратилган сўзлар алоҳида ҳисобланади. Демак, солиҳ амал билан имон бир-биридан бошқа нарсалар экан. Шундан келиб чиқиб, Мотуридий таълимотида амал имоннинг бир қисми эмас, дейилади.

Қуръонда Муҳаммад (с.а.в.)нинг уммати танланган, яхши уммат, шу билан бирга бошқа умматларга гувоҳликка ўтиши айtilган. Оят мазмуни қуйидагича: «одамларга чиқарилган (маълум бўлган) умматнинг энг яхшиси бўлдингиз, (эй мусулмонлар!) зеро, сиз амри маъруф, наҳйи мункар қиласиз ва Аллоҳга имон келтирасиз»<sup>6</sup>. Абу Мансур ал-Мотуридий ушбу оятдан келиб чиқиб ижмо<sup>7</sup>ни ҳужжат дейди ва ижмони шариатнинг бир манбаи эканини, ушбу уммат олимлари бирор нарсага иттифоқ қилсалар ҳамда унинг тўғрилигига гувоҳлик берсалар, уни қабул қилиш мажбур ҳисобланишини айтади.

Яна бир самарқандлик муфасссир Имом ал-худо Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим (ваф. 373/983-4 й.)дир<sup>8</sup>. Унинг «ал-Баҳр ал-улум» («Илм уммони») номли асари ҳанафий мазҳабидаги нақлга асосланган тафсирлар орасида юқори баҳоланади. У ўз асарида оятларни оятлар, ҳадислар, саҳобалар ва тобиинлар сўзлари билан шарҳлайди.

<sup>6</sup> Оли имрон сураси, 110-оят. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи А. Мансур. Тошкент: Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2004. 64-бет.

<sup>7</sup> Мухокама этиладиган масала юзасидан мужтаҳидларнинг бир фикрга қелишуви (Ислом. Энциклопедия. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2004. 105-бет).

<sup>8</sup> О б и д о в Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. Тошкент: Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2006. 104-бет.

Турли кироатлар, сабаби нузуллар, носих ва мансух, нахвга эътибор берган<sup>9</sup>.

Ас-Самарқандий тафсирнинг бошида «Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳим» жумласини шарҳлар экан, унинг ҳар бир ҳарфига ўзига хос алоҳида бир маъно беради. Бундан ташқари, ас-Самарқандийнинг «ан-Навозил», «Хизона ал-фикҳ», «Танбиҳ ал-ғофилин», «Бўстон ал-орифин» (охирги бу икки китоб таржима қилиниб, Мовароуннаҳр нашриёти томонидан чоп этилган) каби асарлари ҳам машҳурдир.

Тафсир илмига оид «ал-Кашшоф» номи билан машҳур бўлган асар муаллифи, Хоразмнинг Замахшар қишлоғида 467/1074-75 йилда (ҳижрий 467 йил 27 ражаб куни, милодий 1075 йил 18 март) таваллуд топган Абул-қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарийдир. У ҳадис, тафсир, нахв, балоғат, луғат ва адабиёт каби илмларда юксак меҳнати билан ном таратган олимдир. Аз-Замахшарий «Фаҳри Хоразм» (Хоразм фаҳри), «Жоруллоҳ» (Аллоҳнинг қўшниси), «Устаз ал-араб ва-л-ажам» (Араб ва араб бўлмаганларнинг устози) каби номларга сазовор бўлган. У умри давомида 50 га яқин асарлар ёзган<sup>10</sup>.

Аз-Замахшарийнинг «ал-Кашшоф ан ҳақоик ат-танзил ва уюн ал-ақовил фи вужух ат-таъвил» («Қуръондаги берк ҳақиқатлар очкичи ва изоҳлаш йўллари ҳақида ривоятлар кўрсаткичи») асари жуда қимматли саналади. Бир қанча олимлар аз-Замахшарийнинг ушбу тафсирининг қийматини юқори баҳолаганлар. Чунки аз-Замахшарий Қуръонни бошқа китоблардан устунлигини кўрсатиш учун унда Қуръоннинг балоғат, фасоҳат томонларини жуда нозик услубда нахв, сарф, шеър, луғат илмларига таяниб зўр маҳорат билан очиб берган. Тўрт жилддан иборат мазкур тафсирнинг ҳар бир жилди бир китобга жойлаштирилган.

Анфол сурасининг 46-оятида тафрикага бўлинишнинг салбий жиҳатлари айтилган: «Аллоҳга ва расулига итоат қилинлар ва низо қилманлар, акс ҳолда омадсизликка учраб шамолларингиз кетиб қолади. Сабр қилинлар, албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир». Оятдаги «шамолларингиз кетиб қолади» иборасини аз-Замахшарий «давлатингиз кетиб қолади» деб тафсир қилади. Чунки бундай ибора арабларда истеъмомда бўлган. Давомида шунга мос Сайк ибн Салаканинг икки байтли шеърини ҳам келтириб кетади.

Ўз даврининг комусий олими, шоир, муаррих, фикхшунос Нажм ад-дин Абу ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ан-Насафий

<sup>9</sup> Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Накиб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий. II жилд. Риёз: Мактаба арушд. 2001. 773-774-бетлар.

<sup>10</sup> И с л о м о в З. Муқаддамат ул-адаб (манбашунослик таҳлили). Тошкент: Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2002. 3-бет.



461/1069 йилда Насаф шахрида туғилган<sup>11</sup>. У ёшлигидан Абу-л-Йуср Муҳаммад ал-Баздавий, ал-Ҳасан ибн Абд ал-Малик ан-Насафий, Исмоил ибн Муҳаммад ан-Нухий ан-Насафий каби йирик олимлардан таълим олган. Умрининг асосий қисмини Самарқандда ўтказган Абу ҳафс 1113-1114 йилларда бир маротаба ҳаж зиёратига борган. Ҳаётининг сўнгги йилларида Самарқандда яшагани боис, баъзан исмига «ал-Мотуридий» нисбаси қўшиб айтилади. У мотуридийга калом мактабининг машҳур вакили ва тарғиботчиларидан бири, Бурҳон ад-дин ал-Марғинонийнинг устози бўлган.

Абу ҳафс «ат-Тайсир фи-т-тафсир» номли тафсир ёзган. Унинг бундан ташқари илмнинг турли соҳаларига оид 100 дан ортиқ асарлари мавжуд бўлиб, улардан ўнга яқини бизгача етиб келган холос. Улар орасида «Манзумот ан-Насафийа фи-л-хилофият» («Келишмовчиликлар ҳақида ан-Насафий манзумаси»), «Ақоид ан-Насафийа»ни айтиб ўтиш мумкин. Саъд ад-дин ат-Тафтазоний 1367 йилда «Ақоид ан-Насафийа»га батафсил шарҳ ёзган. Яна бир асари «Шарҳ ал-ғариб» араб тили лексикасига бағишланган. Айниқса, унинг «Ал-қанд фи зикри уламаи Самарқанд» («Самарқанд уламолари зикрида қанддек китоб») Мовароуннаҳр тарихига оид мўътабар китоблардан бири саналади. Ушбу асарнинг бир қисми 1906 йилда рус тилида, бошқа қисми 1955 йилда Техронда форс тилида чоп этилган. Академик Бўрибой Аҳмедов Абу ҳафснинг Қуръон шарҳига оид «Ал-Явакут фи-л-мавакит» («Қулай вақтлар хусусида ёқутлар») китоби борлигини таъкидлайди<sup>12</sup>. У Бурҳон ад-дин ал-Марғинонийга устозлик қилган<sup>13</sup>. Нажм ад-дин Абу ҳафс 537/1142-43 йилда вафот этган ва Самарқанднинг Чокардиза қабристонига дафн қилинган.

Насафлик машҳур олим Ҳофиз ад-дин Абу-л-Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий 1232 йилда таваллуд топган<sup>14</sup>. Олимнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар кам учрайди. Уни баъзи муаллифлар мутааххир олимлардан деб айтадилар. Абу-л-Баракот ўз даврининг етук олими Шамс ал-аймма ал-Кардарийдан таҳсил олган. У ҳам ўз даврида машҳур «Фатово қозихон» муаллифи Фахр ад-дин қозихон ва «ал-ҳидоя» соҳиби Бурҳон ад-дин ал-Марғиноний каби буюк устозлардан таълим олган. Абу-л-Баракот Насафда туғилган бўлса-да, Бухорода таълим ол-

<sup>11</sup> G. E. Bosworth, E. Van Donzel, W. P. Heirichs, Ch. Peellat. *Encyclopedie de l'Islam*. Tome VII. Paris. G. P. Maisonneuve & LaRose S. A. 1986. P. 969.

<sup>12</sup> Соғлом авлод. Насафлик алломалар. 26.10.06. (№43). 3-бет.

<sup>13</sup> G. E. Bosworth, E. Van Donzel, W. P. Heirichs, Ch. Peellat. *Encyclopedie de l'Islam*. Tome VII. Paris. G. P. Maisonneuve & LaRose S. A. 1986. P. 969.

<sup>14</sup> Муҳаммад Шафиқ Ғ и р б о л. Ал-Мавсу'а ал-'арабийя ал-муйассара. Дор ал-жил ва-л-жам'ийа ал-мисрийа. 1995. II жилд. 1833-бет.

ган, илм сафариди яна кўплаб мамлакатларга борган. У қаерда бўлмасин обрў-эътибор топган. Маълум бир вақт Кермон шаҳридаги «ал-қутбийя ас-султонийя» мадрасасида мударрислик қилган. Сўнг Бағдодга келиб, у ерда илм толибларига таълим берган. Абу-л-Баракот «хофиз ад-дин», яъни «динни ҳимоя қилувчи» деган шарафли номга муяссар бўлган.

Абу-л-Баракот ан-Насафий 710/1310 йилда Бағдодга келади ва шу йили рабиъ ал-аввал ойининг жума куни кечаси<sup>15</sup> Бағдодда вафот этган ва Исфаҳон яқинидаги Изаж<sup>16</sup> шаҳрида дафн қилинган<sup>17</sup>.

Ан-Насафийнинг турли соҳалардаги илмий асарлари бизгача етиб келган. Унинг ислом ҳуқуқига оид «Канз ад-дақо'ик» («Нозик масалалар ҳазинаси»), «Ал-Вафи» («Тўлик») ва унинг шарҳи «Ал-Кафи» («Кифоя қилувчи») каби йирик асарлари бор<sup>18</sup>. Бундан ташқари унинг фикҳ илмига оид «Ал-Мустасфа фи шарҳ ан-Нофиъ фи-л-фуру», («Фикҳ тўғрисидаги ан-Нофининг шарҳи мукаммал»), калом илмига оид «Ал-Мусаффа фи шарҳ ал-манзума ан-Насафийя фи-л-хилаф» («Хилоф илмига оид ан-Насафий назмининг шарҳи аниқланган»), «Кашф ал-асрор фи шарҳ ал-Манор» («ал-Манорнинг шарҳи сирларни очиш»). Аллома-нинг кўплаб асарлари ва унга ёзилган шарҳлар ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Унинг энг асосий асарларидан бири «Тафсир ан-Насафий» номи билан шуҳрат қозонган «Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил» тафсиридир. У ханафий мазҳабидаги энг кўп фойдаланиладиган ва мадрасаларда дарслик сифатида ўқитиладиган китоблардан биридир. Абдулазиз Мансур ҳам ўзининг «Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири» китобида асосий манба сифатида ундан фойдаланган<sup>19</sup>, ҳатто, Мисрнинг машҳур «Ал-Азҳар» университетида ҳам бу китоб ўқитилади.

«Тафсир ан-Насафий»ни диққат билан ўқиган одам унда, илмий асосларни, илм ва яхшилик каби фазилатларнинг кўкка кўтарилганини нотўғри ва бузғунчи фикрларнинг кескин танқидга учраганини кўриши мумкин. Жумладан, ан-Насафий илм ҳақида шундай дейди: «Илм,

<sup>15</sup> Мавлоно Тошқубризода. Табакот ал-фуқаҳо. Ношир: Ал-Ҳож Аҳмад Нийла. Мувсил: ал-Мактаба ал-марказийя ал-омма. 113-бет.

<sup>16</sup> Ҳузистон ва Исфаҳон ораллиғидаги шаҳар. Баъзи манбаларда уни Самарқанд киш-локларидан бири дейилади.

<sup>17</sup> Абдулҳай ал-Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фи тарожим ал-ҳанафийя. Байрут. 1998. 291-бет.

<sup>18</sup> Зайн ад-дин Қосим ибн Қутлубуға. Тож ат-тарожим фи табакот ал-ҳанафийя. Nendeln, Liechtenstein 1996. 22-бет.

<sup>19</sup> Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. Тошкент: Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2004. 616-бет.

агар у руҳонийлар ёки роҳибнинг охират ҳақида эгаллаган илми бўлса ҳам инсонни тўғри йўлга бошловчи воситалардан биридир. Чунки, оятда: «Одамлар ичидан «Биз насронийлармиз», – деювчиларни мусулмонларга яқинроқ дўст эканини кўрасиз. Бунга сабаб улар орасида руҳоний ва роҳибларнинг борлиги ва уларнинг кибрга берилмаслигидир», – дейилган.

Бу билан ан-Насафий илм ким томонидан эгалланган бўлишига қарамай, унинг улуғлиги ва афзаллигини ҳамда илм руҳонийларнинг Куръонда ижобий зикр қилинишига сабаб бўлганини исботламоқчи бўлади.

Ҳофиз ад-дин ҳанафий мазҳабига таянган ҳолда оятларни шарҳлайди. Жумладан, яқин-яқинларгача баъзи бир оқимлар томонидан ихтилофлар келтириб чиқарилаётган намоздаги «омин» масаласидир. Ҳанафий мазҳабига биноан, ибодатда Фотиҳа сураси ўқилганидан сўнг «омин» калимаси ичида айтилиши таъкидланади. Бунга далил қилиб Аъроф сурасидаги «Роббиларингизга зорланиб, махфий ҳолда дуо қилинглар, зеро, у ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди» ояти келтирилади. Абу-л-Баракот ушбу оятнинг шарҳида: «Аллоҳ дуо ва шу қабиларда белгиланган чегарадан ўтиб кетувчиларни ёқтирмайди», – дейди. «Белгиланган чегара»ни Ибн Жарир «дуода овозларини баланд қилиш» деса, бошқалар «дуо қилишда кўп гапириш» дейдилар. Давомида пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисни келтиради: «Сизлар дуо қилганингизда қар ва йўқ бўлган зотга эмас, балки эшитувчи ва яқин бўлган зотга дуо қилмоқдасизлар».

Машҳур муфасссир Ибн Жарир ат-Табарий «Дуо қилишда бақириниш ва қичқириниш макруҳ ва бидъатдир», – деб, бунга пайғамбар (с.а.в.)нинг қуйидаги ҳадисини келтиради: «Умматим ичида яқинда дуода ҳаддан ошувчилар пайдо бўлади. Инсонни дуода «Парвардигоро, сендан жаннатни ва унга яқин қиладиган амал ва сўзни сўрайман, дўзах ва унга яқин қиладиган амал ва сўзлардан паноҳ сўрайман», – дейиши кифоя. Пайғамбар (с.а.в.) шундай дегач, юқоридаги оятни ўқиган экан.

Шунга мувофиқ ҳанафий мазҳабида намозда Фотиҳа сурасидан кейин «омин» махфий айтилади. Лекин шофий мазҳабида «омин»ни жаҳрий айтиш суннат ҳисобланди ва бунга ҳадисдан далил келтирилади.

Бундан ташқари мовароуннаҳрлик қуйидаги муфасссирларни ҳам санаб ўтиш мумкин:

– ҳанафий мазҳабининг йирик қонуншунос олими Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Баздавий (ваф. 1089 й.) ҳадисшунос ва мотуридийна мактабининг таниқли вакили бўлган. Унинг тафсирга бағишланган

«Кашф ал-асрор» номли 120 қисмлик асари бор бўлиб, асарнинг ҳар бир қисми улкан китобдан иборат;

– Хоразмлик олим ҳужжат ал-афодил Али ибн Муҳаммад Абу-л-Ҳасан ал-Имроний ал-Хоразмий (ваф. 560/1164-65 й.) бўлиб, унинг «ат-Тафсир» номли асар ёзгани маълум;

– «Ат-Тафсир» асари муаллифи Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқил аллома ан-Насафий (ваф. 295/907-08 й.);

– Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулҳамид ал-Усмандий ас-Самарқандий (ваф. 552/1157-58 й.);

– Яна бир «Ат-Тафсир» асари муаллифи ҳужжат ал-афодил Али ибн Муҳаммад Абу-л-Ҳасан ал-Имроний ал-Хоразмий (ваф. 560/1164-65 й.);

Шу билан бирга Ало ад-дин ас-Самарқандий «Шарҳ таъвилот ал-Қуръон» китобини ёзган. Абу Ризо Муҳаммад ибн Али ан-Насафий (ваф. 517/1123-24 й.) ва Абу-л-Ҳадоил Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳанафий Бурҳон ан-Насафий (ваф. 687/1288-89 й.)лар эса тафсир билан шуғулланган олимлардан ҳисобланади.

«Тафсир Нўъмон», «Тафсир тибъан», «Итқон», «Тафсир Мавлоно Чархий» каби тафсирлар ҳам Ўрта Осиёда машҳур бўлган. Мовароуннаҳр диёрига тегишли бу каби тафсирларни ва тафсир олимларини қўплаб келтирса бўлади. Юқорида айтиб ўтилган тафсир китобларнинг аксариёти ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланмоқда.

Диёримизда Қуръонга тафсир ва таржималар ёзиш ҳозирги кунгача давом этиб келаётган бўлиб, бунга Олтинхонтўра таржимаси, Шамсиддин Бобохонов томонидан қилинган Амма порасининг таржимаси, Алоуддин Мансурнинг изоҳли таржимаси (биринчи ва иккинчи нашрлар), 1992 йилдан бошлаб нашр этилиб келинаётган Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг «Тафсири ҳилоли» ва ниҳоят, Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири»<sup>20</sup> (биринчи, иккинчи ва учинчи нашр)ларни мисол килиш мумкин.

Аз-Замахшарийнинг «ал-Кашшоф»ига «Тафсир аз-Замахшарий», ас-Самарқандийнинг «Тафсир ал-Қуръон ал-карим»ига «Тафсир ас-Самарқандий», ан-Насафийнинг «Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил»ига «Тафсир ан-Насафий» каби халқ тилида осон бўлган иккинчи номларнинг берилиши бу китоб ва уларнинг муаллифларига бўлган катта эътиборнинг бир намунаси, деса бўлади.

<sup>20</sup> Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи А. Мансур. Тошкент: Тошкент Ислом университети нашриёт-магбаа бирлашмаси. 2004.



Умуман олганда, Мовароуннахрдан етишиб чиккан аждодларимизнинг илмий мерослари нихоятда сермазмунки, бунини ислом дунёсида Қуръондан кейин иккинчи ўринда турадиган «ал-Жомий ас-сахих» асарининг Имом ал-Бухорий томонидан тўплангани ёки бўлмаса, хадис тўпламлари орасида энг ишончли деб тан олинган «Сихоҳ ас-ситта» («Ишончли олтилик») ва «Сихоҳ ат-тисъа» («Ишончли тўққизлик») ичидан Имом ат-Термизийнинг «Сунан ат-Термизий» ҳамда самарқандлик Имом ад-Доримийнинг «Сунан ад-Доримий» асарларининг жой олиши, шу билан бирга ислом ҳуқуқшунослиги соҳасида ном таратган Бурҳон ад-дин ал-Марғинонийнинг «ҳидоя» асари кабиларнинг ўзиёқ аждодларимиз илмий меросининг бебаҳолигидан далолат бериб турибди.

*Д. Максудов*

### **Научное наследие учёных муфассиров Мавераннахра**

В статье проанализирована роль муфассиров (знатоков Корана) Мавераннахра, в том числе Имама аль-Бухари, аль-Матуриди, Абу Лайса ас-Самарканди, Махмуда аз-Замахшари, Абу-л-Бараката ан-Насафи и др., являвшихся не только знатоками хадисов, догм (акоид), фикха и арабской грамматики, но и толкователями Корана. Написанные ими тафсиры, игравшие важную роль в истинном понимании аятов, до сих пор изучаются исследователями и преподаются в религиозных заведениях, в частности в Аль-Азхаре. Исламская организация по вопросам образования, науки и культуры (ISESCO), признав это, объявило Ташкент столицей исламской культуры в 2007 г.

*D. Maksudov*

### **Scientific heritage of scientist mufassirs of Movarannahr**

Ancient Movarannahr was one of the centers of Eastern civilization. Scientists and thinkers of Movarannahr were not only connoisseur of world knowledges but also religious as hadis, fikh, tafsir. In that article the role of connoisseurs of Koran of Movarannahr and their scientific reserches were analyzed such scientists as Imam al-Buhariy, al-Motrudiy, Abu Lays as-Samarqandiy, Mahmud az-Zamahshariy, Abul Barakat an-Nasafiy and others were notonly connoisseur of hadis, dogma, fikh, and grammatics of arabi

language but they were also interpretator of Koran as tafsirs play great role in true understanding of ayats the tafsirs which werewritten bu them have been studying until nowadays bu researchers and are taught in realigious institutions as Al-Azhar. ISESCO (Islamic educational, scientific, cultural organisation) confessiv that declar Tashkent as capital of islamic culture in 2007.

Ў. Султонов

### **ТОШКЕНТ ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРКИБИДА («Тарихи жадидаи Тошканд» ва «Хулосат ул-аҳвол» асарларидаги маълумотлар таҳлили)**

Тошкент тарихи акс этган ёзма манбалар икки минг йиллик тарихга эга бўлиб, XIX аср тарихига доир айрим маълумотлар маҳаллий ёзма манбаларда ҳамда Ўрта Осиё хонликларида ва Тошкентда бўлган рус саёҳатчилари, ўлка тадқиқотчилари асарларида ҳам мавжуд. Бироқ, Тошкент тарихига бағишланган яхлит маҳаллий манбанинг бор-йўклиги тўғрисида бир тўхтамга келинмаган. Шу сабабли бўлса керак бу айрим хорижий тадқиқотчиларда ҳозирги кунда ҳам Тошкентнинг Россия империяси томонидан босиб олингунга қадар бўлган даврини ёритувчи маҳаллий ёзма манбалар йўқ, деган хулоса чиқаришига ва фақат рус манбаларига таянишларига сабаб бўлмоқда<sup>1</sup>. Гарчи, XVI асрда Ҳофиз Кўҳакий номи билан машҳур бўлган Султон Муҳаммад Тошкандийнинг «Тарихи Тошканд» номли асар ёзганлигини таъкидланса-да, бироқ, асарнинг ўзи етиб келмаган. Тошкентнинг ижтимоий-сиёсий тарихига доир муҳим маълумотлар XIX асрда Тошкентда яшаган икки муаллиф – Абу Ubайдуллоҳ Тошкандий (т.й. 1804/05) ва Муҳаммад Солиххўжа Тошкандий (тахм. 1830-1889) асарларидагина учрайди.

Албатта, Абу Ubайдуллоҳ Тошкандийнинг «Хулосат ул-аҳвол» асари биографик характерда бўлиб, унинг қамрови муаллиф ҳаётида юз берган воқеалардан ташқарига чиқмайди<sup>2</sup>. Лекин Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари умумий тарих услубида ёзилган бўлса-да, бугунгача маълум бўлган Тошкент тарихига бағишланган ягона

<sup>1</sup> Jeff Shadoo. Russian colonial society in Tashkent 1865-1923. Indiana University Press. 2007. P. 12.

<sup>2</sup> Абу Ubайдуллоҳ Тошкандий. Хулосат ул-аҳвол. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2084. 240 варак.

яхлит тарихий асар деб айтишга асос бор<sup>3</sup>. Чунки мазкур асарда Қўқон хонлиги тарихи баёнида асосий воқеаларнинг Тошкент шаҳри ва вилоятида юз берган сиёсий жараёнлар ташкил этиши, асарнинг номланиши ва ёзилиш сабаблари ҳамда унинг сўнгида шаҳарнинг юзага келиши, тўрт даха тавсифининг берилиши ушбу асарнинг чиндан ҳам Тошкент тарихига бағишланганлигини кўрсатиб туради.

Мазкур асарлар Тошкентнинг Қўқон хонлиги таркибига қўшиб олингандан кейинги давр тарихи бўйича бошқа манбалардан кўра батафсил ва кизиқарли маълумотларни ўзида акс эттиради. Тошкентнинг 1810-1865 йилларда, яъни Қўқон хонлиги давридаги ижтимоий-сиёсий тарихи тадқиқотчилар томонидан архив ҳужжатлари ва рус манбалари асосида маълум даражада ўрганилган<sup>4</sup>. Шу сабабли ушбу мақолада Тошкентнинг тилга олинган давр тарихи «Тарихи жадидаи Тошканд» ва «Хулосат ул-аҳвол» асаридаги маълумотларни қуйидаги мавзуларда таҳлил қилиш кўзда тутилган.

**Тошкент ҳудуди.** Иккала асарда ҳам Тошкент шаҳар номи билан бирга маъмурий бирлик сифатида қўлланилган. Шаҳар сифатида Тошкент майдони Муҳаммад Солиххўжа томонидан деярли аниқ тасвирлаб, шаҳарнинг тўрт чекка нуқтаси қуйидагича кўрсатилган: шарқда – шайх Шибли ариғи ёнидаги Хитой дарвозаси, ғарбда – Қўкча дарвозаси, шимолда – Чиғатой дарвозаси, жанубда – Қанғли дарвозаси. Кўрсатилган дарвозалар орасидаги масофани Муҳаммад Солиххўжанинг ўзи кадамлаб ўлчаб чиқиб, шаҳарнинг шарқий дарвозасидан ғарбий дарвозасигача 8500 кадам, шимолдан жанубга эса 8100 кадам эканлигини ҳисоблаган<sup>5</sup>. Асар тадқиқотчиларидан А. Ўринбоев ва О. Бўриев

<sup>3</sup> Муҳаммад Солиххўжа Тошкандий. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎЗР ФА ШИ қўлёмаси, № 7791. 1040 варак.

<sup>4</sup> Хорошкин А. П. Очерки Ташкента // Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. СПб., 1876. С. 78-1842; М а с в Н. А. Азиатский Ташкент // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. IV. СПб., 1876; Г е й н с А. К. Управления Ташкента при Кокандском владычестве // Собрание литературных трудов. В 3 т. СПб., 1897-1899. Т. 2. С. 413-535; М а л л и ц к и й Н. Г. Несколько слов из истории Ташкента за последнее столетие // Туркестанские ведомости. 1898. № 88; 1898. № 90; 1898. № 91; Ўша муаллиф. Из истории Ташкента под Кокандским владычеством // ПТКЛА. Год 5-й, 1900. С. 126-137; Д о б р о с м ы с л о в А. Н. Ташкент. Исторический очерк // Туркестанские ведомости. 1909. № 214; О з а д а е в Ф. Тошкент тарихидан очерклар (XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихи). Тошкент: Фан, 1960; С о к о л о в Ю. Ташкент, ташкентцы и Россия. Ташкент: Узбекистан, 1965 и др.

<sup>5</sup> Тарихи жадидаи Тошканд. 8776-варак.

ҳисоб-китобларига кўра, Муҳаммад Солиххўжа маълумотларига асосан Тошкент шаҳри деворининг айлана узунлиги тахминан 18,2 км га тенг бўлган<sup>6</sup>. Шаҳар деворининг ташқариси эса тошкентликларнинг чорбоғлари ва дехқончилик ерлари бўлган.

Вилоят сифатида эса Тошкент анчагина катта ҳудудни қамраб олган ва унинг таркибига бир қанча шаҳарлар, қишлоқлар ва мавзелар кирган. Муҳаммад Солиххўжа Тошкент вилояти ҳудудини Сайхун дарёси бошланишидан охиригача деб тахминан кўрсатади. Бошқа бир жойда муаллиф вилоятнинг шаркий сарҳадини Қурама тоғлари билан белгилаб, Тошкент мулки таркибига Сирдарёдан (шимолга) насронийлар еригача, то Хитой ва Чинга қарашли Ғулжагача бўлган ерлар кирганлигини таъкидлайди<sup>7</sup>. Абу Убайдуллоҳ эса Тошкент чегараларини шарқда Кўксув, Қоратол ва Қафолгача, ғарбда Қоратепа, Чимкентдан то Раҳим қалъасигача 4 ойлик йўл, жанубдан Тошкентдан 2 ой йўл билан белгилайди<sup>8</sup>.

Лекин Қурама, Овлик, Керовчи, Бўка каби катта-кичик бекликлар хонликнинг алоҳида маъмурий бирликлари бўлиб, махсус тайинланган ҳокимлар томонидан бошқарилган<sup>9</sup>. Жумладан, маълум бир вақтларда Ўтаббой қўшбеги Керовчи, Азизбек парвоначи, Нормуҳаммад қўшбеги Қурама ҳокими лавозимида бўлган. Улар ҳарбий юришлар давридагина Тошкент ҳокими ихтиёридаги «Тошкент кўшини»ни ташиқил этган.

**Тошкент аҳолиси.** Муҳаммад Солиххўжа ва Абу Убайдуллоҳ гарчи, Тошкент шаҳри ёки вилоятининг аҳолиси сони тўғрисида аниқрок маълумот бермаса-да, уларнинг асарларидан XIX асрдаги Тошкент аҳолиси ва унинг ижтимоий таркибини тасаввур қилиш мумкин бўлади. Жумладан, Муҳаммад Солиххўжа шайхонтахурликларнинг кўринишини бугдойранг, қошлари чиройли, кўзлари қора, баланд ва ўрта бўйли, ҳимматли, меҳмондўст ва зукколигини алоҳида таъкидлаб ўтган ҳамда тошкентликларни умумий номда кўп бор «асл амокин тошкентликлар» деб тилга олади ва уларни келиб чиқиши ва жамиятдаги мавқеига кўра турли истилоҳларда ажратиб кўрсатади. Хусусан, тўралар (تورہا), акбирлар (اکابران), ашрафлар (اشرفان) ва аъёнлар (اعيان), савдогарлар (سوداگران), ҳунармандлар (حٰنرمندان), раия (رعیه) фуқаро (فقار) каби.

<sup>6</sup> Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида. Тошкент: Фан, 1983. 17-бет.

<sup>7</sup> Тарихи жадидаи Тошканд. 447а, 466б-467а-варақлар.

<sup>8</sup> Хулосат ул-ахвол. 76б-варақ.

<sup>9</sup> Holdsworth M. Turkestan in the Nineteenth Century. A brief History of the Khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. London. 1959. P. 9.



Мазкур асарлардаги Тошкент шаҳар аҳолиси билан боғлиқ маълумотларни ўрганиш жараёнида аҳолининг ижтимоий келиб чиқишига кўра асосан қуйидаги қатламлар ташкил этганлигини кўриш мумкин:

хукмрон табақа: ҳоким ва унинг атрофидаги амалдорлар;

юкори табақа: хўжалар, тўралар, йирик савдогарлар;

ўрта табақа: майда савдогарлар, дўкандорлар, хунармандлар, диндор-рухонийлар (масжид имомлари, муллалар, эшонлар ва тариқат аҳли), илм кишилари (мударрислар ва талабалар);

қуйи табақа: камбағал шаҳарликлар, қашшоқлар, куллар;

шаҳар атрофидаги ярим кўчманчи аҳоли: кабоилийа ва элатийа.

**Тошкент ҳокимлари.** «Тарихи жадидаи Тошканд» ва «Хулосат ул-аҳвол» асарларидаги Тошкентнинг ижтимоий-сиёсий тарихига доир маълумотларнинг катта қисми Тошкент ҳокимлари тўғрисидадир. Бошқача қилиб айтганда, икки муаллиф ўзи яшаган давр тарихига катта эътибор берган. Уларда XIX аср давомида Тошкентни бошқарган ҳокимлар ҳақида асарнинг бир жойида эмас, балки турли қисмида, ҳар хил воқеалар тафсилотларида маълумот топиш мумкин<sup>10</sup>. Иккала асарда тилга олинган ҳокимлар рўйхати қуйидагича:

«Тарихи жадидаи Тошканд»  
асарида

«Хулосат ул-аҳвол» асарида

- |                                 |                                 |
|---------------------------------|---------------------------------|
| 1. ?                            | 1. ?                            |
| 2. Салимсоқтўра Тошкандий       | 2. Лашкар бегларбеги            |
| 3. Лашкар бегларбеги            | 3. Каримкули меҳтар             |
| 4. Султон Маҳмудхон ибн Умархон | 4. Исобек                       |
| 5. Муҳаммад Шариф оталик        | 5. Лашкар бегларбеги            |
| 6. Маллахон                     | 6. Муҳаммад Шариф оталик        |
| 7. Салимсоқхон                  | 7. Салимсоқхон                  |
| 8. Мулло Холбек                 | 8. Муҳаммад Карим калла         |
| 9. Салимсоқхон (мустикал)       | 9. Мулло Холбек                 |
| 10. Мулло Холбек, иккинчи марта | 10. Салимсоқхон (мустикал)      |
|                                 | 11. Мулло Холбек, иккинчи марта |
|                                 | 12. Азиз парвоначи (Чустий)     |

<sup>10</sup> Тошкент ҳокимлари ҳақида Т. Бейсембиев «Тарихи Шохрухий» асари асосида 1787-1864 йилларда Тошкентдаги 18 та шаҳар ҳокимлари рўйхатини келтирган. У ўзининг кейинги йиллардаги мақоласида Кўкон манбалари асосида Тошкентнинг қирққа яқин ҳокимлари ва уларнинг номидан вақтинча иш кўрган вакиллари тартибини тузган. *Қаранг:* Бейсембиев Т. Тарихи Шахрухи как исторический источник: Дис. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1983. Приложение № 5. С. 273.

- |                               |                                |
|-------------------------------|--------------------------------|
| 11. Азиз парвоначи (Аштий)    | 13. Нормухаммад кўшбеги        |
| 12. Нормухаммад кўшбеги       | 14. Мухаммадниёз понсадбоши    |
| 13. Ниёзмухаммад понсад       | 15. Маллабек                   |
| Турсунмухаммад ўғли           | 16. Мирзо Аҳмад кўшбеги        |
| 14. Маллахон                  | 17. Шодмонхўжа                 |
| 15. Шодмонхўжа кўшбеги        | 18. Сўфибек Даврон ўғли        |
| 16. Нормухаммад кўшбеги, ик-  | 19. Мирзо Аҳмад кўшбеги        |
| кинчи марта                   | 20. Султон Муродбек            |
| 17. Сўфибек Давронбек ўғли    | 21. Ўтаббой кўшбеги            |
| 18. Мирзо Аҳмад кўшбеги       | 22. Мухаммадмусо парвоначи     |
| 19. Юнусжон мунший (вактинча) | 23. Рустамбек Қозокбойбий ўғли |
| 20. Мирзо Аҳмад кўшбеги       | 24. Қаноат оталик              |
| 21. Қаноат оталик             | 25. Султон Муродбек            |
| 22. Кўш фармончи кипчок       | 26. Нормухаммад кўшбеги,       |
|                               | иккинчи марта                  |
|                               | 27. Мирзо Аҳмад кўшбеги,       |
|                               | иккинчи марта                  |
|                               | 28. Кўш додхох                 |

Айтиш жоизки, ҳокимлар сони ва ҳокимлик вақти масаласида Мухаммад Солиххўжа ва Абу Убайдуллоҳ ёки бошқа муаллифларнинг маълумотларида ҳам айрим ноаниқликлар учрайди. Хусусан, Олимхон томонидан тайинланган дастлабки ҳоким Сайид Алибек эканлиги қатор манбаларда таъкидланган бўлса-да<sup>11</sup>, унинг номи «Тарихи жадидаи Тошканд» ва «Хулосат ул-аҳвол» асарларида тилга олинмаган. Лекин Тошкент ҳокими Салимсоқтўра Тошкандийнинг Сайрам ва Туркистонга юриши, Салимсоқхон ибн Шералихоннинг 1846-1847 йиллардаги мустақил ҳокимлиги, тарихчи Юнусжон муншийнинг Россия истилоси арафасидаги вақтинча ҳокимлиги «Тарихи жадидаи Тошканд» асари-дан бошқа манбаларда қайд этилмаган.

«Тарихи жадидаи Тошканд» муаллифининг ёзишича, дастлаб Олимхонга қарши бўлган тошкентлик Салимсоқтўра Хонбоботўра ўғли кейинроқ унинг хизматига ўтган. 1223-1224 / 1808-1809 йилларда Сайрам ва Туркистонни эгаллаб, Олимхон ҳузурига тортиқ билан келганда Олимхон уни Тошкент вилояти ноиби этиб тайинлаган<sup>12</sup>. Лекин Олимхонга қарши фитна уюштирилиб, Умархон тахтга кўтарилгач, Олимхон

<sup>11</sup> Ҳ а к и м х о н т ў р а . Мунтахаб ут-таворих. ЎЗР ФА ШИ кўлёзмаси, № 594. 386-варак; Аваз Мухаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамои. ЎЗР ФА ШИ кўлёзмаси, № 9455. 496-варак ва бошқ.

<sup>12</sup> Тарихи жадидаи Тошканд. 392а-варак.

фитнада Салимсоқтўранинг ҳам қўли борлигини билиб, Эски Жўва бозорида бир неча тарафдорлари билан жазоланган.

Тилга олинган асарларда Тошкент ҳокимлари орасида Лашкар бегларбеги тўғрисида маълумотлар анчагина<sup>13</sup>. «Мунтахаб ут-таворих» асарида 1842 йилда Муҳаммад Алихон томонидан Лашкар бегларбеги, Маҳмуд дастурхончи, хоннинг ўғли Муҳаммад Аминбеклар билан амир Насрулло ҳузурига иккинчи бор элчи килиб юборилганда амир буйруғи билан қатл этилганини таъкидлайди. Лекин Муҳаммад Солиххўжа Лашкар бегларбегини 1845 воқеаларида Салимсоқхон билан Чордарага кетганлигини ва 1847 йилги Тошкент мудофаасида ва Салимсоқхоннинг Ўратепага юришида қатнашганини тилга олади<sup>14</sup>. Муҳаммад Солиххўжа ҳамда Лашкар бегларбеги даврида закотхонада мирзо бўлиб ишлаган Абу Убайдуллохнинг сўзларига қараганда, Лашкар бегларбеги вилоятни одиллик ва донолик билан идора қилган.

Қўкон хонлари томонидан тайинланган ҳокимлар Тошкентдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишларига ҳам катта эътибор берганлар. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Юнусхўжа даврида таъмирланган шаҳар девори ва дарвозаларида Тошкент – Қўкон ўртасидаги тинимсиз урушлар даврида зарар кўргани сабабли шаҳар ҳокими Лашкар бегларбеги даврида катта таъмирлаш ишлари олиб борилган. Асардан маълум бўлишича, Лашкар бегларбеги Муҳаммад Алихон буйруғи билан Тошкент деворларини таъмирлаб, ҳоким ўрдаси атрофида хандақ қаздирган (руслар истилоси даврига келиб хандакнинг суви қуриб қолган). Бу даврда шаҳар деворининг таъмирланган шарқий қисми Қатаған (Қўймас) дарвозасидан Тахтапул дарвозасига бўлган ерлар шаҳарга қўшиб олинган ва бу жойлар Янгишаҳар номини олган<sup>15</sup>. Муҳаммад Солиххўжа тилга олган Янгишаҳар Тошкент маҳаллаларидан бири бўлиб, уни шаҳарнинг 1865 йилдан кейин руслар ўзлаштирган Янгишаҳар қисмига адаштирмаслик керак.

В Мерве на городище Гяур-кала обнаружено общественное сооружение храмового характера с мощными стенами с вмурованными в них небольшими комнатами, где центральный зал обведен длинными помещениями с трех сторон. Автор раскопок М. И. Филанович отмечает, что южная часть Гяур-калы, где зафиксированы остатки храма, интенсивно обживалась в I-II вв. н. э., но здание храмового характера появляется здесь в начале III в. н. э.<sup>17</sup>

В Бактрии на городище Дильберджин площадью 383×393 м был исследован храм с тремя строительными периодами. Конструкция храма первого, самого древнего периода наиболее отчетливо представляет тип «зала с обводным кулуаром», хотя и в последующих периодах он не меняет конструкцию, но частично перестраивается, сохраняя при этом исходный тип. Так, большие размеры храма говорят о его монументальности, где площадь центрального помещения равна 10,9×10,8 м<sup>2</sup>, площадь здания – 25,5×21,75 м<sup>2</sup>. Последний период функционирования хра-

<sup>15</sup> Абдулгазиева Б. Стратиграфические исследования памятников шурабашатской культуры // Фергана в древности и средневековье. Самарканд, 1994. С. 27-28.

<sup>16</sup> Пилипко В. Н., Кошелев Г. А. Северная Парфия // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. М.: Наука. М., 1985. С. 219.

<sup>17</sup> Филанович М. И. Гяур-кала // Труды ЮТАКЭ. Ашхабад: Ёлым, 1974. Т. 15. С. 94, 97.



ма изучен лучше, в это время в центре помещения (центрального зала) имеется алтарь прямоугольной формы размером 2,5×3,75 м, высотой 1,75 м, сооруженный из сырцовых кирпичей и каменных блоков. Время сооружения храма датируется И. Т. Кругликовой греко-бактрийским периодом на основе сравнительного анализа керамических комплексов<sup>18</sup>.

В Согде на городище Кургантепа был изучен храм огня с тремя хронологическими периодами, возведенный на уступчатой платформе и с почти квадратным зданием площадью 12×11,5 м<sup>2</sup>, с центральным залом (4×4 м) и коридором метрового пролета, огибавшим зал с трех сторон. В центре зала имелись остатки глинобитного бортика алтаря, охватывавшего 40×40 см. Во втором строительном периоде устанавливается круглый алтарь. Сопоставление керамики позволяет Г. А. Пугаченковой датировать время сооружения храма I-II вв. н. э.<sup>19</sup>

Кроме того, известно еще несколько храмовых сооружений, в типологическом отношении соответствующих первому типу – святилища А и В храмового комплекса Сурх-Котала, храм на Дальверзине, храмовый комплекс Кызылкрыя 1; такую же планировку имеет и недавно открытый храм огня в Пайкенде и т. д.<sup>20</sup>

Как утверждает Р. Х. Сулейманов, храмовые сооружения Средней Азии, аналогичные храму Кызлартепа, входят в большую группу «...морфологически взаимосвязанных типов храмов, характерных для больших урбанизированных центров Средней Азии, в которых осуществлялись ритуалы культа огня...»<sup>21</sup>.

Традиции сооружения подобных храмовых комплексов в описываемый период являются для Ферганы новыми. Архитектурные параллели больше тяготеют к юго-западным районам Средней Азии. Видимо, уже с III-II вв. до н. э. (по датировке второго периода Султанабада I) в Фергане чувствуется влияние западных культур, проявившееся на широком распространении здесь красноангобириванной керамики, пришедшей на смену светлофонной эйлатанской, а также на появлении монументальных храмовых сооружений огнепоклонников типа «зал в обводе кулауров», воздвигнутых изолированно на высоком ступенчатом стилобате.

Отметим, что существование такого типа монументального храмового сооружения в зоне с непрерывным распространением культурных слоев на территории площадью в 20-25 га (Машгад), содержащих археологический материал данного периода, свидетельствует об урбанизиро-

<sup>18</sup> Кругликова И. Т. Дильберджин. Ч. 1. М.: Наука, 1974. С. 16-17.

<sup>19</sup> Пугаченкова Г. А. Древности Мианкаля. Ташкент: Фан, 1989. С. 92-94.

<sup>20</sup> Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб. С. 248-249.

<sup>21</sup> Там же.

ванном характере данного поселения. Возможно, уже к началу периода Кызлартепа 2 (первые века нашей эры), здесь, на территории западной части г. Маргилана формируется поселение немалых размеров, видимо, являющееся центром Южной Ферганы.

Источником по верованиям населения Южной Ферганы в эпоху античности является красноангобированная керамика с процарапанным орнаментом. Такая керамика найдена повсеместно в Фергане на поселениях и могильниках эпохи древности. Процарапывались обычно красноангобированные горшки.

Исходя из того, что посуда с процарапанным орнаментом часто присутствует в погребениях, относительно большое количество ее найдено при раскопках храмового сооружения Кызлартепа, а также тщательная отделка сосудов с таким декором, необычность и малая встречаемость на обычных поселениях, на наш взгляд, свидетельствуют, скорее всего, о «ритульно-оберегательном» характере назначения орнаментированных сосудов, т. е. можно считать, что посуда имела в какой-то мере культовый характер.

Изучение семантики процарапанного орнамента пополняет наши знания о религиозных и вообще других космогонических представлениях древних ферганцев, об их духовной культуре, так как изображение, запечатленное на поверхности какого-либо предмета в архаические периоды, само по себе является информацией, т. е. идеограммой, отображением мысленного представления чего-либо или какого-либо явления.

При изучении сюжетов процарапанного орнамента на керамике, полученных в ходе археологических раскопок в Фергане, нами выделено из них более 10 типов. Особо излюбленными мотивами считаются изображения гор (зигзагообразные линии, иногда с зеркальным отражением), рек (извилистые линии, спускающиеся с «гор»), растений («лоза винограда», «трава в горной местности» – пастбище?), дождя («дождь, идущий сверху от небесных волн вниз к горам», «небесная влага»), реже встречаются изображения солнца («лучи, отходящие от кружочка в виде глаза»), животных («лошадь») и т. д.

Возьмем к примеру сюжет 1-го типа – ряд остроугольных «пиков», нарисованных вершиной вверх и соединенных между собой у основания, процарапанных по кругу в верхней части сосуда<sup>22</sup>. Узор внешне напоминает изображение вершин далеких гор. Действительно, в Ферганской долине, имеющей в поперечнике всего 150 км и окруженной

<sup>22</sup> Максудов Ф. Некоторые вопросы процарапанного орнамента на керамике Маргилана // ИМКУ. 1997. № 28. С. 57.

со всех сторон высокими горами Тянь-Шаня и Памиро-Алая со средней высотой 3000-5000 м, в ясную погоду можно отчетливо видеть зигзагообразный горизонт вершин гор как Южной, так и Северной Ферганы. Здесь уместно вспомнить, что название гор Тянь-Шань на китайском языке означает «небесные горы», которое, вероятно, было перенято у древнетюркских племен, называвших эти горы на своем языке «Тенгри Таг». Гора в мифологии центральноазиатских народов воспринимается как модель вселенной, образ мира, в котором отражены основные элементы и параметры космоса<sup>23</sup>.

В поисках аналогий к данному типу орнаментации обратимся к керамическим комплексам Паянкурмана (Сурхандарьинская обл.). В кушанской керамике Паянкурмана можно встретить прочерченный по сырой заготовке узор в виде зигзагообразных, волнистых и косых линий. По мнению К. Абдуллаева, даже самый упрощенный вариант этого орнамента несет определенную смысловую нагрузку<sup>24</sup>.

Так, культ гор издавна был известен народам Центральной Азии. По нашим этнографическим наблюдениям стало известно, что узбеки адырной и предгорной зоны Юго-Восточной Ферганы в районе Мархамата одну из высоких горных вершин считают священной и называют «Улуг Таг», что в переводе с узбекского языка означает «Великая Гора». В центре г. Ош – одного из древнейших городов Ферганы, находится гора, именуемая «Сулейман-Таг», и местное население связывает его с пророком Соломоном. В этой же зоне в районе Аравана скалы с изображениями знаменитых лошадей особо почитаются и до недавнего времени здесь происходили жертвоприношения.

Таких примеров можно привести очень много и все они свидетельствуют о том, что в доисламский период горы в Фергане считались священными и почитались. Не исключено, что горы были культом поклонения древних ферганцев также и потому, что земледельческо-скотоводческое население, орошающее земли водой рек и саев, берущих начало в высоких горах, и пасущее скот в горных пастбищах (яйлау), в повседневной жизни непосредственно было связано с горами, окружавшими Ферганскую долину. Таким образом, связь данного сюжета с идеограммой гор не вызывает сомнений.

На многих экземплярах пространство между вершинами углов заполнено диагональными параллельными линиями, штриховкой и «вол-

<sup>23</sup> Потапов Л. П. Культ гор на Алтае // СЭ. 1946. № 2. С. 144, 145, 158.

<sup>24</sup> Абдуллаев К. К вопросу о семантике орнаментальных мотивов Кушанской керамики // Средняя Азия. Археология, история, культура. Материалы международной конференции. М., 2000. С. 118.

нами, ограниченными рамками»<sup>25</sup>. Сюжет очень сильно напоминает стилизованное изображение дождя. Дождь или «небесная влага», падающая сверху, также были широко известны среди населения древней Центральной Азии. Напомним, что по этнографическим данным известен такой доисламский элемент, как вызывание дождя и вера в особого духа дождя у узбеков. Обилие атмосферных осадков являлось необходимым условием высокой урожайности и богатых горных пастбищ. Отдаленными аналогиями могут служить мотивы дождя на расписной керамике трипольской культуры<sup>26</sup>.

Сюжеты, напоминающие лозу винограда, спиралевидные завитки и т. д., видимо, связаны с культом растительности. Некоторые фрагменты имеют изображение не целого мотива, а его части. Здесь, видимо, мы имеем дело с общеизвестным явлением передачи идеограмм – «часть вместо целого».

Известно, что жители Давани уже во втором веке до нашей эры были знакомы с культурами винограда и люцерны. Последняя, именуемая «травой му-су», была важным кормом для «даваньских потоковых» лошадей. По словам китайского посла Чжан Цзяна, посетившего Фергану во II в. до н. э., китайцы ознакомились с культурами винограда и люцерны через Фергану<sup>27</sup>.

Среди сюжетов процарапанного орнамента также известно много фрагментов геометрических изображений, в частности, ромбиков и треугольников. Ромб – есть пиктограмма культа плодородия, т. е. ромб или треугольник, нарисованный вершиной вниз, означал символ материнства и плодородия, известного в Центральной Азии с эпохи энеолита, и, возможно, у населения Ферганы культ плодородия ассоциировался с изображением ромба<sup>28</sup>.

Имеются также несколько фрагментов со стилизованными изображениями солнца – круга с радиально отходящими линиями. Если исходить из того, что посуда с процарапанным орнаментом имела в определенной мере культовый характер, то, видимо, здесь мы сталкиваемся с солярным культом, возможно, поклонением космосу.

Анализ сюжетов процарапанного орнамента говорит о том, что такой орнамент, видимо, имел отношение как к полиспиритуалистическим

<sup>25</sup> Максудов Ф. Указ. соч. С. 57.

<sup>26</sup> Рыбаков Б. А. Космогония и мифология земледельцев энеолита // СА. 1965. № 1. С. 39-40.

<sup>27</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений... С. 161.

<sup>28</sup> Массон В. М., Мерперт Н. Я., Мунчаев Р. М., Черныш Е. К. Энеолит Средней Азии // Энеолит СССР. М.: Наука, 1982. С. 60.



мировоззрениям (поклонение различным духам природы, плодородия и т. д.) (изображения гор, рек, дождя и т. д.), так и к особым повериям, связанным с поклонением особому божеству (изображения солнца).

Сравнительный анализ древней керамической посуды, найденной на территории г. Маргилана, показал, что она имеет изящную форму, тонкость стенок и звонкость черепка, плотное покрытие ангобом, лощение до металлического блеска – иными словами, лучшую отделку и отличное качество продукции по сравнению с керамикой других памятников Южной Ферганы (Керкидонские поселения, Сымтепа-2, Сымтепа-3 и т. д.).

Серийность керамической посуды из Маргилана, а также ее высокое качество, думается, являются результатом продукции не просто сельского поселения, а, скорее всего, урбанизированного центра с развитым ремеслом, отделившимся от других видов труда. Керамическая посуда с такими признаками, очевидно, шла на большой рынок, на котором специализировались гончары Маргилана, и, естественно, такую продукцию обычное сельское поселение выпускать не могло. По Фергане, керамическая продукция Маргилана оказалась очень близкой к продукции Эски Ахси – городища на севере долины. В результате стратиграфических исследований, проведенных нами на этом городище с целью фиксации древнейших культурных слоев, получена многочисленная коллекция керамических изделий первых веков нашей эры, которая по технико-технологическим признакам идентична посуде из Маргилана.

Маргилансайский оазис на юге, как и Касансайский на севере Ферганы, располагается в центральной части долины, и поэтому в материальной культуре центрального района прослеживается сходство и существование единого гончарного центра, что отмечено исследователями<sup>29</sup>.

Видимо, Касансайский оазис (с городищем Эски Ахси как центр) и Маргилансайский оазис в древности имели близкие торгово-экономические контакты, и, возможно, составляли один определенный историко-культурный район. В южной половине этого района, по крайней мере, с рубежа нашей эры, была развита городская культура с центром в городище Машг'ад (древний Маргилан).

Духовная культура древних земледельцев Южной Ферганы также являлась немаловажным фактором развития материальной культуры. Появление монументального сооружения – храма огнепоклонников – обязано верованиям древних ферганцев, а именно огнепоклонничеству. Особенности орнаментации и декора сосудов с красным ангобом также связаны с космогоническими представлениями древних земледельцев Ферганы.

<sup>29</sup> Горбунова Н. Г. О локальных особенностях в культуре древней Ферганы // СА. 1970. С. 77-86.

В раннем средневековье Маргилан территориально не расширяется, но при этом развиваются все виды ремесел. Мирная жизнь маргиланцев в начале VIII в. нарушена арабским нашествием; захваченные арабами города и селения были разграблены.

Маргилан при Саманидах (IX-X вв.) не был большим городом. Через него проходил только один торговый путь, который шел по южной Фергане. В письменных источниках (X в.) он впервые упоминается как Маргинан и считается небольшим городом<sup>30</sup>.

В XI в. положение дел меняется. Маргилан становится одним из крупнейших городов Ферганы и имеет свой монетный двор. Его процветанию способствовало то, что он был столицей удельного княжества Караханидского государства<sup>31</sup> и находился на перекрестке Великого шелкового пути, идущего с Запада на Восток, который после Ходжента разветвляется на две дороги: северную и южную. Южный путь после Канибадама шел в горнорудный район Сох и далее, через Хайдаркан в Охна, Кадамжой и, наконец, приходит в Маргилан. Северный путь после города Ахсикент (Ахсикет) снова делился на два: один шел через «Миян рудан» («икки сув ораси») в Узгенд, второй направлялся в Маргилан<sup>32</sup>.

В этот период город территориально растет за счет рабада. Интенсивно развиваются все виды ремесел, маргиланские торговцы активно участвуют в международной торговле. В результате всесторонне развивается социально-экономическая и общественная жизнь в городе, превращая его в XI-XII вв. в один из известных городов Средней Азии.

*А. Анорбоев, Ф. Мақсудов*

### **Жанубий Фарғонада қадимги дехқончилик ва Марғилон шахрининг ташкил топиши**

Мақолада Жанубий Фарғонада, хусусан, Марғилонсой воҳасида илк дехқончилик маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ма-

<sup>30</sup> Бетгер Е. К. Извлечение из книги «Пути и страны Абу-л-Касыма ибн Хаукаля» // Труды Среднеазиатского государственного университета. Археология Средней Азии. Вып. IV. Ташкент, 1957. С. 26.

<sup>31</sup> Кочнев Б. Д. Нумизматическая история Караханидского каганата (991-1209). М., 2006. С. 199, 235.

<sup>32</sup> Анорбоев А. А. Қадимги ва ўрта асрларда Ахсикент // Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. Тошкент: Фан, 2001. 21-бет.

салалари кўриб чиқилади. Марғилон шаҳри ҳудудида ва унинг атрофида шаҳарлашган марказларнинг ташкил топиши ва ривожланишига алоҳида эътибор берилади. Бу борада илк деҳқонларнинг моддий ва маънавий маданияти ҳам тавсифланади. Археологик тадқиқотлар натижасида энг қадимги даврлардан ўрта асрларгача шаҳарлашувнинг тарихий жараёни аниқланади. Бу ҳудудда илк деҳқончилик милоддан аввалги иккинчи минг йилликнинг ўртасига тўғри келиши аниқланади. Деҳқончилик маданиятининг динамик ривожланиши милоддан аввалги биринчи минг йилликда Симтепа каби шаҳарлашган марказларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай марказларнинг асосида милоднинг бошларида хунармандчилиги ва илоҳий архитектураси ривож топган Марғилон шаҳри вужудга келади. XI-XII асрларда Марғилон Фарғона водийсининг йирик сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий марказига айланади.

*A. Anarbaev, F. Maksudov*

### **Ancient agriculture in the Ferghana valley and establishment of the city of Margilan**

In the article the issues of the origin and stages of development of the early irrigational culture in Southern Ferghana, particularly, in the Margilan-say Oasis are discussed. Special attention is paid to the establishment and development of urban settlements on the territory of Margilan and its suburbs. The material and spiritual culture of early farmers are also described. As a result of archaeological investigations the historical process of urban development from the earliest times to the Medieval Period is revealed. It is stated that the earliest irrigational agriculture in the region began in the middle of the 2<sup>nd</sup> millennium B.C. Dynamic development of farming culture has led to establishment of urban centres like Symtepe in the middle of the 1<sup>st</sup> millennium B.C. On the basis of such centres at the beginning of the current era the city of Margilan with the developed craftwork and cult architecture was established. In the XI-XII centuries A.D. Margilan becomes the large political, socioeconomic and cultural centre of the Fergana Valley.

*А. Муҳаммаджонов*

## МАРҒИЛОН-МАРҒИНОН НОМИНИНГ МАЪНОСИ ҲАҚИДА

Марғилон аввало, ўз шойи атласи билан ўтмишда донг чиқарган Фарғона водийси шаҳрининг номи. Қолаверса, ўрта асрларда ислом ҳуқуқшунослиги фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган Бурҳониддин Марғиновичнинг ватани.

Фарғона водийсининг бир қатор тарихий номлари орасида Марғилон атамаси ҳам фанда на лингвистик, на топонимик ва на тарихий жихатдан махсус тадқиқ этилмаган. Шу боис, тарихий асарларда бу борада нақлий ҳикоялардан иборат маълумотларгина қайд этилади.

Ўзбек маърифатпарвари ва муаррихи Исоҳқон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибратнинг «Фарғона тарихи» китобида «Ажойибул булдон» да, яъни («Ажойиб шаҳарлар») номли асарда келтирилган бир ҳикоя тўғрисида сўз юритиб, Марғинон атамасининг пайдо бўлиши тарихини қуйидагича изоҳлайди: Искандар «ақсойи» (узоқ) Шаркка борганда Фарғона ерида «...деҳқони бодиянишин (даштликлар) уни «пешкаш»(тортик) учун нону туз ўрнига бисотларидаги товукларни пишириб, ...Искандарни қарши олган эканлар. Искандар бу қандай тортуқ?, деб сўраган экан, улар «мурғу нон», яъни товугу нон деб жавоб берган эканлар. Шу боис, товук билан нон тортилган ўша жой Марғинон шаҳри исми бўлиб қолган экан»<sup>1</sup>. Кейинчалик шаҳар авлодлар талаффузида Марғилон шаклида юритилиб кетган.

Бундай маълумотлар шубҳасиз нақлий ҳикоя бўлса-да, бироқ, унда қайд этилган «деҳқон», «бодиянишин», «нон» ва «мурғ» каби ибораларда рамзий тарзда бўлса-да, Фарғона водийси, хусусан, Марғилон сой воҳасининг табиати, аҳолисининг тили, ижтимоияти ва ҳўжалик ҳаётининг умумий манзарасини инъикоси, яъни акс садоси ўз ифодасини топган.

«Марғинон» шаклида атама дастлаб X асрда яшаган араб географи Мукаддасийнинг «Ахсон ут тақосим фи маърифат ил-ақолим» («Мамлакатларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма» асарида тилга олинади)<sup>2</sup>.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича, Марғинон Андижон шаҳрининг ғарбида етти ёғоч (84 км) узоқликда жойлашган. «Қасабаси

<sup>1</sup> Исоҳқон Жунайдуллаҳўжа ўғли И б р а т . Фарғона тарихи. Тошкент, 1991. 279-бет.

<sup>2</sup> Мукаддасий. Ахсон ут тақосим фи маърифат ил-ақолим. BGA. III., 262, 272-бетлар.



яхши, «пурнеъмат»: анори ва ўриги асру (бенихоя) кўп хуб бўлур... Ови куши яхшидур, оқ кийик ёвукда (якин) бўлур. Эли сарттур (шаҳарлик), деб таърифлайди»<sup>3</sup>.

Айрим тадқиқотчилар бу тарихий шаҳарни «Марғинот» шаклида қайд этадилар. Топонимист С. Қораевнинг фикрича, атаманинг Марғилон шакли ўзбеклар талаффузи натижасида кейинчалик вужудга келган<sup>4</sup>.

Ёзма манбаларда Марғилон атамаси қандай шаклларда қайд этилган бўлмасин тилшунослик жиҳатидан у икки бўғиндан иборат номдир. Унинг биринчи бўғини аксарият «Марғ» атаманинг айрим бузилган шаклларда «Мурғ» ва «Мардж» талаффузида ҳам қайд этилади. Ҳар икки бу лексемалар унинг субстрати – асоси ҳисобланади. Атаманинг иккинчи бўғини «он», «лон» шакллардаги ном ясовчи морфемалар, яъни суффикслар бўлиб, кўпинча «об», «руд», «род» каби айрим иборалар билан алмашади. Бундай шаклларда атаманинг талаффузи ва маъноси тубдан ўзгаради. Атаманинг аслий «Марғ» шаклига урғу берилиб, у «Марғи», «Мағгий» шунингдек, «Марғзор» шаклларда ҳам келтирилади.

Навоий асарлари лугатида «Марғ» сўзи «ўт», «ўсимлик», яъни кўкат, алаф, ўт-ўлан маъносида изоҳланади. «Марғзор» эса ўтлок, ҳайвонлар ўтлайдиган жой, яъни кўкатзор, яйлок, ўтлов ва кўкаламзор деб талқин этилган. Сўғдий тили асосида юзага келган «Марғ» сўзига «он» суффиксининг бирикиши билан мазкур атама кўплик шаклида ифодаланади<sup>5</sup>. Бундай лингвистик ва топонимик таҳлилдан аён бўлишича, Марғилон ва Марғинон шаклларидаги ҳар икки номлар кўкаламзор, ўтлок ёки майсазор, яйлок маъноларини англатган.

Бу қадимий топонимнинг турли шакллардаги синонимик атамалар Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг дарё водийлари, деҳқончилик воҳалари ва тоғ тизмалари этакларида ястанган ҳудудларда ороним, гидроним ва топоним шаклларида айниқса кенг ўрин олган. Улар «Марғ», «Марж» субстратлари асосида юзага келган. Марғоб (Мурғоб), Маржон, Мардон, Марғон, Марғитта, Марғит каби шаклларда қайд этилади. Шу жумладан, Самарқанд яқинида жойлашган қишлоқ ва канал Марғилонтепа, Деновнинг Марғилон қишлоғи, Нуротанинг машҳур булоғи йилғасидан ажралган Марғи Шаркий, Марғиқози, Марғи Мирхон (Миркон) ва Марғи Миргадой (Миркадак) каби оронимларнинг номларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ҳатто, шуни таъкидлаш

<sup>3</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Фан, 1960. 61-бет.

<sup>4</sup> Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? (Топонимик лугат). Тошкент: Ўзбекистон, 1970. 72-бет.

<sup>5</sup> Навоий асарлари лугати, Тошкент, 1972. 366-бет.

ўринлики, Авесто, Эрон, қадимги Юнон ва Рим ёзма манбаларида қайд этилган Катта Хоразм худудида Амударёнинг жанубий томонида жойлашган ўтлоқларга бой машхур Марғиёна ўлкасининг номи ҳам шаклан, ҳам маъно жиҳатдан Марғилон, Марғинон шаҳари номининг қадимги лисоний нусхасидир. Яна шуниси эътиборлики қадимги Марғиёнада пиллачилик ривож топиб, бу ўлкада тут дарахтининг сербаргли Марварид ёки Марвируд, Маржон, яъни Марғигон ҳамда меваси ниҳоятда сувли ва ширин Бедана, яъни Бедона (уруғсиз) каби бир неча навлари яратилиб, уларнинг селекцияси Шарқ мамлакатларига кенг тарқалган.

Фарғона водийси айниқса, кейинги йилларда Шохимардон-Марғилонсой ҳавзасида ўтказилган археолого-палеографик тадқиқотлар Фарғона тарихини ҳар томонлама синчиклаб чуқурроқ ўрганиш учун ғоят муҳим натижалар берди. Воҳанинг юқори ва қуйи қисмларга ажратиблиб ўрганилиши туфайли унинг тадрижий ўзлаштирилиши йўналишлари ҳамда антропоген ландшафтни шаклланиш жараёни маълум даражада ойдинлашди. Рельефи жиҳатдан бири кўкаламзор иккинчиси эса майин тупроқли ҳосилдор текисликларнинг бекиёс табиати, турли-туман ранго-ранг неъматлари жуда қадим замонлардаёқ бу гўшада инсон фарзандини гўйгазиб, кийинтирадиган ва рўзғорини буд қиладиган икки хил ҳаёт тарзи, яъни деҳқончилик ва чорвачилик ҳўжаликларининг юзага келиши ва ривожига имкон берди<sup>6</sup>.

Шубҳасиз, узоқ вақт давом этган бундай ўзгаришлар табиат ҳамда инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди. Ҳатто, воҳанинг бу икки қисмларининг табиий манзараси уларнинг тарихий номларию маъноларида ўз инъикосини муҳрлаб қўйди. Археолого-палеографик ҳамда лингвистик, топонимистик ва тарихий тадқиқотлар буни тўла тасдиқламоқда. Булардан аён бўлишича, Марғинон ёки Марғилон шаклларида талаффуз этилиб келинган номларнинг маъноси бу кўҳна диёрнинг кенг кўкаламзор ўтлоқларини умумий манзарасини англатади. Бу атама ҳам на қишлоқ ва на шаҳар қад кўтармаган узоқ тарихий даврдаги табиий гўшага мардуми Фарғона томонидан берилган машхур табаррук номдир. Аслида, бу қадимий топоним «Марғижон» ёки «Марғикон» шаклда талаффуз этилиб, «Яйлоқсой», яъни кўкаламзордан оқиб ўтадиган сув деган маъноларини англатган.

Марғилонсой воҳасининг қуйи қисми ўзлаштирилиши билан унинг қадимий табиат манзараси секин-аста ўзгара бошлаган. Унда ўтрок

<sup>6</sup> Анарбаев А. А. Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончилиқнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтни ташкил топиши. Ўзбекистон худудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. Тошкент, 2006. 9-16-бетлар.

деҳқончилик пайкаллари, қатор қишлоқлар қад кўтариб, айрим шаҳарлар бино қилинган. Уларнинг харобалари Симтепа, Қизлартепа, Қамиштепа, Қоратепа, Лангартепа, Марғилон Оқтепаси, Мозортепа каби археологик ёдгорликларида сақланиб қолган<sup>7</sup>.

Тадқиқотлардан аён бўлишича, ўзлаштирилиб обод этилган Марғилонсойнинг адир орти қисмининг табиий манзараси ҳам маълум даражада ўзгариб унга зид, лекин у билан уйғунлашган тасвир юзага келган. Шубҳасиз, бу инсон қўли билан барпо этилган тураржой ва иншоотларнинг табиатдаги қадимий кўриниши эди. Айнан одам бунёд этган жамики ихтироларнинг акси уларга берилган номларда ифодаланган. Бу жараён ҳозир Марғилон шаҳри ҳудудида қазилиб ўрганилган Қизлартепа ва Машад маҳалласида археологик ёдгорликларда ўз тасдиғини топди. Бундай қатор моддий маданият асотирлари Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик ёшини белгилаш учун асосий ашёвий ҳужжат сифатида қабул этилди. Шаҳарнинг Машад маҳалласининг номи унинг қадимги асл ифодаси экани аниқланди. Бу урбоним икки бўғинли атама бўлиб, «Машад» шаклида қайд этилган. Авлодлар талаффузида атаманинг биринчи бўғини «ма» бирикмасидан «с» ҳарфи туширилиб иккинчи бўғини эса «катта» ўрнига «шад» деб талаффуз этилган. Аслида мазкур атама «Маскат» шаклида юритилиб, унинг биринчи бўғинидаги «мас» ибораси сўғдий тилда «катта», иккинчи бўғини «кат» эса қишлоқ маъносини англатган. Шунингдек, Наманган вилояти Чуст туманида жойлашган Машат қишлоғи, Самарқанднинг Сиёб анҳорининг ирмоғи Оби Машҳад гидроними ҳамда Эроннинг Машҳад шаҳарининг номи ҳам айнан «Маскат» атамаси асосида шаклланган<sup>8</sup>. Демак, ҳозирги Марғилон шаҳри ўрнида илк бор катта, яъни улкан қишлоқ қад кўтариб, у Маскат номи билан аталган. Бу атама «Катта қишлоқ» шаҳар қиёфасида шаклланганда ҳам ўз архаик номини эъзозлаб сақлаб қолган. Маънавиятимиз учун бу ғоят муҳим қадрият.

Хулоса қилиб айтганда, Марғинон-Марғилон атамалари Марғилонсой воҳасининг қадимги номи «Марғижон», яъни кўкаламзорсой номи асосида шаклланган бўлиб, у «ўтлоқ» демакдир. Бу тарихий қадимги яйлоқда қад кўтарган қишлоқ ҳам, шаҳар ҳам «Маскат» (Машад) деб юритилган. Кейинчалик мазкур маскан воҳанинг бош шаҳарларидан бирига айлангач, ўзининг қадимий номини маҳаллада

<sup>7</sup> Анарбаев А. А., Исманов А. Ж., Максудов Ф. А. Древнеземледельческая культура Южной Ферганы и образование антропогенного ландшафта // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. Тошкент, 2005. 109-бет.

<sup>8</sup> Қороев С. Географик номлар маъноси. Тошкент: Ўзбекистон, 1978, 77-бет; Яна қаранг: Абу Тоҳирхўжа. Самария. Тошкент: Камалак, 1997, 21-бет.

қолдириб, воҳанинг умумий кенг маъноли номи – Марғинон ва Марғилон деб аталган.

*А. Мухаммеджанов*

### **О значении топонима «Маргилан-Маргинан»**

В статье изучается происхождение топонима «Маргилан-Маргинан». Для определения его значения автор опирается на целый корпус исторических источников, а также на результаты археолого-палеографических, лингвистических и топонимических исследований. Установлено, что происхождение топонима связано с ландшафтом данной местности.

*A. Mukhammedjanov*

### **About the toponim «Margilan-Marginan»**

In this paper the origin of toponim «Margilan-Marginan» is studied. The author bases on a number of historical sources and the results of archeological-paleographical, linguistic and toponomic researches for determination the meaning of this toponim. In the conclusion, the author writes that the origin of this toponim connected with the landscape of this place.

*Г. Агзамова*

### **XVIII-XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА КЕЧГАН УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА УНДА МАРҒИЛОННИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

XVIII асрнинг дастлабки ўн йиллигида Бухоро хонлигида қузатилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг чуқур инқирози Фарғона водийсининг бу давлат таркибидан чиқиши ва янги Қўқон хонлигининг ташкил топиши учун асосий замин бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, янги давлат бирлашмасининг вужудга келишида «унинг ҳудудининг ихчамлиги», «турли этник гуруҳларнинг бу ерга омма-



вий кўчиб келиши», Фарғонанинг ўзаро курашлар авж олган Ўрта Осиёнинг марказий шаҳарлари ва қишлоқларидан сиёсий жиҳатдан четдалиги оқибатида кузатилган иқтисодий ўсиш ҳам муҳим роль ўйнади<sup>1</sup>. Юзага келган шароитда ички кучларнинг бирлашуви ва Қўқон хонлигининг вужудга келиш жараёни юз берди (1709). Ҳокимият тепасига келган Минг сулоласи вакиллариининг XVIII-XIX асрларнинг биринчи ярмида олиб борган фаол ички ва ташқи сиёсати туфайли бу давлат ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб борди. Бу жараёнларда хонликнинг Фарғона водийсида жойлашган ҳудуди, аҳолиси, меъморий кўриниши билан бир-биридан фаркланувчи шаҳарлар муҳим роль ўйнади. Муҳаммад Бобур томонидан Андижон, Марғилон, Аҳси, Ўш, Исфара, Хўжанддан иборат етти шаҳар «етти пора қасабаси бор»<sup>2</sup> деб таъриф берилган Фарғонада Қўқон хонлари даврида ҳам урбанизацион жараёнлар жадал кечди, янги шаҳарлар шаклланди. Улар водийнинг қадим шаҳарлари билан биргаликда Қўқон хонлигининг иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалишида муҳим роль ўйнади.

Фарғона шаҳарлари таркибий тузилиши, ташқи кўриниши жиҳатидан Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби умумий хусусиятларга эга эди. Жумладан, улар ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа марказлари каби XVI-XIX асрларнинг биринчи ярмида атрофи сув билан тўлдирилган ҳандақларга эга ташқи ҳимоя деворлари билан ўраб олинган эди. Улар шаҳарлар аҳолисини турли характердаги ташқи хавфдан ҳимоя қилиш, шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни, қолаверса, ундаги тартиб, аҳолини тинч ҳаёти ва соғлом турмуш тарзини бир маромда ушлаб туришда муҳим ўрин тутар эди.

Фарғона водийсида жойлашган қадим шаҳарларнинг кўпчилиги бундай ҳимоя воситаси билан ўралган эди. Шундай шаҳарлардан бири Андижон бўлиб, унинг ҳимоя девори билан ўралганлиги ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам гувоҳлик бериб, шаҳар деворига ўрнатилган «учта дарвоза бор», – деб хабар беради<sup>3</sup>. XVII асрда яшаган муаллиф Шоҳ Маҳмуд ибн Мирза Фозил Чурас ҳам 1660 йили Андижонни мўғул хони Абдуллахон томонидан қамал қилиниши воқеалари баёнида

<sup>1</sup> Бейсембиев Т. «Тарих-и Шаҳрух-и» как исторический источник. Алма-Ата, 1987. С. 10.

<sup>2</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент: Юлдузча, 1990. 28, 94-бетлар; Бартольд В. В. Фергана. Соч. М., 1965. Т. III. С. 535.

<sup>3</sup> Бобурнома. 29-бет.

шаҳар деворларига ўрнатилган Ҳоқон ва Мирза дарвозаларини эслатиб ўтади<sup>4</sup>.

Марғилон шаҳри ҳам Андижон каби девор билан ўралган эди. XIX аср бошларида бу шаҳар ҳақида ёзган ҳиндистонлик Мир Иззат Уланинг шаҳар лой девор билан ўралгани, унинг айрим қисмлари бузилиб кетганлигини қайд этган эди. Марғилон ҳақида ёзган А. Куннинг «шаҳар девор билан ўралган», – деган сўзлари, шаҳар девори XIX асрнинг 70-йилларида ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади<sup>5</sup>.

Фарғона шаҳарлари ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа марказларида қурилган каби ҳудудий жиҳатдан бир неча қисмларга бўлинган бўлиб, уларнинг сони айрим муаллифларнинг кўрсатишича, турли марказларда ҳар хил бўлиши мумкин эди. Масалан, Марғилон тўрт қисмга<sup>6</sup>, Қўқон шаҳри эса шаҳарнинг 12 дарвозасига мувофиқ равишда 12 қисмга, улар эса ўз навбатида маҳаллаларга бўлинган эди<sup>7</sup>.

Водий шаҳарлари Қўқон хонлигининг иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Водийда яшаган аҳоли ҳақида XVII асрда ижод қилган Маҳмуд ибн Вали «Аскардан тортиб раййатгача ҳаммаси жасур ... ва тадбиркордир», – деб ёзган эди<sup>8</sup>. Дарҳақиқат, водийда жойлашган кўпдан-кўп шаҳарлар – Аҳси, Андижон, Марғилон, Наманган, Косон, Ўш қабиларда турли ҳунарларга эга, савдо-сотиқ сирларини яхши эгаллаган аҳоли яшаб, бу марказларнинг иқтисодий равишига муносиб ҳисса қўшганлар.

XVI-XIX асрларнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби Фарғона шаҳарлари турли ҳунармандчилик соҳалари мавжуд бўлган йирик марказлар эди. Уларда турли ҳунар соҳиблари яшаб, ўз меҳнатлари билан бу марказлар иқтисодий ҳаётининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшганлар. Бу ҳунармандлар дид билан, ўзлари яшаётган ҳудуднинг табиати, талаб ва одатларидан келиб чиққан ҳолда ўзларининг тақдорланмас маҳсулотларини яратганлар.

<sup>4</sup> Шах Махмуд ибн Мирза Фазил Чура с. Хроника / Критический текст, перевод, комментарии, исследование и указатели Акимовской О. Ф. М., 1976. С. 219.

<sup>5</sup> Кун А. Некоторые сведения о Ферганской долине // Военный сборник. СПб., 1876. С. 425.

<sup>6</sup> Турсунов Н. О. Развитие городских и сельских поселений Северного Таджикистана в XVIII – начале XX в. Душанбе, 1991. С. 92.

<sup>7</sup> Хорошихин А. П. Очерки Кокана // Сборник статей, касающихся Туркестанского края. СПб., 1876. С. 40.

<sup>8</sup> Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География) / Введ., пер. Ахмедова Б. А. Ташкент, 1977. С. 65.

Бу ерда Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги каби ҳунармандчиликнинг энг ривожланган асосий соҳаларидан бири тўқимачилик эди. Фарғоналик тўқувчилар томонидан яратилган кўпдан-кўп маҳсулот турларига нафақат водий, балки узок ўлкалар, хорижий юртлар, кўчманчи дашт аҳолиси орасида талаб ва эҳтиёж катта эди. Айниқса, бу маҳсулотлар орасида ип газламалар алоҳида ажралиб турган. Аҳолининг турли ижтимоий қатламлари орасида эҳтиёж катта бўлган бу газламалар ичида карбас (бўз) муҳим ўрин тутган. Бу мато тури Фарғона водийсининг бошқа шаҳарлари қаторида Марғилонда ҳам кўплаб ишлаб чиқарилган ва узок, ва яқин ерларга олиб кетилган. Жумладан, Марғилонда ишлаб чиқарилган бўзга хонлик ҳудудида фаолият кўрсатувчи читгарлар орасида талаб катта бўлган. Чит ишлаб чиқаришга ихтисослашган читгарлар ўз маҳсулотларини бир хил рангдаги бўз (карбас) га турли ранглардаги гулларни турли қолиплар орқали босиш йўли билан яратганлар. Қолиплар ёрдамида бўзга гул босиш анча мураккаб иш жараёни бўлиб, у ҳунарманддан катта маҳоратни талаб этган<sup>9</sup>. XIX аср муаллифларининг қайд этишича, Тошкент бўзга гул босишнинг йирик марказларидан бирига айланган. Наманган, Андижон каби Қўқон шаҳарлари билан бир қаторда Марғилон ва Қошғардан Тошкентга жуда катта ҳажмда оқ бўз келтирилиб, читгарларга топширилар эди<sup>10</sup>. Бу маълумотлардан шу нарса аён бўладики, XIX асрнинг биринчи ярмида читга талабнинг ошиши натижасида ярим тайёр маҳсулот – бўз читгарлик кенг ривожланган марказларга бошқа шаҳарлардан ҳам келтирилган бўлиб, бу ишни савдогарлар ўз зиммаларига олганлар. Улар бу ишни буюртма асосида амалга оширганлар. Бу ҳолат Ўрта Осиё шаҳарлари ўртасида ҳунармандчилик соҳасида ўзига хос меҳнат таксимооти юз берганлиги ва бу жараёнда Марғилон ҳунармандлари ҳам фаол иштирок этганлигидан далолат беради.

Қўқон хонлигининг ҳунармандчилиги ҳақида ёзган тадқиқотчилардан бири «Унинг эътиборга лойиқ соҳаси Наманган, Қўқон ва Марғилон фабрикаларида ипак ва ярим ипак газламалар ишлаб чиқаришдир», – деб ёзганида ҳақ эди<sup>11</sup>. Зеро, водий шаҳарлари турли ипак газламалар ишлаб чиқарилган марказлар сифатида машҳур эдилар. Уларда ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа марказларидаги каби «ипакдан олтин ва кумуш безакли йўл-йўл парчалар, атласлар, бахмаллар» тўқилган.

<sup>9</sup> Мукминова Р. Г. Очерки по истории ремесла Самарканда и Бухары в XVI в. Ташкент, 1976. С. 66-67.

<sup>10</sup> Гейер М., Назаров Н. Кустарные промыслы в Ташкенте. Тетрадь 1. Ташкент, 1903. С. 103.

<sup>11</sup> Хорошхин А. Очерки Кокана. С. 43.

Фарғона водийси шаҳарларида ишлаб чиқарилган бундай газламалардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан «матой қирмизи маҳмал»<sup>12</sup> сифатида таърифланган баҳмал эди. Самарқандда тўқилган бу мато Қўқон хонлиги шаҳарларида ҳам кенг ишлаб чиқарилган. Бундай шаҳарлардан бири Марғилон бўлиб, XIX аср бошларида Ф. Назаровнинг кўрсатишича, унда тўқимачилик кенг ривожланган эди. «Шаҳарда турли фабрикалар жойлашган бўлиб, уларда форс парчалари, баҳмаллар ва турли Осиё газламаларини тайёрлайдилар. Уларни Бухоро ва Кошғарга юборадилар», – деб қайд этади муаллиф<sup>13</sup>.

Шаҳарларда парча, кимхоб, тафта ва зарбоф сингари қимматбаҳо матолар ҳам ишлаб чиқарилган. Водийлик тўқувчиларга шуҳрат келтирган мато шойи – канус эди. Бухоро хонлиги шаҳарларида «канаус» деб аталган бу мато тури Марғилонда ҳам кенг ишлаб чиқарилган ва «атлас» ёки «жиба-арқоқ» номлари остида машхур бўлган<sup>14</sup>.

Марғилонлик ҳунармандлар томонидан тўқилган ярим ипак матолар – адрас ва беқасаб машхур бўлиб, улар жуда харидоргир ҳисобланган. XIX аср муаллифининг қуйидаги сўзлари буни тасдиқлайди. Унинг ёзишича, «Марғилон фабрикалари»да ишлаб чиқарилган матоларнинг катта қисмини ярим ипак газламалар – адрас ва беқасаб ташкил этган<sup>15</sup>.

XIX аср охирларига оид қуйидаги маълумот Марғилондаги ипак газламалар ишлаб чиқариш устахонаси ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Унга кўра, устахонада тўқиш жойи шипдан кичик тешиклар орқали ёритиладиган ярим коронги саройда жойлашган. Ипакни турли рангга бўяшда ишлатиладиган бўёқлар эса ерга қазиб ўрнатилган қозонларда қайнатилган<sup>16</sup>.

Марғилонда шунингдек, бошқа турдаги газламалар ҳам ишлаб чиқарилган. Улар жумласига XIX асрда катта ҳажмларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган «пари-поша» матосини киритиш мумкин. Бу газлама айрим ҳолларда соф ипаклик бўлиши ҳам мумкин эди. Бундай ҳолда бу газламани тўқиш учун олий навли ипакдан фойдаланилар эди<sup>17</sup>. Қўқон

<sup>12</sup> Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. 46-бет.

<sup>13</sup> Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. М., 1968. С. 49.

<sup>14</sup> Гребенкин А. Ремесленная деятельность таджиков Зарафшанского округа // Материалы для статистики Туркестанского края. СПб., 1872. Вып. 1. С. 514.

<sup>15</sup> Хорошхин А. Очерки Кокана. С. 43.

<sup>16</sup> Щербин-Крамаренко Н. По мусульманским святыням Средней Азии // Справочная книжка Самаркандской области. Вып. IV. 1896. С. 54.

<sup>17</sup> Гребенкин А. Ремесленная деятельность таджиков... С. 514.



хонлиги шаҳарларида «оқ чизикли кўк мато – «пари-поша» ва шунингдек, «тўқ чизикли оқ мато – «банорас» ҳам тўқилган. Бу матоларни ишлаб чиқаришда жун ва ипакдан кенг фойдаланганлар. Улардан паранжи ва чакмон тикилган<sup>18</sup>.

Марғилонда кўп миқдорда жун газламалар ҳам ишлаб чиқарилган. XIX аср бошларида Қўқон хонлигига келган ҳиндистонлик Мир Иззат Улланинг гувоҳлик беришича, бу ерда катта ҳажмда форсча – курк, туркча – тибит, деб аталадиган шол рўмоллар тўқишда ишлатиладиган жун ишлаб чиқарилган. Бу ерда кашмир шол рўмоллари каби шол рўмоллар ҳам тўқилган<sup>19</sup>.

Фарғона шаҳарларида аҳолининг талаб-истаклари, урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда кийим-бош ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳунармандчилик соҳалари ҳам кенг ривожланган эди. Ҳунармандчиликнинг ушбу соҳасида фаолият кўрсатган усталар нафақат Фарғона водийси, балки узоқ ва яқин ўлкалар, дашт аҳли ва баъзи ҳолларда айрим узоқ мамлакатлар аҳолиси эҳтиёжларини қондирадиган маҳсулотлар яратганлар. Улар жумласига бош кийим, хусусан, дўппи тикувчилар, оёқ кийим тикувчи – кавушдўзлар, махсиддўзлар, этикдўзлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ҳунармандлар томонидан катта ҳажмларда ишлаб чиқарилган кийим-бош турлари жумласига турли матолардан тикилган тўнлар, дўппилар, рўмоллар, кийиклар, дастрўмолларни киритиш мумкин. Ип ва ипакдан тайёрланган бу кийим-бош турларига кашталар билан безак беришга катта эътибор қаратганлар. Бу иш билан кўпроқ аёллар машғул бўлар эдилар. Бухоро аёллари мисолида «улар шойи рўмолларга йўрмадўзлик билан Ҳофиз асарларидан олинган шеърий парчаларни битадилар», – деб ёзган XIX асрнинг 20-йилларида яшаган Е. К. Мейендорфнинг қайди Қўқон хонлиги шаҳарлари, хусусан, Марғилон учун ҳам хос анъанавий ҳолат эди.

Хонлик даврида аҳоли орасида доимо арзон ва пишиқ сопол идишларга талаб катта эди. Бундай талабни қондиришда кулолларнинг меҳнати ўта муҳим ҳисобланган. Улар рўзғор учун керакли турли-туман идишлар, тандирлар, қурилишда ишлатиладиган қошинли ғиштлар ишлаб чиқарганлар. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигининг йирик

<sup>18</sup> П а ш и н о П. И. О фабричной и торговой деятельности в Туркестанской области // Известия Императорского Русского Географического общества. СПб., 1867. Т. 3. С. 124.

<sup>19</sup> Путешествие Мир Иззет Уллы в Кокандское ханство в 1812 г. // Труды САГУ. Новая серия. Вып. LXXVIII. Исторические науки. Кн. 11. Ташкент, 1956. С. 48.

кулолчилик марказларидан бири Риштон эди. «Риштонда бизнинг кўз ўнгимизда сопол идишларни ясаганларини ва уларни ҳаво ранг билан сирлаганларини кўрдик», – деб ёзадилар шоҳидлар<sup>20</sup>. Бу марказда ясалган сопол буюмлар билан бошқа шаҳарлар билан бир қаторда Марғилон аҳолиси ҳам таъминланар эди.

Марғилон шаҳарларида энг тараққий этган хунармандчилик соҳаларидан бири – турли металлларга ишлов бериш ва улардан ҳар хил буюмлар ишлаб чиқариш эди. Темир, мис, бронза, чўян, кумуш, олтин қабилардан уй-рўзгор буюмлари, меҳнат қуроллари, бинолар қурилишида ишлатиладиган турли темир мосламалар, зеби-зийнат буюмлари ишлаб чиқарилган.

Металлга ишлов берувчи ва ундан турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи устахоналар асосан бозорларда ёки бозорларнинг ёнида жойлашар эди. Қўқон бозорларини таҳлил этган В. Наливкин ва М. Наливкиналар, бу ердаги дўконларда темирчилар, саррошлар, эгарчилар, тикувчилар билан бир қаторда кумуш билан ишловчи хунармандлар ва мисгарлар ҳам ўз маҳсулотларини яратганликлари ва шу ернинг ўзида улар билан савдони амалга оширганликларини кўрсатиб ўтадилар<sup>21</sup>.

Марғилон эса ўзининг чўяндан турли буюмлар куйиб ясовчи усталари – дегрезлари билан машҳур эди. Улар хўжаликда керакли бўлган буюмлар, чироғдонлар, кўчма ўчоқлар ва бошқаларни ясаганлар. Марғилонда бўлган Н. Шербин-Крамаренко шаҳарда дегрезлик устахонаси мавжуд бўлганлигини тасдиқлаб, «қозон ва ооч тишлари куйиладиган устахонани кўрдим», – деб қайд этади<sup>22</sup>.

Марғилон шунингдек, мисдан, хусусан, қизил мисдан турли-туман уй-рўзгор буюмларини ясаган моҳир усталар яшаган марказлардан бири эди.

Қўқон хонлиги шаҳарларида кенг ривожланган хунар турларидан бири заргарлик эди. Заргарлар маҳаллий хом ашё – олтин, кумуш, мис ва бошқалардан турли-туман зеби-зийнат буюмларини яратар эдилар. Улар жумласига зиракнинг турли хиллари, соч попуклар, баргак, тиллақош, тумор, бурун-булоқ, билагузукларни киритиш мумкин. Шунингдек,

<sup>20</sup> Путешествия в Среднюю Азию и Францию в 1878 и 1879 годах. (Самарская ученая экспедиция). Казань, 1881. С. 89.

<sup>21</sup> Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886. С. 4.

<sup>22</sup> Шербин-Крамаренко Н. По мусульманским святыням Средней Азии. С. 54.

кимматбаҳо металлдан юқори табақа вакиллари учун турли идиш-товоқлар ҳам ясалган, совға учун тайёрланган кўпгина маҳсулотларга олтин ва кумуш билан ишлов берилган.

Шаҳарларда кенг тарқалган ҳунар турларидан бири ёғочга ишлов бериш эди. Бу соҳада фаолият кўрсатган усталар уй-рўзгор анжомлари, эшиклар, курсилар, хонтахталар, меҳнат куроллари, бешиклар ишлаб чиқаришда моҳир бўлганлар. Уларнинг ичида аравасозлик билан машғул бўлган ҳунаромандлар алоҳида ажралиб турганлар. Бу тоифадаги усталар темирчилар билан биргаликда шаҳарлар ва қишлоқлар хўжалигида муҳим ўрин тутган араваларни ясаганлар. Аравалар аҳолининг хўжалик ҳаёти билан бирга ҳарбий юришларда ҳам кенг қўлланилган. XVI асрнинг иккинчи ярмида Ҳофиз Таниш Бухорий Абдуллахонга қарши курашган Бобосултон билан бўлган жанглардан бири ҳақида ёзар экан, Бобосултон «Туркистон дашти, Саброн, Тошкент» билан бир қаторда айнан Фарғона водийси шаҳарлари «Андугон, Ахсикат ва Косон вилоятларидан олиб келтирилган кўплаб араваларни бир-бирига маҳкам занжирлаб ва (мустаҳкам) бандлар билан боғлаб саф олдиға» қўйганликларини қайд этади<sup>23</sup>.

Бу аравалардан Қўкон савдогарлари ўз молларини ташишда кенг фойдаланганлар. Бу ўринда XIX аср муаллифи аравалардан «қўқонлик савдогарлар ўз молларини Бухорога ташиш учун фойдаланганлар», – деган кўрсатмаси аҳамиятлидир<sup>24</sup>.

Аравасозлик Қўқон хонлигининг Наманган, Қўқон шаҳарлари билан бир қаторда Марғилонда ҳам кенг тараққий этган эди.

Фарғона водийси шаҳарларида, жумладан, Марғилонда ривожланган ҳунаромандчилик соҳаларидан бири совун ишлаб чиқариш эди. Совунгарлар маҳсулотига аҳоли ўртасида талаб катта эди. XIX аср муаллифларидан бири хусусан, Қўқон хонлиги шаҳарларида маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини қондирувчи «...кул ранг, қора рангдаги маҳаллий совун» ишлаб чиқарилганлиги ҳақида гувоҳлик беради<sup>25</sup>.

XVIII аср иккинчи ярми – XIX асрда Қўқон қоғоз ишлаб чиқаришнинг йирик марказларидан бирига айланди. Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларига хос бўлмаган қоғоз ишлаб чиқариш устaxonалари XVI-

<sup>23</sup> Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдулланом (Шарафномаи шоҳий) / Форс. С. Мирзаев тарж.; Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изохлар муаллифи Б. А. Аҳмедов. Тошкент, 1966. II жилд. 1969. 227-бет.

<sup>24</sup> Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М., 1975. С. 108.

<sup>25</sup> Пашино П. И. О фабричной и торговой деятельности в Туркестанской области. С. 126.

XVII asrлар Самарқанддаги каби шаҳар атрофида жойлашган эди. Қўқонга яқин Қоғозгар ва Чорку қишлоқларида машҳур Қўқон қоғози ишлаб чиқарилиб, Ўрта Осиё шаҳарлари бозорларида улар билан кенг савдо амалга оширилган. Турли илмий, тарихий, бадиий асарлар, хужжатлар битишда ишлатиладиган бу қоғозга талаб катта эди.

Қўқонда муковасозлик ҳам ривожланган эди. Бу ҳақида XIX асрда «Энг яхши муковасозлар Қўқондадирлар. Бу ерда унча мураккаб бўлмаган муковалаш асбоблари ҳам тайёрланадики, уларни Самарқандда топиш қийин. Ёзув ва китоблар учун қоғозни ҳам машҳур Қўқон фабрикалари етказиб беради», – деб қайд этилади<sup>26</sup>.

Қўлёмаларни муковалаш ҳунари кенг ривожланган марказлардан яна бири Наманган бўлиб, бу ерда чарм ва қоғоздан яратилган муковалар Ўрта Осиёнинг йирик марказлари – Самарқанд ва Хивада тайёрланган муковалардан қолишмас эди<sup>27</sup>.

Фарғона водийси шаҳарлари йирик савдо марказлари сифатида Қўқон хонлигининг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутганлар. Улар нафақат ички, балки транзит ва ташқи савдо марказлари ҳам эдилар. Водийдан ўтган карвон йўллари орқали бошқа Ўрта Осиё хонликлари савдогарлари Кошғар ва Хитойга етиб борганлар. Водийлик савдогарлар ҳам бу ҳудудлар аҳли билан фаол савдо алоқаларини олиб борганлар. Улар томонидан Кошғар ва Хитойдан туқтачой (ғишт чой), оккуйрук (кўк чой), чинни, кумуш ёмбилар ва ҳ. к. келтирилган<sup>28</sup>. Бу моллар ўз навбатида водийлик савдогарлар томонидан бошқа Ўрта Осиё шаҳарлари, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хивага етказилган. Бу савдо ҳудудидан Хитой билан Ўрта Осиёни боғлаган карвон йўллари ўтган Андижон ва марғилонлик савдогарлар фаол катнашган. Хусусан, XIX аср бошларида Марғилонда ишлаб чиқарилган турли-туман матолар Кошғар ва Бухорога жўнатилиб, Кошғардан «чой, чинни идишлар, кумуш ёмбилари ... бўёқлар ва энг яхши Хитой газламалари олинар эди»<sup>29</sup>. Пойтахт шаҳар савдогарлари эса Хитой билан бир қаторда, Хива, Эрон ва Россия билан олиб бориладиган савдони ўз қўлларида ушлаб турар эдилар<sup>30</sup>.

<sup>26</sup> Ўша асар. 64-бет.

<sup>27</sup> Қ о с и м о в Й. Наманган тарихидан лавҳалар. Тошкент, 1990. 20-бет.

<sup>28</sup> Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П. И. Демезона и И. В. Виткевича). М., 1983. С. 81.

<sup>29</sup> Н а з а р о в Ф. Записки о некоторых народах и землях. С. 49.

<sup>30</sup> О нынешнем состоянии некоторых областей и городов в Средней Азии // Азиатский вестник. СПб., 1826. С. 229.



Марғилон Фарғона водийсининг бошқа шаҳарлари сингари маҳаллий ҳунармандлар ишлаб чиқарган моллар билан бир қаторда бу ҳудудларда етиштирилган кишлок ҳўжалиги маҳсулотлари – пахта, буғдой, гуруч, ҳўл ва куруқ меваларни бошқа ҳудудлар аҳлига етказиб беришда фаол иштирок этган марказ эди. Бу ўринда «иклими яхши», «кўп ҳосил етиштирилган» Марғилоннинг машҳур «гуланг-и марғинони» номли куритилган ўриклари ҳақида Маҳмуд ибн Валининг маълумоти диққатга сазовордир.

Ўрта Осиё бозорларига ҳос муҳим хусусият – у маълум турдаги маҳсулот хилини сотишга ихтисослашуви бўлиб, бундан Қўқон, Наманган, Марғилон, Андижон каби шаҳарлар бозорлари ҳам мустасно эмас эди.

Уларда савдо алоҳида бозор кунларида амалга оширилган. 1813-1814 йилларда Қўқонда бўлган Ф. Назаров «...шаҳар ўртасида учта тош (ғиштин) бозор қурилган бўлиб, ҳафтада икки марта уларда савдо амалга оширилади», – деб қайд этиб ўтади<sup>31</sup>. Қўқонда ҳафтасига икки кун бозор кунлари этиб тайинлаганлигини А. Кун ҳам тасдиқлайди<sup>32</sup>. Алоҳида бозор кунлари Марғилон, Андижон, Наманганда ҳам мавжуд бўлиб, улар одатда, ҳафтада икки кунни ташкил этар эди<sup>33</sup>.

Бозор кунларининг бу тарзда шаклланиши катта ва кичик шаҳарлар, кишлоклар ва қўшни дашт аҳлининг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларининг самараси бўлиб, уларнинг ривожига ўз ҳиссасини қўшган. Маълум бозор кунларида қўшни шаҳарлар, кишлоклар ва дашт аҳлининг савдо билан машғул қисми – турли тоифадаги савдогарлар, йирик савдогарларнинг ишончли вакиллари ва бошқалар айрим шаҳарлар бозорларига ўз моллари билан ташриф буюрганлар ва олди-сотдини амалга оширганлар. Баъзи чаққон савдогарлар эса молларини юклаб бир шаҳардан иккинчисига йўл олганлар.

Шаҳарларда шаклланган бозор кунлари улардаги савдо-сотик ишлари бошқа кунлари амалга оширилмаганлигини билдирмайди. Бозорлар ҳафтанинг бошқа кунларида ҳам фаолият кўрсатганлар ва бундай кунларда асосан майда-чуйда нарсалар, озиқ-овқат ва баққоллик моллари билан олди-берди амалга оширилган. Буни бозор кунларидан ташқари «ҳар куни майда-чуйдалар» савдоси амалга оширилган Наманган, Марғилон, Андижон, Қўқон каби шаҳарлар мисолида кузатиш мумкин<sup>34</sup>.

<sup>31</sup> Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях. С. 51.

<sup>32</sup> Кун А. Некоторые сведения о Ферганской долине. С. 428.

<sup>33</sup> Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях. С. 49; Михайлов М. Наманган (Очерк) // Туркестанский сборник. Т. 16. СПб., 1867. С. 206.

<sup>34</sup> Михайлов М. Наманган. С. 72.

Фарғона водийси шаҳарлари йирик илм-маърифат марказлари ҳам эди. Қўқон хонлигини атрофлича ўрганган А. Куннинг XIX асрнинг 70-йилларида ёзишича, Қўқон шаҳарларида мактаб, мадраса ва масжидлар сони кўп эди. Хусусан, Қўқонда – 300 масжид, 120 мактаб, 40 мадраса; Андижонда – 200 та масжид, 60 та мактаб, 6 мадраса, Наманганда 250 та масжид, 100 мактаб, 5 та мадраса бор эди. Марғилонда эса 300 масжид, 80 та мактаб, 10 та мадраса мавжуд бўлиб, улар шаҳар маданий ҳаёти, аҳолининг маънавий қиёфасини шакллантиришда муҳим ўрин тутганлар<sup>35</sup>.

Шундай қилиб, XVIII-XIX асрларнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг йирик давлатларидан бири бўлган Қўқон хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётида Фарғона шаҳарлари муҳим роль ўйнади. Уларда истикомат қилган серғайрат, иктидорли ва тадбиркор аҳолининг саъй-ҳаракатлари билан бу шаҳарлар хунармандчилик ва савдонинг йирик марказларига айланиб борган. Иқтисодий имкониятлари кенг бўлган бу шаҳарлар ривожига билан Қўқон хонлигидаги иқтисодий ҳаёт ҳам ўз тараққиётининг муайян босқичларига эришган. Ушбу давр ёзма манбаларида мавжуд Марғилонга оид жуда кам учрайдиган оз сонли маълумотлар ушбу шаҳарнинг Фарғона водийсида кечган урбанизацион жараёнларда муносиб ўрин тутганлигидан далолат беради.

*Г. Агзамова*

**Место города Маргилана в урбанизационных процессах, происходивших в Ферганской долине в XVIII – первой половине XIX в.**

Статья посвящена определению места Маргилана в урбанизационных процессах, происходивших в Ферганской долине в XVIII – первой половине XIX в. На основе сведений разнохарактерных источников освещены основные аспекты городской жизни в Маргилане, в частности структура и отрасли экономики – ремесло и торговля, а также изменения, происходившие в них. Все вопросы рассмотрены во взаимосвязи с другими городами Ферганской долины.

<sup>35</sup> К у н А. Очерки Кокандского ханства // Известия Императорского Русского Географического общества. СПб., 1876. С. 64.

G. Agzamova

### **Place of Margilan city in urbanization processes, took place in Fergana valley in 18-19 centuries**

The article is devoted to determination Margilan's role in urbanization processes, which took place in 18-first half of the 19<sup>th</sup> century. on the basis of different sources are enlightened main aspects of city life in Margilan, in particular structure and branches of economy – handicraft and trade, also changes inside of them. All of these questions are considered in relation to other cities of Fergana valley.

## *Тарихчи кутубхонасига*

*Г. Ахмеджанов*

### **РЕЦЕНЗИЯ НА МОНОГРАФИЮ Х. Г. ГУЛОМОВА «ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ ГОСУДАРСТВ СРЕДНЕЙ АЗИИ С РОССИЕЙ В XVIII – ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XIX в.»**

Тема изданной монографии Х. Г. Гуломова находится в русле фундаментальных проблем, которые в настоящее время относятся к наиболее актуальным и составляют приоритетное направление исторической науки не только Узбекистана, центральноазиатских республик, но и России. Работа представляет одну из первых и вполне успешных попыток нового прочтения истории становления и эволюции российско-среднеазиатских дипломатических отношений в XVIII – первой половине XIX в., их взаимодействия на конкретные межгосударственные контакты.

Два таких суперэтнуса, как славянский и тюркский, встретились не в прошлом столетии и даже не в прошлом тысячелетии, их взаимоотношения, большей частью мирные, во многом определяли судьбу евразийского суперконтинента, а их сегодняшние отношения в известной степени определяют будущее Евразии.

Содержание этой актуальной работы созвучно с параметрами внешней политики Республики Узбекистан, которые вырабатывались поэтапно в годы независимости и привели к подписанию в 2005 г. Президентами Российской Федерации и Республики Узбекистан союзнического договора, приведшего затем присоединение Узбекистана в том же году по его же инициативе к Организации Евразийского Экономического Сотрудничества – ЕврАзЭС.

Именно такое развитие взаимоотношений Узбекистана и других центральноазиатских государств с Россией отвечает сегодня и в будущем интересам народов и стран, вставших на подлинный путь независимого демократического развития, конституционный строй которых отвечает свободе личности и развернутых рыночных отношений.

Крупное монографическое исследование Х. Г. Гуломова объемом в 23 печатных листа (335 страниц) состоит из введения, пяти глав, заключения, историографического примечания, они логически связаны и дополняют друг друга. На должном уровне представлено в монографии введение. В нем автор квалифицированно обосновал тему и актуальность ее исследования, убедительно сформулировал цель и задачи,



наглядно показал степень разработанности проблемы, раскрыл научную новизну и практическую значимость работы, охарактеризовал ее теоретико-методологические и источниковые основы. При этом достоинством историографической части является то, что Х. Г. Гуломов проследил сложные процессы наращивания знаний по рассматриваемой теме не только в обширном пространстве XVIII – начала XIX в., но и в контексте уяснения общего и особенного в среднеазиатской и российской историографии на ее узловых этапах.

В первых двух главах (с. 20-122) исследованы истоки формирования дипломатических отношений Средней Азии и России; общеполитическая и социально-экономическая ситуация в России и среднеазиатских государствах в XVIII – первой половине XIX в. С интересом читаются другие основные (3-5-я) главы исследования, где автором скрупулезно прослежены развитие посольских связей между Россией и Бухарским ханством, дипломатические отношения России и Хивинского ханства; межгосударственные контакты России с Ташкентом и Кокандом в последней четверти XVIII – первой половине XIX в.

Исследование Х. Г. Гуломова выполнено на высоком научно-теоретическом уровне, с привлечением богатого документального материала. В нем четко расставлены современные научно-методологические акценты, нашли глубокую разработку ключевые вопросы проблемы. Нацеленная на восстановление правдивой истории, учета цивилизационного фактора и современных геополитических реалий, монография содействует системному переосмыслению, устоявшихся прежде, идеологизированных трактовок событий, выявлению новых граней изучаемой темы и ее адекватному освещению.

Впервые в новой и новейшей историографии России и Узбекистана мы изучаем из данной монографии, что из среднеазиатских ханств в Россию было отправлено в XVIII – первой половине XIX в. 52 (!) посольства, в том числе 30 из Хивы, 14 – из Бухары, 8 – из Коканда.

За этот же период Российская империя направила в регион 34 посольства. Из них 5 посетили сразу оба ханства – Бухарское и Хивинское.

Критически оценивая предшествующую историографию и привлекая большое число документов, ранее не введенных в научный оборот, автор сумел воссоздать более объективную картину межгосударственных связей России и среднеазиатских ханств в рассматриваемый период. Причем, на наш взгляд, немалую роль в успешном раскрытии проблемы сыграл примененный им системный подход, позволивший опираться не только на анализ разнопрофильного источникового материала, но и на системные связи, при которых история событий, происходивших

в России и Средней Азии, выступала в качестве катализатора процессов укрепления межгосударственных контактов.

Наряду со сказанным хочется обратить внимание и на тот факт, что автор обратился не только к истории дипломатии, но и к личностям дипломатов. Ему удалось установить имена и факты биографий отдельных дипломатов, отметить их вклад в укрепление контактов с Россией на началах равноправного политического партнерства и взаимовыгодного экономического сотрудничества.

В заключение хочется отметить, что итогом многолетних исследований Х. Г. Гуломова стала актуальная, интересная, выверенная исключительно на фактах и источниках, подчас впервые вводимых в научный оборот, монография, обладающая огромной научно-познавательной и практической значимостью.

## *Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар*

### **САМАРКАНД И ЕГО МЕСТО В ИСТОРИИ МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ**

**(Семинар им. Я. Гулямова, посвященный  
2750-летию юбилею города)**

Как известно, история Узбекистана богата историей таких древних центров урбанистической культуры, как Бухара, Ташкент, Хива, Шахрисабз, Карши, Маргилан и т. д. Свое достойное место среди них занимает и Самарканд. 13 апреля 2007 г. в г. Самарканде состоялось очередное, 45-е, заседание Республиканского научного семинара «История узбекского народа и его государственности» им. Яхьи Гулямова. Заседание было проведено на тему «Самарканд и его место в истории мировой цивилизации» и организовано Институтом истории АН РУз, Институтом археологии АН РУз, Министерством высшего и среднего специального образования РУз, Самаркандским государственным университетом. В заседании приняли участие ученые и преподаватели вузов, лицеев, колледжей, школ со всех регионов республики, а также преподаватели и студенты СамГУ.

С приветственными словами к участникам семинара обратились Президент АН РУз, академик Ш. И. Салихов, ректор СамГУ, доктор исторических наук Т. Ш. Ширинов, председатель Семинара имени Яхьи Гулямова, директор Института истории АН РУз, доктор исторических наук Д. А. Алимова, хоким Самарканда С. А. Рафиков.

Научные доклады, прозвучавшие на семинаре, были посвящены различным периодам истории города.

Ректор СамГУ Т. Ш. Ширинов выступил с докладом на тему «Новые научные данные относительно исторического возраста Самарканда». Докладчик отметил, в частности, что новые данные были получены благодаря применению новейших технологий исследования. В частности, если раньше исследовательские шурфы на раскопках Афрасиаба не превышали 6-8 м, то в настоящее время можно углубляться на 22-24 м. При помощи радиоуглеродного метода можно датировать находки с точностью до 50 лет. Это позволило поставить Самарканд по возрасту в разряд таких древних городов, как Рим, Афины, Вавилон. Что касается исторического названия города, то Т. Ш. Ширинов возводит его к согдийскому слову «смарк» – перекресток, поскольку именно здесь сходились все главные торговые пути древности.

Ведущий научный сотрудник Института археологии АН РУз, доктор исторических наук М. Х. Исамиддинов выступил с докладом «Культурное развитие Самарканда в античную эпоху: традиции и инновации». Докладчику был задан вопрос по поводу различия понятий «эллинистическая» и «эллинизированная» культура. М. Х. Исамиддинов ответил, что собственно «эллинистическая» была развита в иных регионах (Малой Азии и т. д.), а в Средней Азии имела место «эллинизированная» культура, являвшая собой синтез эллинистической культуры и местных компонентов.

Старший научный сотрудник Института археологии АН РУз, кандидат исторических наук А. Атаходжаев выступил с докладом «Открытие новых образцов средневековой настенной живописи Афрасиаба». Докладчик рассказал о новых находках образцов живописи на Афрасиабе, связанных с различными сюжетами. Реконструкция сюжетов позволяет уточнить внешний облик древних жителей Самарканда, их быт, материальную культуру, занятия.

Доклад старшего научного сотрудника Института востоковедения АН РУз, кандидата исторических наук Г. Кадырова посвящен теме «Нажмиддин Самарканди и его научное наследие». Докладчик подчеркнул тот значительный вклад, который внес этот ученый в развитие науки Среднеазиатского региона и всего мусульманского Востока.

С интересным и актуальным докладом «Анализ англоязычной научной литературы об истории Самарканда» выступил доцент СамГУ, кандидат исторических наук А. М. Маликов. Труды таких исследователей, как А. Дженкинсон, А. Бёрнс, Ю. Скайлер и т. д. до сих пор не потеряли своей научной значимости. Актуальность данного доклада заключается в том, что в англоязычной литературе, начиная с XIX в. и вплоть до настоящего времени, накопился значительный комплекс научных материалов, который нуждается в своей дальнейшей разработке, изучении и анализе.

Завершил семинар доктор исторических наук, профессор СамГУ Ш. Пиримкулов докладом «Роль Самарканда в социально-политической и культурной жизни Узбекистана в годы независимости». Докладчик ярко и доступно охарактеризовал тот значительный вклад, который вносит Самарканд, его промышленность, культура и наука в развитие независимого Узбекистана.

*Р. Назаров*



## *Фанимиз даргалари*

### **ИЛМ-ФАН МАСКАНИДА 60 ЙИЛ**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёевнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтида олиб борган узлуксиз меҳнат фаолиятига шу йили 60 йил тўлди. У ниҳоятда оғир шароит давом этаётганда илм даргоҳига қадам ташлади. Гарчи, бутун дунёни даҳшат ва ларзага солиб ўн минглаб одамларни ўлдирган, кўп мамлакатларни харобага айлантирган Иккинчи Жаҳон уруши тугатилган бўлса-да, лекин унинг фожиали оқибатлари ҳукм сурмоқда эди. Жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг ота-она ва қариндошларининг жигар-бағри эзилиб, қайғу-аламда ҳаёт кечириётган, уруш йилларидаги қаҳатчилик, қашшоқлик, назорат, таъкиб ва бошқа турли-туман азоб-укубатларнинг захри одамларнинг онги ва қалбида ҳамоно ўчмаган эди. Урушдан қўли ёки оёғидан айрилган, икки кўзи кўр бўлган ва бошқа жароҳатлар билан қайтган ногиронларнинг орасида бир бурда нонга зор кишиларни кўриш мумкин эди. Аммо, улар ота-она бағрига қайтганларидан бениҳоя мамнун ва хурсанд эдилар. Улардан бири Ҳамид Зиёев эди.

У 1946 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг аспирантурасига қабул қилинди. Бу ерга ҳарбий кийим ва қўлтиктаёқ билан келганида илк бор Яҳё Ғуломов билан учрашди. Бу бағрикенг олим у билан самимий равишда суҳбатлашиб илм билан жиддий шуғулланиш зарурлиги ва қийинчиликлардан орқага тисланмаслик ҳақидаги маслаҳатини берди. Ҳамиша қўллаб-қувватлаб турди.

Бу вақтда геология, иқтисод, тил ва адабиёт, тарих ва археология институтлари ва кутубхонани ўз ичига олган Ўзбекистон Фанлар академияси ҳозирги мустақиллик майдонининг Ўзбекистон кўчаси билан туташган ўнг бурчагидаги икки қаватли бинога жойлашганди. Тарих ва археология институти ҳали унчалик катта ва салоҳиятли бўлмай ташкил топганига эндигина салкам уч йил бўлган эди. Ўзбеклардан Яҳё Ғуломов ва Рашид Набиевлардан иборат фақат иккита тарих фанлари номзодлари бор эди, холос. Маҳаллий миллат вакиллари илмий ва техник ходимлар орасида ҳам жуда оз эди. Ҳамид Зиёевнинг илмий фаолияти «Шаркий Туркистонда 1826 йилдаги халқ кўзғолони»нинг тарихини ўрганишдан бошланди. Шу мавзу бўйича Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шундан кейин тарих ва археология институтида илмий ишни давом эттириб, Ўрта Осиё ва Россия тарихига доир долзарб масалалар билан шуғулланди.

Москва ва Санкт-Петербургдаги кутубхоналарда ишлаётганида XVI-XIX аср бошларида ўзбекларнинг Сибир, Волга ва Урал бўйларида яшаганлиги ҳақидаги маълумотларга дуч келиб ҳайратланди. Чунки уларнинг жаннатмакон Ўзбекистондан анча узоқ ва совуқ жойларга бориб ўрнашишлари ғайритабиий ҳол бўлиб туйилди. Бунга устига устак улар Ўзбекистон тарихига бағишланган асарларда қайд қилинмай номаълумлигича қолмоқда эди. Аммо, олимнинг изланишлари шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг Сибир, Волга ва Урал бўйлари

билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари милоддан аввалги асрлардан бошланиб, кейинги кўп асрлар мобайнида давом этган. Бу Астрахандан тортиб то Сибиргача бориб тақалган бепоён ерлар Ўзбекистон учун тайёр маҳсулотлар бозори ҳисобланган. Ўша жойларга ўзбеклар ўрнашиб, савдо ва маданиятни ривожланиши ҳамда ислом динини тарқатишда муҳим ўринни эгаллаган. Ҳатто, бир мингинчи йилда Волга бўйидаги Туркий Хазар давлати Хоразм билан бирлашиб, Хоразм-Хазар империяси ташкил топган. У ерда XIII-XVI асрни биринчи ярмида ҳукм сурган Олтин Ўрда давлати вақтида ҳам ўзбеклар у ерларга ўрнашиб сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантирганлар.

XVI асрни иккинчи ярмидан бошлаб Сибир, Волга ва Урал бўйлари чор ҳукумати томонидан босиб олгандан кейин ҳам Ўзбекистон билан кўп асрлар мобайнида шаклланган алоқалар давом этаверди. Чор ҳукумати ўзбек молларига бўлган катта эҳтиёжини қондириш ва чекка ўлкаларнинг оғир иқтисодий ҳаётини жонлантириш мақсадида ўзбекларга муҳим имтиёзларни бериб уларни Сибир, Волга ва Урал бўйларида ўрнашишларига қаратилган сиёсатни юргизди. Натижада XVIII асрнинг охирларида Россиядаги ўзбекларнинг сони 20.000 кишига етди. Ҳамид Зиёев бу муҳим тарихий масалага қизиқиб, маълумотлар тўплашни бошлаб юборди.

У 1954 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Сибир ўзбеклари» номли мақолани чоп эттиради<sup>1</sup>. Мақола жамоатчилик томонидан зўр қизиқиш билан қарши олинди ва тарих фанида янгилик, яъни «кашфиёт» сифатида юқори баҳоланади. Ҳақиқатан ҳам, бу масала ватан тарихшунослигида катта янгилик бўлиб, маҳаллий манбаларда бу ҳақда маълумотлар мутлақо сақланмаган эди. Мавзунинг долзарблиги туфайли ўша даврда фанларнинг энг нуфузли вакиллари бўлган йирик олимлар – Яхё Ғуломов, Иброҳим Мўминов ва Ҳабиб Абдуллаевларнинг ташаббуси билан Фанлар Академиясининг раҳбарияти махсус маблағ ажратди.

Хорижда яшаб ўтган ватандошларимиз тарихини, уларнинг фаолиятини ўрганиш йўлида Ҳамид Зиёев ҳар қандай қийинчиликлар – Сибирнинг аёвсиз совуқлари, ойлаб давом этган хизмат сафарлари, мусофирчилик ташвишларидан ортга чекинмади. Бир неча йиллар давом этган изланишлар мобайнида у ўзбекларнинг Сибир, Волга ва Урал бўйларидаги ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи тарихий маълумотларни мисқоллаб тўплади. Қат-қат қоғозларга таҳланиб ўтган, аксарияти эски рус алифбосида ёзилган, ҳарфлари ва қоғозлари бир неча юз йиллар давомида сарғайиб, хиралашган маълумотларни ҳижжалаб, бирма-бир кўчиришдан эринмади. Игна билан қудуқ қазिश баробарида амалга оширилган бу изланишлар давомида Ҳамид Зиёев кутубхоналар ва архивларни бирма-бир эринмай ўрганиб чиқди. У Россия, Сибир ва Ўрта Осиё республикаларидаги қуйидаги 25 та давлат архивлари (МДА), вилоятлар архивлари (ВА) ҳамда давлат кутубхоналари ва университетлар қошидаги фондларида (ДУ) изланишлар олиб борди:

1. Россия қадимий ҳужжатлар МДА (Москва)
2. Россия тарих музейи архиви (Москва)

<sup>1</sup> Зиёев Ҳ. XVI-XVIII асрларда Сибирдаги ўзбеклар. Қизил Ўзбекистон. 1954 йил 27 март.

3. Россия ҳарбий тарих МДА (Москва)
4. Россия ташки ишлар Вазирлиги архиви (Москва)
5. Россия МДА (Санкт-Петербург)
6. Россия ФА архиви (Санкт-Петербург)
7. Россия ФА Тарих институти Санкт-Петербург филиали архиви (Санкт-Петербург).
8. Салтиков-Шедрин номли кутубхона қўлёзмалар бўлими (Санкт-Петербург).
9. Астрахань ВДА (Астрахань).
10. Оренбург ВДА (Оренбург).
11. Татаристон Республикаси давлат архиви (Қозон).
12. Қозон ДУ қўлёзмалар бўлими (Қозон).
13. Бошқирдистон Республикаси МДА (Уфа).
14. Екатеринбург (Свердловск) ВДА (Екатеринбург).
15. Ирбит давлат архиви (Ирбит).
16. Тюмень ВДА (Тюмень).
17. Тобольск давлат архиви (Тобольск).
18. Тобольск ўлкашунослик музейи қўлёзмалар бўлими (Тобольск)
19. Омск ВДА (Омск).
20. Томск ВДА (Томск).
21. Томск ДУ кутубхонасининг қўлёзмалар бўлими (Томск).
22. Пермь ВДА (Пермь).
23. Нижний Новгород ВДА (Нижний Новгород).
24. Қозоғистон МДА (Алмати).
25. Ўзбекистон МДА (Тошкент)

Шундай қилиб олим Москва, Санкт-Петербург ва Астрахандан бошлаб, Бошқирдистон ва Татаристон Республикалари орқали Сибирнинг четки ўлкаларидан бири Тобольскга бориб тақалган ерларнинг у бошидан бу бошига кезиб, нодир тарихий ҳужжатларни қўлга киритди. Ушбу машаққатли ва мураккаб ишга кўп куч-ғайратни сарфлашга тўғри келган, албатта. Тарихий манбаларнинг аксарияти юз йиллар илгари тузилган бўлиб, ўқилиши қийин, ҳали чанги ҳам артилмаганлигини инобатга олинса, вазифани адо этиш нақадар қийин кечганлигини тасаввур қилиш мумкин.

Тўпланган ҳужжатларни ҳар томонлама чуқур ва атрофлича таҳлил қилган олим «Ўрта Осиё ва Сибир», «Ўрта Осиё ва Волга бўйлари», «Ўрта Осиё ва Урал бўйлари», «Средняя Азия и Сибирь», «Узбеки в Сибири», «Экономические связи Средней Азии с Сибирью» ва «Сибир, Волга ва Урал бўйидаги ўзбеклар» сингари китоб ва кўп мақолаларни нашр эттирди. 1964 йилда Ҳамид Зиёев «Ўрта Осиё ва Сибир» китоби учун тарих фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлди. Унинг мазкур асарлари илмий жамоатчилик томонидан катта қизиқиш ва муҳим янгилик сифатида кутиб олинди<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Турсунов Х., Иноятов Х. Қимматли асар (Ҳамид Зиёевнинг «Ўрта Осиё ва Сибир» китобига тақриз) Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 12. 1963; Ҳасанов А. Нодир асарлар (Ҳамид Зиёевнинг «Ўрта Осиё ва Сибир», «Ўрта Осиё ва Волга бўйлари», «Ўрта Осиё ва Урал бўйлари» асарларига тақриз). Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 4. 1984.

Олим Ўзбекистоннинг ўрта аср ва кейинги давр тарихига оид ишларнинг ҳам муаллифидир. Унинг Амир Темур ва ўзбек хонликлари тарихига бағишланган ишлари шулар жумласидандир.

У узоқ йиллар мобайнида «XIX-XX аср бошларида Ўзбекистон тарихи» бўлимига раҳбарлик қилганида кўп асарлар босмадан чиқарилди. Унинг маъсул муҳаррирлиги остида Ўзбекистоннинг шу давр тарихи бўйича қатор асарлар тайёрланиб, нашр қилинди<sup>3</sup>.

Ҳамид Зиёев ЎЗР ФА Тарих институтининг илмий-ташкилий фаолиятида ҳам фаол иштирок этди. Чунончи, 1964-1985 йиллар давомида у Тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида узлуксиз ишлаб тарих фани бўйича кадрлар тайёрлаш, йирик тадқиқотлар олиб бориш ва нашр этиш ҳамда анжуманлар тайёрлашга самарали хисса қўшди.

Ҳамид Зиёев илмий фаолиятининг энг кизиган даври Ўзбекистон мустақилликка эришган даврига тўғри келди. Кўп йиллар давомида катта илмий тажриба орттирган, совет даврининг сиёсий моҳиятини ҳамда мустақилликнинг тарихий аҳамиятини чуқур хис қилган Ҳамид Зиёев XX асрнинг 80-йиллар охири 90-йиллар бошида ва айниқса, давлат мустақиллиги кўлга киритилган дастлабки йиллардан бошлаб, қатор мақолалар эълон қилди<sup>4</sup>. Унинг мақолаларида мустақилликнинг тарихий аҳамияти, мустабид тузум моҳияти, Ўзбекистоннинг мустамлака давр тарихи ва ўзбек халқининг миллий озодлик курашлари тарихи каби масалалар алоҳида ўрин эгаллади.

Хуллас, Ҳамид Зиёев ўзининг кўп йиллик ва самарали фаолияти мобайнида ҳар жихатдан пухта ва сермазмун ёзилган қимматли асарларнинг муаллифидир. Айниқса, унинг мустақиллик йилларда нашр қилинган куйидаги асарлари зўр кизиқиш ва мамнуниятлик билан ўқилади.

У совет даврида йўл қўйилган қўпол хатоларни тузатиш, тарихни ҳолис ва атрофлича ёритишни ўзининг мукаддас бурчи деб билди ва мустақиллик йилларида йирик асарлар яратишга муваффақ бўлди. Унинг «Туркистонда чор Россияси тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» асари ўзининг юқори савияда ёзилганлиги билан диққатни жалб этади. «Ўзбекистон мустақиллиги

<sup>3</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 2-жилд. 1968; Ўзбекларнинг моддий ва маънавий ҳаётининг этнографик тадқиқотлари. 1972; Содиқов О. XIX аср охири – XX аср бошларида Россия ва Хива. 1972; Абдураҳмонов А. Қўриқхона шаҳар. 1985; Турдиев С. Иккинчи Жаҳон уруши даврида Ўзбекистонга кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлик. 1987; Муқминова Р. Тошкент 400 йил илгари. 1984; Лунин Б. Ватан илмий тарихшунослигида Ўрта Осиё. 1979; Фармонова Б. XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийсида хунарамандчилик. 1994; Қиличев Р. Бухоро шаҳар хунарамандчилиги. 1996; XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё ва Қозғистонда миллий озодлик ҳаракатлари тарихи ва тарихшунослиги. 1989; Мадунов С. XVIII асрда қозқларнинг Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари билан алоқалари. Олма-Ота. 1995.

<sup>4</sup> Зиёев Х. Ўзбек хонликларининг урушиб олиниши тарихига доир // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1990. № 1; Чоризм истилоси // Шарқ юлдузи. 1990. № 8; Истиклол учун бирлашайлик. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 1991 йил 22 ноябр; Чоризм ва пахта яккахокимлиги // Шарқ юлдузи, 1991, № 5; Давлат таянчи (Амир Темур ҳақида). Тошкент окшоми газетаси, 1992 йил 31 январь; Ҳақиқатни гапириш вақти келди (босмачилик хусусида) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил 21 феврал; Қаҳрамонлар номини тиклайлик. Ўзбекистон овози. 1992 йил 4 август ва бошқалар.



учун курашлар тарихи» китобида ахамонийлар, македониялик Александр, араб халифалиги, мўғуллар империяси, чор ҳукумати ва қизил империяга қарши олиб борилган озодлик курашлари батафсил ёритилган. Китоб 1991 йилда юрт-бошимиз Ислоҳ Каримов бошчилигида ватан мустақиллигини тиклаш учун олиб борилган курашни таърифлаш билан ниҳоясига етказилган. «Истиклол маънавият негизи», «Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси», «Тарихнинг очилмаган саҳифалари», «Озодлик учун тўкилган қонлар», «Ўзбекистонда пахта яккахокимлиги учун кураш», «Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида» ва бошқа китоблар ҳам олимнинг қаламига мансубдир.

Олимнинг бадий ижоди ҳам диққатга сазовордир. Унинг «Бахтли бўлай десанг» китоби бир неча мартаба босиб чиқарилди. У хорижий мамлакатларда ҳам нашр қилинди.

### **Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар (XVIII-XIX асрлар)**

Тошкент, 1998, 25.6 б.т.

Таникли олим Ҳамид Зиёев қаламига мансуб мазкур асар чор ҳукуматининг Туркистон заминида қарши уюштирган ҳарбий юришлари, ватан мудофааси учун ҳамда мустамлакачилик, миллатчилик сиёсатида қарши кўтарилган миллий озодлик курашлари тарихига бағишланган.

Асар мамлакатни босиб олиниш арафасидаги ўзбек хонликлари ва Россиянинг аҳолини шарҳлашдан бошланган. XVI-XIX асрларда хонликларда ўзаро тахт учун узлуксиз курашлар, ҳукмдорларнинг кўпроқ ўз шахсий манфаатларини ўйлашлари, қўшиннинг замонавий яроғ-аслаҳалар, тактика ва стратегия билан таъминланмаганлиги туфайли ватаннинг мудофаа қобилияти ниҳоятда заифлашган, айни пайтда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда замон талабларидан анча орқада қолиб кетган. Бу пайтда Россия Европанинг анча йирик ва қудратли давлатларидан бири бўлиб, унинг қўшинлари такомиллашган қурол-аслаҳалар билан таъминланган ва жанговарлиги нисбатан баланд бўлган эди.

Асар чор ҳукуматининг хонликларга қарши юришлари Пётр I томонидан Хива хонлигига уюштирилган Бекович-Черкасский экспедициясини таърифлашдан бошланади. Хива хонлигига қарши юборилган кўп сонли ва яхши қуролланган ҳарбий қисмни хиваликлар томонидан яқсон этилиши билан боғлиқ қимматли маълумотлар келтирилган. Чор ҳукумати XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, хонликларни эгаллашга қаттиқ киришган. Шиддатли жанг 1852 йилда Қўқон хонлигига тегишли Оқмасжид қалъасидан бошланган. Тадқиқотда қалъа мудофааси учун олиб борилган курашлар маҳаллий манбалардан олинган қимматли маълумотлар асосида таърифланади. Уларда қайд этилишича, босқинчиларнинг қўмондони ватан ҳимоячиларини ихтиёрий равишда таслим бўлишларига чақирганида, улар: «Бизлар бир сиким порох ва кўчада бир дона кесак қолгунча, ҳамма қуролларимиз тамоман синиб битгунча жанг қиламиз», — деб жавоб қайтарганлар. Бир неча кун давом этган урушлар-

дан сўнг душман қўли баланд келгач, қалъадаги ўзбек аёллари солдатлар билан қиличбозлик қилганлиги ҳақидаги маълумотлар алоҳида эътиборга моликдир.

Туркистон ва Чимкентда босқинчиларга қарши олиб борилган жанглар ҳам ўз ифодасини топган. У ерларга минглаб тошкентликлар қўшин билан бир-галикда келиб жанг қилганлар. Улардан бир неча минг киши қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Тошкентда генерал Черняев бошчилигидаги қўшин билан олиб борилган шиддатли жанглар ҳам батафсил ёритилган. Бу борада маҳаллий манбадан келтирилган қуйидаги маълумотнинг аҳамияти катта: «Бизлар воқеа ва ҳодисаларни беркитмасдан маълум қиламизки, Тошкентдан Оқмасжидгача ва бу ердан Ғулжагача бўлган шаҳар ва қалъалар Тошкентга қарар эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан қўлга киритдилар. Уруш кўпинча кечаси ва тўсатдан олиб борилди. Тошкент шаҳри зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг 12-сигача, яъни 42 кун давомида сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдирилди. Мулла Олимқул шаҳид бўлгандан кейин сардорсиз қолди. Бу-хоро, Хоразм ва фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкент фуқароси дини, миллат ва ватани учун каттиқ туриб уруш ва талашни давом эттириб, сешанба кuni ярим кеча ўтгандан кейин сахарга якин рус аскарлари хиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан шаҳарга бостириб кирди. Шундан кейин Тошкент аҳли яна урушга киришиб, пайшанба кунигача икки кеча-кундуз урушиб турдилар. Бу ўртада кўп иморатлар, дўконлар ва уй-жойларга ўт тушиб, оч, ташна сувсиз ҳолда яккама-якка уруш бўлиб, охирида яраш сулҳи тузилди».

Демак, тошкентликлар салкам икки ой мобайнида қуршовда туриб, мустақиллик учун жонини тикканлар. Жиззах ва Самарқандда юз берган шиддатли урушлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар мавжуд. Шунга ўхшаш жанглар Бухоро ва Хива хонликларида рўй берганлиги кўрсатилган. Унда чор ҳукумати томонидан Фарғона водийсида, яъни Қўқон хонлигининг марказий қисмида уюштирган ҳарбий юришлари, маҳаллий аҳолининг қаршилиги ва 1876 йилда Қўқон хонлигининг тугатилиши билан боғлиқ жараёнлар изчил равишда баён этилади.

Ўлкада чор ҳукуматининг ҳукмдорлиги ва мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган курашлар, хусусан, 1892 йилдаги Тошкент, 1898 йил Андижон ва 1916 йилдаги бутун Туркистонни қамраб олган кўзғолонларнинг сабаблари, воқеалар ривож ва оқибатлари ҳам батафсил ёритилади.

Ҳамид Зиёевнинг мазкур асари маҳаллий манбалар ва архив ҳужжатлари асосида Ўзбекистон ҳудудида турли тарихий даврларда мустақиллик ва ватан ҳимояси учун олиб борилган миллий озодлик ҳаракатларини ёритиб берувчи фундаментал асардир.

### **Истиқлол – маънавият негизи**

Тошкент, 1999, 10 б.т.

Китобда Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари кўтарилган. Унда совет даври таърифига алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф совет даврида

хукм сурган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумга баҳо бериб, «совет даврида том маънодаги «социализм» эмас, балки кулдорлик тузуми хукм сурган» деган фикрни илгари суради. Бунга асос сифатида муаллиф совет ҳокимиятининг адолатсизлиги, тазйиқлари, назорат ва қатағон сиёсати, моддий ва маънавий бойликларга аёвсиз муносабати атрофлича кўрсатиб берилди.

Амир Темури давлати мафкураси ҳақидаги муаллифнинг асосли хулосалари, 1916 йилги кўзғолон қатнашчиларининг хотиралари, ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаш билан боғлиқ масалалар ҳам кўрилган. Айниқса, «Истиқлол учун бирлашайлик!» номли қисмда совет даври фожиалари мисолида мустақилликнинг кадр-қиммати нақадар улуғ эканлиги атрофлича асослаб берилган бўлиб, муаллифнинг истиқлолни кўзқорачиғидек асраш, юртбошимиз атрофида метиндек жипслашиш борасидаги даъватлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Асарда академик Яҳё Ғуломовнинг илм-фан соҳасидаги катта хизматлари муаллифнинг шахсий хотиралари асосида атрофлича ёритилган.

### **Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси**

Тошкент, 2000, 10 б.т.

Ушбу тадқиқот тарихнинг муҳим масалаларига бағишланган. Унда биринчи навбатда тарихий шахслар ва истиқлол учун жонини тиккан қаҳрамонларнинг фаолияти ёритилган. Хусусан, Адишер Навоийнинг сиёсий ва бунёдкорлик фаолияти, академик И. Мўминов томонидан Амир Темурни «оклашга» қаратилган ҳаракатлари ёритилган. Ўзбек дин пешволарининг Сибирда ислом динини тарқатиш ва ривожлантиришдаги хизматлари баён этилган. Шунингдек, Тошкентда сақланаётган Куръони каримнинг асл нусхаси қаердан ва ким томонидан келтирилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ҳам берилган. У Амир Темур томонидан Олтин Ўрдадан олиб келинганлиги аниқланган. Шунингдек, асарда Ҳамид Зиёевнинг XX асрнинг 50-йилларида Фарғона водийсида 1916 йил кўзғолон қатнашчилари билан суҳбатларда ёзиб олинган хотиралари ҳам ўрин олган бўлиб, улар муҳим тарихий манба сифатида эътиборга лойиқдир.

Шунингдек, жадидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий заминлари шарҳланган. Шубҳасиз, у Ўзбекистон тарихини ўрганишга қўшилган муносиб ҳиссадир.

### **Сибир, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (XVI-XX аср бошлари)**

Тошкент, 2003, 17 б.т.

Ўзбеклар ўз ватанидагина эмас хорижий мамлакатларнинг ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол қатнашганлар. Шундай ҳудудлардан бири Сибир, Волга ва Урал бўйлари ҳисобланган. Бу бепоён ўлкаларнинг Ўрта Осиё билан алоқаси чуқур тарихий даврларга бориб тақалиб, ҳар икки томоннинг ривожланишига ижобий таъсир этган.

Асарда мана шу тарихан шаклланган алоқаларни ёритиш мақсад қилиб қўйилган. Муаллифнинг кўрсатишича, милоддан аввал бошланган бу алоқалар кейинги асрларда самарали давом этган. Ҳатто, Волга бўйидаги Хазар подшоҳлиги Хоразм билан бирлашиб, Хоразм-Хазар империяси ташкил топган вақтлар бўлган. У ерларга ўзбеклар ўрнашиб деҳқончилик, хунармандчилик ва маданиятни ривожланишига таъсир этган. Улар ислом динини тарқатган ва ривожлантирган.

Сибир, Волга ва Урал бўйлари Ўрта Осиё учун муҳим тайёр маҳсулотлар бозори ҳисобланган. XIII асрларда Волга бўйида ташкил топган Олтин Ўрда давлати юзага келгандан кейин Ўрта Осиё билан алоқалар яна кенг қўламда ривожланди. XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб унга тегишли Астрахань, Қозон, Сибир хонликлари чор ҳукумати томонидан босиб олингандан кейин ҳам Ўрта Осиё билан тарихий алоқалар давом эта берган.

Чунки рус давлати янги босиб олинган ерларнинг марказдан узоқлиги ва уларни иқтисодий жиҳатдан таъминлашни иложи йўқлиги туфайли ўзбек савдо аҳлининг ёрдамида ўз эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилди, ўзбекларга катор имтиёзлар бериб Сибир, Волга ва Урал бўйларида ўрнашиб савдо, деҳқончилик ва бошқа ишлар билан шуғулланишларга кенг имкониятлар яратди. Натижада XVIII асрнинг охирларида Россияда уларнинг сони 20 минг кишини ташкил этди.

Муаллиф ўзбекларнинг турмуш тарзи ва фаолиятини кунт билан ўрганган. Улар Россияни Ўрта Осиё, Хитой ва бошқа миллатлар билан алоқаларини ўрнатишда муҳим ўринни эгалладилар. Улар Сибирда биринчи бўлиб бугдойни экишни бошлаб, қўнчилик ва гилам тўкишни ҳам жорий этдилар. Астраханда эса тарвуз, ковун ва бошқа полизчилик экинларини тарқатдилар. Ўзбеклар Оренбургда ҳукуматнинг ташаббуси билан пахтани иқлимлаштириш билан шуғулландилар.

Улар узоқ вақт мобайнида ўзларига хос турмуш тарзи, дини ва урф-одатларини сақлаганлар. Улар орасида маълумотли кишилар, моҳир савдогар ва дин пешволари бор эди. Савдо аҳли Сибирда мактаблар очиб, масжид қурдилар.

Вақт ўтиши билан ўзбеклар иқлимлашиб ва маҳаллийлашиб ўзларини асл ватани Ўзбекистондан анча узоқлашиб кетдилар. Улар орасида татар аёлларига уйланганлари бўлиб, бу уларни маълум даражада этник жиҳатдан ўзгаришига олиб келди. Чор ҳукумати ўзбекларнинг хизматларини инобатга олиб, маҳаллий бошқарув тизимини жорий этилиши ҳақида фармон чиқарди. Натижада Тюмень, Тобольск ва Тарада Бухоро волостлари тузилиб, уларни оқсоқоллар бошқарган. 1917 йилда совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейин волостлар Бухоро ижроия комитетларига айлантирилди. Аммо, 1924 йилдан кейин улар тугатилган. Ўзбекларнинг маълум қисми Туркияга кўчиб кетишга мажбур бўлган. Баъзилари Ўзбекистон ва бошқа жойларга тўзиб кетди. Натижада ўзбек жамоаси заифлашиб, собиқ мавқеини йўқотди. Пировардида шароит тақозосига кўра татарларга араллашиб кетдилар. Шуни айтиш лозимки, Сибир, Волга ва Урал бўйидаги ўзбеклар Ўзбекистон тарихига бағишланган асарларда ҳеч қачон тилга олинмаган. Ҳатто, улар тарихчи олимларга ҳам номаълум эди.



Ҳамид Зиёев улар ҳақидаги маълумотларни тасодифан учратиб хайратланган эди. Шунинг учун унинг асари босилиб чиққандан сўнг тарих фанидаги «кашфиёт», яъни катта янгилик деб баҳоланди. Дарҳақиқат йигирмадан ортик архив манбалари асосида ёзилган асар ўзининг ўта сермазмун ва ноёблиги билан киши диққатини жалб этади.

### **Тарихнинг очилмаган саҳифалари**

Тошкент, 2003, 14 б.т.

Ушбу тадқиқотда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига алоҳида эътибор берилган. Амир Темур юксак одоб-ахлоқ соҳиби, жасоратли, мард, удабурон, ватанпарвар, халқпарвар ва адолатли шахс сифатида таърифланган. Совет даврида унинг ҳарбий юришларини ваҳшийликда айблаган фикрлар асоссизлигини исботлаб, улар тарихий зарурият орқасида юзага келганлиги уқтириб ўтилган.

Асарда Амир Темурнинг вафоти ва салтанат тақдири, Темурийлар давлатининг инкирозга учраши ва Мовароуннахрни шайбонийлар томонидан босиб олиниши атрофлича ёритилган. Шунингдек, хонликлар давридаги қолоқликнинг сабаблари ҳам кўрсатилган. Ўзбек олтини ва уни талон-торож қилиниши, Тошкент тарихидан лавҳалар, миллий нуксонлар, демократия ва сиёсий партиялар тарихи каби масалалар эътибордан четда қолмаган. Қизил империянинг ағдарилиш сабаблари жуда тўғри аниқланган.

Китобда Ўзбекистоннинг Биринчи ва Иккинчи Жаҳон урушларида тутган ўрни таърифланган. Айниқса, Иккинчи Жаҳон урушининг даҳшатли оқибатлари, ўзбек халқининг фашизмни тор-мор этишга қўшган катта ҳиссаси аниқ далиллар билан ёритиб берилган.

### **Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар тарихи (милоддан аввалги асрлардан то 1991 йил 31 августгача)**

Тошкент, 2004, 24 б.т.

Ўзбекистон мустақиллигини тикланиши тасодифий ва фавқулоддаги воқеа бўлмай энг қадимги даврлардан буён давом этиб келаётган миллий озодлик курашларнинг мантиқий давоми сифатида намоён бўлди. Шу боис, уни тарихий илдизларини ёритиш айтиш муддаодир. Олим мана шуни ҳисобга олиб, кўп асрларни ўз ичига олган озодлик курашлари тарихини ёзишни муқаддас бурч, деб билди. Ўз-ўзидан маълумки, ўзбек халқининг мардонавор курашлар тарихини ўрганиш осон бўлмай бой билим ва тажрибага эга бўлишни тақозо этади. Муаллиф эса худди мана шундай хусусиятларнинг соҳиби бўлганлиги туфайли мураккаб масалаларни ёритишга тўла эришган.

Асарда милоддан аввалги асрларда мамлакатимиз ҳудудида ахамонийлар ва македониялик Александрнинг тажовузларига қарши олиб борилган курашлар тарихи, ўрта асрларда араб халифалиги ва мўғулларга қарши курашлар

изчил ва атрофлича ёритилади. Мазкур тажовузлар давомида ватан химояси учун қурбон бўлган ватандошлар жасорати кўрсатиб ўтилади. Чунончи, Темир Малик ва Жалолиддин Мангуберди бошчилигида ватан мустақиллиги учун мўғулларга қарши курашлар, Маҳмуд Таробий кўзғолони, Амир Темурнинг ватан мустақиллиги ҳамда озодлигини тиклашдаги буюк жасорати ва хизматлари батафсил ёритилган.

Муаллиф Амир Темурнинг жасоратига юқори баҳо бериб, уни бир неча юз йиллар давомида бир марта дунёга келадиган буюк тарихий шахс сифатида таърифлайди.

Асарда миллий озодлик ҳаракатлари тарихида алоҳида босқич бўлган XIX асрнинг иккинчи – XX аср бошидаги воқеалар ҳам таърифланган. Маҳаллий аҳолининг чор ҳукумати тажовузлари ва ҳукмронлигига қарши олиб борилган озодлик курашлари, бу курашлардаги ўзбек аёлларининг иштирокига алоҳида тўхталиб ўтилган. Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши курашлар, хусусан, Туркистон мухториятининг ташкил топиши ва унинг тарихий аҳамияти, большевиклар томонидан унинг тор-мор этилиши ва маҳаллий аҳолига нисбатан олиб борилган зўравонлик сиёсати етарли даражада ёритилган. Совет даврида «босмачилик» сифатида қораланган, амалда Туркистон халқларининг озодлиги ва миллий манфаатлари учун олиб борилган курашлар тарихи, унинг сабаблари, иштирокчилари, мақсадлари ва аҳамияти атрофлича ва изчил кўрсатилган. Бу курашлар жамиятнинг барча тоифаларини – деҳқонлар, ҳунармандлар, зиёлилар, дин пешволари, жадид вакиллари, ҳаттоки, аёлларни ҳам камраб олганлиги кўрсатиб ўтилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳамид Зиёевнинг ушбу асарида Ўзбекистон халқларининг турли тарихий даврларда чет эл босқинчилари ва мустамлакачиларга қарши олиб борган матонатли курашлари атрофлича, изчил ва кенг манбалар асосида, босқичма-босқич, тарихий жараёнлар билан узвий боғлиқликда ёритиб берилади. Асар нафақат тарихчилар, балки кенг китобхонлар оммаси учун ҳам фойдали бўлиб, ўқувчилар томонидан қизиқиш ва мамнуниятлик билан ўқилмоқда.

### **Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари)**

Тошкент, 2006, 18 б.т.

Ҳамид Зиёевнинг мазкур асари Ўзбекистоннинг Россия империяси мустамлакачилиги давридаги ижтимоий-иқтисодий тарихига бағишланган. XIX асрнинг 60-70-йилларида мамлакатда ўз ҳукмронлигини ўрнатган империя ҳукуматининг стратегик мақсадларидан бири ўлкани хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириш эди. Чунки Россиянинг тўқимачилик санъати учун пахта хом ашёси муҳим аҳамият касб этар эди.

Муаллифнинг таъкидлашича, чор ҳукумати Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришга жуда қаттиқ киришган. Маҳаллий пахта навларининг толаси қалта ва дағалроқ бўлганлиги учун саноат талабига мос тушмаганлиги боис, ўл-

када Америка пахта навларини иқлимлаштириш бўйича амалий ишлар тобора кизиб борган. Тажриба станциялари ва плантациялар ташкил қилиниб, Америка пахтасининг бир неча турлари бўйича иш олиб борилди. Натижада толаси узун ва сифатли пахта нави етиштиришга муваффақ бўлиниб, бутун ўлка бўйлаб Россия тўқимачилик саноатига мос тушадиган пахта навлари экилган. Айниқса, Фарғона водийси пахтачиликнинг марказига айланиб, ўлкада етиштирилган пахтанинг ярмидан кўпини таъминлаб турган ва пахта яккахокимлигининг пойдевори бунёд этилган. Асарда кўрсатилганидек, 1886 йилда 0,3 млн. пуд пахта етиштирилган бўлса, 1915 йилда у 18,5 млн. пудга етиб унинг асосий қисми хом ашё сифатида Россияга узлуксиз жўнатиб турилган.

Аммо, пахтачилик жадал ривожланса-да, деҳқонлар ҳаёти яхшиланмаган, аксинча, қашшоқлашган. Бу тўғрида асар саҳифаларидаги куйидаги сатрлар далолат беради: «Деҳқоннинг уйи ва хўжалиги шу даражада ачинарлики, – деб ёзган жонли гувоҳлардан бири, – бунга ўхшаганини бошқа бирор жамоада кўрмаганман. Уйдаги бор нарсаси ерда ёки девор тагида турган 2-3 та темир ва 2-3 сопол идишлардан иборат, холос. Уйнинг бурчагида ҳунук, йиртиқ ва яғири чикқан бир нечта ёстиқ ва кўрпачалар пала-партиш тўпланиб ётибди. Деҳқонлар қорамтир кўкрагини қишин-ёзин очик қолдирилган яғир яхтак ва устидан йиртиқ тўн киядилар, Хотинлар ва болалар ҳам йиртиқ кийимларда юришади. Улар оғир меҳнатдан кейин куч тўплаш учун озгина ковурилиб сувда пиширилган атала ёки жўхори, бугдой ёки арпанинг каттиқка аралаштирилган бўтқаси – гўжа ейишади. Уларда ҳамма вақт шу овқат ва доимо ўша машаққатли меҳнат».

Асарда нафакат пахтачилик, балки бошқа хом ашёлар, хусусан, ипак етиштириш ва Туркистондан олиб кетиш масаласи ҳам ёритилади. Келтирилган маълумотларнинг кўрсатишича, пиллачилик соҳасида ҳам янги навлар жорий қилинган ва етиштирилган маҳсулот хом ашё сифатида олиб кетилган. Ўрта Осиёда темир йўллар қурилиш сабаблари, уларнинг ўлкадаги иқтисодий ҳаётда тутган ўрни масаласига ҳам тўхталиб, уларнинг мустахлакачилик манфаатларига хизмат қилганлигини тарихий далиллар билан асослаб беради. Ўлкада саноат, савдо муносабатларидаги ўзгаришларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Муаллиф савдо фирмалари, саноат корхоналари фаолиятини таҳлил қилар экан, аслида уларнинг бари ўлкадаги хом ашёни, моддий ва табиий бойликларини ўзлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилганлигини аниқ мисоллар билан асослаб беради. Савдо муносабатларига алоҳида эътибор берилади. Муаллифнинг кайд этишича, хонликлар даврида ўзбек савдогарлари Россияда тайёр маҳсулотлар билан савдо қилганлар. Россияда ўзбек газламалари ва кийим-бошларига талаб катта бўлган. Аммо, чор ҳукуматининг ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин аҳвол ўзгариб, Туркистон замини Россиянинг тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди. Рус саноатининг тайёр маҳсулотлари – турли газламалар, кийим-кечаклар, темир ва мис асбоблари ва бошқалар маҳаллий молларни, айниқса, газламаларни ички ва ташқи бозордан сиқиб чиқарган. Натижада ҳунармандчиликка зарба берилиб, минглаб кишилар қашшоқлашган. Рус саноатининг маҳсулотлари ўлкадаги барча шаҳар ва кишлокларни камраб олган.

Ҳамид Зиёевнинг мустамлакачилик даврида ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таҳлилига бағишланган мазкур асарида Туркистоннинг Россия империясининг ҳом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлан-тирилиш жараёнлари ҳамда бунинг фожиали оқибатлари ёритиб берилган. Юқорида кўрсатилган тадқиқотлар Ҳамид Зиёевнинг мустақиллик даврида яратилган энг йирик асарлари бўлиб, миллий тарих фанини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида Ҳамид Зиёев томонидан тайёрланиб, нашр этилган асарлар умумий сони 13 тага етди. Булардан ташқари 200 дан ортик мақолалар чоп этилди. Бутун илмий фаолияти давомида Ҳамид Зиёев Ўзбекистон тарихининг турли масалаларига бағишлаб 27 та китоб ва 400 дан ортик мақолалар ва тақризлар эълон қилди.

Ҳамид Зиёев ўз фаолияти давомида илмий даражали кадрлар тайёрлаш-га алоҳида эътибор билан қаради. Унинг бевосита раҳбарлиги остида жами 40 дан ортик фан номзоди ва докторлари тайёрланди, шулардан 14 таси (6 нафари фан докторлари ва 8 нафар фан номзодлари) мустақиллик йиллари маҳсулидир. Унинг шогирдлари бугунги кунда Москва, Қозон, Алмати, Биш-кек, Тошкент, Фарғона, Қўқон, Наманган, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қарши, Термиз ва бошқа шаҳарларда фаолият кўрсатмоқдалар.

Ҳамид Зиёевнинг педагогик фаолиятида олий ўқув юртларидаги таълим ишлари ҳам алоҳида ўрин тутди. У ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб, Тошкент Давлат педагогика институти, Тошкент Давлат шарқшунослик инсти-тути ва бошқа олий ўқув юртларида қадимги Греция, Рим, Шарқ тарихи ҳамда Ўзбекистон тарихидан мунтазам равишда маърузалар ўқиб келди<sup>5</sup>.

Хуллас забардаст олим, устоз ва мураббий Ҳамид Зиёев ўзининг 60 йил-лик илмий фаолиятида салмоқли ютуқларга эришиб, ватан тарихшунослигини ривожлантиришга ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келмоқда.

Ҳозирда 80 ёшдан ошганлигига қарамай, Ҳамид Зиёев ўз илмий изла-нишларини узлуксиз ва самарали давом эттирмоқда. Тарих фанининг жонку-яри, таниқли ва кекса вакили Ҳамид Зиёевга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва муваффақиятлар тилаймиз.

*А. Муҳаммаджонов, Ў. Исломов, Г. Агзамова*

<sup>5</sup> Ҳамид Зиёевнинг илмий-педагогик фаолияти ва юқори малакали илмий ходимлар тайёрлашдаги тутган ўрни ҳақидаги тўлиқ маълумотлар А. Шарафиддинов, З. Фай-зиева, Л. Кравец «Ҳамид Зиёевнинг илмий-педагогик фаолияти» (Тошкент, 2003. 190-бет) номли асарида берилган.



## Муаллифлар ҳақида маълумот

**М. Исомиддинов** – Фарғона Давлат университети ўқитувчиси, т.ф.д.

**А. Хўжаев** – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, т. ф. д.

**О. Бўриев** – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, т. ф. н.

**А. Аҳмедов** – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, т. ф. д., профессор.

**Ш. Раҳматуллаев** – ЎзР ФА Тарих институти докторанти.

**П. Хўшбоқов** – Термиз Давлат университети катта ўқитувчиси.

**Д. Максудов** – Тошкент Ислон университети тадқиқотчиси.

**Ў. Султонов** – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.

**З. Орифхонова** – ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т. ф. д.

**А. Анорбоев** – ЎзР ФА Археология институти бўлим бошлиғи, т. ф. н.

**Ф. Максудов** – ЎзР ФА Археология институти катта илмий ходими, т. ф. н.

**А. Муҳаммаджонов** – Мирзо Улуғбек номи Ўзбекистон Миллий университети, академик.

**Г. Агзамова** – ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т. ф. д.

**Г. Аҳмеджонов** – Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ўқитувчиси, т. ф. д., профессор.

**Р. Назаров** – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, ф. ф. н.

**Ў. Исломов** – ЎзР ФА Археология институти бўлим бошлиғи, академик.



хр 3090с

Индекс 1027